

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Андижон давлат университети

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 94 (575)008+ (575)(09)

Алихожиев Мухаммаджон Одилжон ўғли

**ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ МАДАНИЙ ҲАЁТИДА МАКТАБ
ВА МАДРАСАЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ
(1800-1876 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, тарих фанлари
доктори, профессор И.А.Алимов

Тошкент - 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХШУНОСЛИГИ ВА МАВЗУГА ОИД МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ	
1.1 Мавзу тарихшунослигига доир мулоҳазалар.	12
1.2. Мавзуга оид манбалар таҳлили.	31
II БОБ. ХОНЛИК МАДАНИЙ ҲАЁТИДА МАКТАБ ВА МАДРАСАЛАР: ТУРЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ	
2.1. Қўқон хонлигида мактаблар турлари ҳамда уларнинг фаолияти	51
2.2. Қўқон хонлигида мадрасалар ва уларнинг хонлик маданий-маънавий ҳаётида тутган ўрни	67
III БОБ. ҚЎҚОН ХОНЛИГИ МАКТАБ ВА МАДРАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ВАҚФ МУЛКЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ	
3.1. Мактаб ва мадрасалар ишини юритишда вақф ерларининг роли.	97
3.2. Анъанавий ўқув юртлари фаолиятида савдо-саноат вақф мулкларининг ўрни	119
ХУЛОСА	133
ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	138
ИЛОВАЛАР	160

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик шарофати туфайли ўзбек халқи ўзлигини том маънода англаб, жаҳонга юз тутди, ўзи белгилаб олган истиқболли тараққиёт йўлидан жадал илгарилаб бормокда. Истиқлол йилларида Ўзбекистон тарихининг кўпгина масалалари ўзининг янги, илмий жihatдан холис ва ҳаққоний ечимини топа бошлади. Бу айниқса, бир неча ўн йиллар давомида сохталаштирилиб, бир ёқлама талқин қилиб келинган хонликлар даври тарихини ўрганишда ҳам яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистон тарихининг хонликлар даври билан боғлиқ масалаларига бугунги кун нуқтаи - назаридан холисона баҳо бериш долзарб аҳамият касб этади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрдаги “Ўзбекистоннинг янги тарихи”ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисидаги ва 1998 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мамлакат Президенти И.А. Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар билан бўлган учрашувида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистоннинг ҳаққоний тарихини яратиш Ватан тарихшунослиги олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Истиқлол йилларида Ватан тарихини ҳаққоний, илмий асосда ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов эътироф этганидек, “Ўз тарихини билмаган жамият истиқболга элтувчи йўлни топа олмайди. Тарихга беписанд халқнинг келажаги йўқ”¹.

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаёти ўзига хос ривожланиш, турғунлик ва таназзул давларини бошидан кечирган. Хусусан, IX – XII асрларда минтақада юз берган ренессанс Араб халифалигида юз берган Шарқ уйғониш

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – Б.219.

давридаги юксалиш билан ҳамоҳанг эди. Бу юксалиш Урганчдаги Маъмун академияси фаолиятида яққол кўзга ташланади. XIV асрнинг II ярмидан XV аср бошларига қадар давом этган Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги йилларидаги Самарқанд ҳамда Ҳиротда кечган маданий юксалиш ҳам диққатга сазовордир. Ана шу икки даврдаги илм-фан ва санъат соҳаларидаги ривожланишнинг асосида бевосита таълим соҳаси турганини алоҳида таъкидламоқ зарур. Зеро, ижтимоий-иқтисодий барқарор муҳитда турли соҳаларнинг ривожланишида таълим тизими, хусусан, мактаб ва мадрасалар фаолияти ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Албатта ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди”².

XIX асрга келиб, Ўрта Осиё хонликларида, хусусан, Қўқон хонлигида сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ўзгаришлар рўй берди-ки, бу жараён таълим соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Гарчи, хонликда аниқ ва табиий фанлар, диний илмлар ривожланмаган бўлса-да, адабиёт ва санъат, меъморчилик маълум маънода тараққий этишда давом этди. Айниқса, хонликдаги марказий ҳокимият кучайган XIX асрнинг биринчи ярмида мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ўсиш кузатилади-ки, бу ҳолат маданий ҳаётнинг ҳам жонланишига туртки берди. Натижада, минтақада Аштархонийлар сулоласи инқирозидан кейинги ярим асрлик турғунлик даври тугаб, маданий-маънавий соҳаларда ижобий томонга ўзгариш юз берди. Шубҳасиз, бу соҳалардаги ривожланиш бевосита хонликдаги мактаб ва мадрасалар фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу сабабли тарихий воқеликни асл манбалар ёрдамида илмий жиҳатдан холисона ёритиш бугунги кунда тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Масаланинг долзарблик жиҳатидан келиб

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.30.

чиқиб тақдим этилаётган диссертация Қўқон хонлигида мактаб ва мадрасалар фаолияти, минтақанинг маданий-маънавий ҳаётида таълим муассасаларининг тутган ўрнини тадқиқ этишга бағишланган.

Тадқиқотнинг даврий чегараси сифатида Қўқон хонлигининг XIX аср бошидан то 1876 йилгача, яъни хонликнинг тугатилишига қадар бўлган давр белгиланди. Мазкур даврда Қўқон хонлигида давлатчилик эволюцияси, хонликнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида, шу жумладан, мактаб ва мадрасалар фаолиятида юксалиш, турғунлик ва инқироз жараёнлари кечади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қўқон хонлигининг маданий ҳаётида мактаб ва мадрасаларнинг тутган ўрни махсус ўрганиш объекти сифатида танлаб олинмаган бўлса-да, Ўрта Осиё, жумладан Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётига бағишланган айрим тадқиқотларда зикр этилган бўлиб, мавзуга оид фикр-мулоҳазалар тарқоқ ва умумлаштирилмаган. Бу борада амалга оширилган ишларнинг мақсади, мазмун-моҳияти ва характеридан келиб чиқиб, шартли равишда уларни қуйидаги тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Россия империяси мустамлакачилиги даврида чоп этилган адабиётлар.
2. Совет ҳукмронлиги даврида нашр этилган адабиётлар.
3. Мустақиллик давридаги тадқиқотлар ва чоп этилган адабиётлар.
4. Хорижий адабиётлар.

Диссертациянинг биринчи бобида мавзунинг ўрганилиши тилга олинган тўрт гуруҳ бўйича масаланинг тарихшунослиги доирасида батафсил тадқиқ этилган.

Тадқиқ этилаётган даврдаги хонлик маданий ҳаётида мактаб ва мадрасаларнинг тутган ўрни масаласи ҳақида унинг барча жиҳатларини ўзида акс эттирувчи, тарихийлик тамойили асосида ёзилган яхлит илмий тадқиқот ҳанузгача яратилмади. Қўқон хонлиги маданий-маънавий ҳаёти маълум даражада ўрганилган бўлса-да, бу соҳани ҳаракатлантирувчи

кучлардан бири бўлган мактаб ва мадрасалар фаолияти шу вақтга қадар Ватан тарихшунослигида комплекс тарзда махсус ўрганилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Қўқон хонлиги маданий-маънавий ҳаётининг муҳим тармоқларидан бири – мактаб ва мадрасалар фаолияти ҳамда уларнинг давлат ва жамият тараққиётида тутган ўрнини ўрганиш тадқиқотнинг асосий мақсади сифатида белгилаб олинган.

Диссертацияга қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги асосий **вазифаларни** ҳал этиш белгилаб олинди:

- мавзу тарихшунослигини ўрганиш;
- мавзуга оид бирламчи манбаларни тадқиқ қилиш орқали янги маълумотларни илмий муомалага киритиш;
- Қўқон хонлиги маданий-маънавий ҳаётида мактаб ва мадрасалар фаолиятининг тутган ўрнини ўрганиш;
- XIX асрда Қўқон хонлиги мактаб, мадрасалари тизими, мавқеи масаласини ва ривожланишининг таҳлили;
- тадқиқотда хонликдаги мавжуд бўлган мактаб, мадрасаларнинг сонига оид бирламчи ва бошқа тарихий манбаларни келтириш орқали уларнинг маҳаллий аҳоли саводхонлик даражасини ошириб борганлиги ҳақида тушунча бериш;
- хонликдаги мактаб, мадрасалар фаолиятида вақф мулклари аҳамиятини кўрсатиш;
- ижтимоий-иқтисодий муҳофаза тизимини ва унинг фаолият юритиш механизмларини ёритиш;
- мавзуга оид манбаларни ўрганиш ва таҳлил этиш натижасида илмий хулосалар чиқариш, истиқлолнинг ҳозирги босқичида ижтимоий-иқтисодий

ва маънавий-маданий тараққиётига ёрдам берадиган амалий таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Диссертация кенг кўламдаги хилма – хил бирламчи, ёрдамчи манбалар асосига қурилган. Бу масала тадқиқот биринчи бобининг алоҳида манбалар таҳлили қисмида батафсил шарҳланган.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объектини Қўқон хонлигининг маданий ҳаётида мактаб ва мадрасалар фаолияти муаммолари ташкил этади.

Тадқиқот предметини Ўрта Осиё халқларининг анъанавий таълим тизими ва таълим-тарбия муассасалари фаолияти, мактаб ва мадрасалар, вақф мулклари, таълим, Қўқон хонлиги тарихи, маданий ҳаёт, саводхонлик каби мавзу ва муаммолар ташкил этади.

Диссертациянинг назарий ва услубий асослари. Тадқиқот доирасидаги асосий илмий концепция мавзуга тарихий ҳақиқат асосида ёндашиш бўлиб, унда ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий жараёнлар тарихий ва қиёсий таҳлил ҳамда холислик, илмийлик, статистик, қиёсий-тарихий таҳлил, танқидий ёндашув назарий-услубий тамойилларга таянган ҳолда тадқиқ қилинди.

Жаҳон тарих фани ва тарихшунослигида қўлланилаётган методология ва услублар, ўзбекистонлик олимлар томонидан илгари сурилаётган назарий фикр ва мулоҳазалар ҳамда Президент И.А.Каримовнинг мамлакат тарихини ҳаққоний ёритиш тўғрисида билдирган фикр-мулоҳазалари диссертациянинг назарий – методологик асосини ташкил этди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

– биринчидан, X – XII асрлар ҳамда Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлик йиллари таълим соҳасининг энг ривожланган даври бўлди. XVI-XVII асрдан кейинги даврга келиб, маълум омил ва сабабларга кўра мадрасалардаги таълим, ўқув ва дарслик тизимида ҳам турғунлик ҳолати кузатилди;

– иккинчидан, XVIII аср бошида ташкил топган Қўқон хонлигидаги мактаб ва мадрасалар ҳам асрий анъаналар асосида ўз фаолиятини давом эттириб, хонлик маданий-маънавий ҳаётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлгани маълум бўлди;

– учинчидан, Қўқон хонлигидаги таълим соҳаси турли ижтимоий-сиёсий тузумлар даври шарт-шароитлари асосида ёритилган. Бу борада XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган тадқиқотлар сиёсий тузум мафкураси манфаатлари доирасида амалга оширилиб, тарихий воқеликлар мавжуд мафкура манфаатларига йўналтирилди, хориж тарихшунослигида эса Қўқон хонлигидаги таълим соҳаси тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмади;

– тўртинчидан, Қўқон хонлигида таълим муассасаларининг фаолиятига тегишли тарихий ҳужжатлар (вақфномалар, ёрлиқ ва иноятномалар, олди-сотди ҳужжатлари ва ҳ.) мавзуга оид манбаларнинг энг муҳим қисмини ташкил этгани маълум бўлди. Уларнинг аксарияти мадрасаларга тегишли бўлиб, мактаблар фаолиятига оид ҳужжатлар эса жуда кам. Мазкур тарихий ҳужжатлар ўз навбатида, европалик сайёҳлар кундаликлари ва расмий ҳисоботлари ҳамда махсус давлат муассасалари фаолиятига оид ҳужжатлар билан бирга кенг кўламли қиёсий-таҳлилий тадқиқотга жалб этилиб, назарий-амалий хулосалар олишга, муаммонинг истиқболли йўналишларини кўрсатишга доир таклиф ва тавсиялар бериш учун асос бўлди.

Ишнинг илмий янгилиги. Тадқиқотда Қўқон хонлигидаги мактаб ва мадрасалар фаолияти, вақф мулкларининг мусулмон ўқув юртлари машғулотларини ташкил қилишдаги аҳамияти ҳамда вақфларнинг мактаб ва мадрасалар иқтисодий негизини ташкил этганлиги илк бор уларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тегишли тарихий ҳужжатлар асосида тадқиқ этилди. Хусусан, диссертациянинг илмий янгилиги мавзунинг бирламчи манбалари, яъни илк маротаба муомалага киритилаётган архив ҳужжатлари, ҳужжатларда акс этган янги материаллар ҳамда улар асосида келиб чиққан қуйидаги илмий хулосаларда кўринади:

– Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви фондида олиб борилган изланишлар жараёнида бевосита мавзуга алоқадор бўлган янги тарихий маълумотлар илмий муомалага киритилди. Мактаб ва мадрасаларнинг қурилиш санаси, асосчилари, фаолият кўлами билан боғлиқ маълумотлар аниқланди;

– Қўқон хонлигидаги мактаб ва мадрасалар фаолияти ва анъаналари, бирламчи манбалардаги маълумотлар умумийликда, қиёсий ва танқидий таҳлиллар асосида ўрганилди. Натижада хонлик шаҳарлари ва қишлоқларидаги таълим муассасаларининг сони, фаолият йўналиши билан боғлиқ маълумотларга аниқлик киритилди;

– хонлик даврида мактаб ва мадрасалар фаолиятининг хусусиятларини ўрганиш асосида шаҳар ва қишлоқ ҳудудларидаги таълим муассасалари фаолияти, ўқитиш услуби, самарадорлик, сифат ҳамда кадрлар масаласи, мавжуд муаммолар ва ютуқлари ёритиб берилди;

– Қўқон хонларининг бунёдкорлик соҳасида амалга оширган ишлари натижасида қурилган мактаб ва мадрасаларнинг фаолияти таҳлил этилди;

– Қўқон хонлигида таълим муассасаларининг ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси масалалари, хусусан, мактаб ва мадрасаларга тегишли вақф мулклари, улардан фойдаланиш ҳамда ўқув юртлари фаолиятини кенгайтиришда тутган ўрни ўрганилди;

– хонликдаги мактаб ва мадрасаларнинг иқтисодий таянчи бўлган вақф мулкларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда савдо-саноат соҳасига тегишли вақфлари алоҳида тадқиқ этилиб, уларнинг фаолият жараёни ва таълим соҳаси ривожига аҳамияти ўрганилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация кўлёзма манбалар, Қўқон хонлиги ҳамда Туркистон генерал-губернаторлиги бошқарув тизимига тегишли расмий-ҳуқуқий характерга эга бўлган тарихий ҳужжатлардаги мавзуга оид маълумотларнинг муомалага киритилиши,

мамлакатнинг XIX аср тарихига оид саҳифаларини янги маълумотлар билан бойитиши билан эътиборга молик.

Диссертациядаги материаллардан Ўрта Осиёда таълим тизими, хусусан, Қўқон хонлигида таълим-маориф соҳасини ташкил этувчи мактаб ва мадрасалар фаолияти, мазкур таълим муассасаларининг ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси, моддий базаси, яъни вақф хўжалиги ҳамда уларнинг хонлик маданий-маънавий ҳаётида тутган ўрнини ўрганишда, шунингдек, Ўзбекистон тарихи ҳамда ўлкашунослик фанларидан ўқув-услубий қўлланмалар ва маърузалар тайёрлашда, амалий машғулотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация натижаларидан Ватан тарихининг хонликлар даври бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларининг тегишли қисмларини ёритишда, олий ўқув юртлари талабалари учун махсус курслар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, иш натижаларидан Андижон давлат университети ўқув жараёнларида кенг фойдаланилмоқда.

Ишнинг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар тезис ва материалларида, тўплам ва илмий журналларда эълон қилинган мақолаларда ўз аксини топган. Иш Андижон давлат университети “Ўзбекистон тарихи” кафедраси йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия қилинган. Шунингдек, диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация юзасидан жами 10 та иш эълон қилинган. Жумладан, тадқиқотнинг асосий мазмуни, хулоса ва натижалари диссертант томонидан эълон қилинган 6 та илмий мақола ва 4 та илмий-амалий анжуман материалларида чоп этилган мақола ва тезисларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 159 бетни ташкил этади.

I БОБ. ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХШУНОСЛИГИ ВА МАВЗУГА ОИД МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ

1.1. Мавзу тарихшунослигига доир мулоҳазалар

XIX аср Қўқон хонлигидаги маданий ҳаёт масалалари, унинг аҳволи, жамиятда тутган ўрнини тадқиқ қилиш даражаси ҳақида гапирганда, мавзуга оид бир қатор ёзма манбалар, тарихий ҳужжатлар ҳамда тадқиқотларнинг эълон қилинганини таъкидламоқ зарур. Лекин турли ижтимоий-сиёсий муҳит ҳукм сурган даврларда яратилган ушбу тадқиқотларнинг барчасида ҳам анъанавий таълим тизимининг муҳим босқичлари – мактаб ва мадрасалар фаолиятига ҳолисона баҳо берилган деб бўлмайди. Уларнинг аксарияти Россия империясининг мустамлакачилик даври (1867 – 1917) ҳамда совет мафкураси таъсири кучли бўлган даврда (1924 – 1991) яратилганлиги ҳам бу борадаги тадқиқотларга танқидий ёндашувни ва асл манбалар билан қиёсий ўрганишни талаб этади.

Аввало, мавзунинг тарихшунослигига назар ташласак, Россия империяси ҳамда совет ҳокимияти йилларида Туркистон ўлкасидаги бошланғич таълим муассасалари бўлган мактаблар ва мадрасалар фаолияти тадқиқ этилган бўлса-да, Қўқон хонлиги таълим тизими ва унинг минтақавий хусусиятлари деярли ўрганилмагани маълум бўлади.

Бунинг сабаби, биринчидан, Россия империясининг ўлкадаги мустамлакачилик бошқаруви маҳаллий таълим муассасалари фаолиятига беписандлик билан қараши бўлса, иккинчидан, совет ҳукуматининг таълимга мафкуравий тус бериши ва илк йилларданоқ исломий диний ўқув тизимини тугатишга қаратилган сиёсати билан боғлиқ эди.

Диссертациянинг кириш қисмида таъкидланганидек, мавзунинг тарихшунослигини даврийлик ва ёндашув характериға кўра тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга мансуб ишлар, асосан, Россия империясининг Туркистон ўлкасида хизмат қилган шарқшунос-маъмурлари ва ўлкашунослари томонидан амалга оширилган бўлиб, уларнинг асосий мақсади ўлкадаги таълим тизимини ўрганиш, ислохотлар ўтказиш орқали тартибга солишга қаратилган эди. Шу сабабли бу гуруҳдаги тадқиқотларни кўпроқ аниқ натижалар олишга қаратилган амалий характердаги изланишлар сифатида баҳолаш ўринли бўлади.

Жумладан, Петербург Фанлар академияси академиги В.В. Вельяминов – Зернов асарлари Қўқон хонлигининг турли жиҳатлари ва масалаларини ўрганиш бўйича муҳим маълумотлар беради. Муаллифнинг “Сведения о Кокандском ханстве” асарида Қўқон мадрасалари фаолияти тадқиқ этилиб, уларнинг моддий-хўжалик таъминоти, таълим жараёни, ўқув ишлари кўрсатиб берилган.³

Тошкент шаҳри босиб олинган илк йилларда келган россиялик амалдорлардан А.П.Хорошхин ўлкани кўздан кечиран экан, Тошкент ва Самарқанддаги вазият билан бирга таълим муассасаларини ҳам эътибордан қочирмаган. Муаллиф бу соҳа фаолиятини чуқур тадқиқ этмаса-да, кузатувчи сифатида Тошкентнинг Қўқон хонлиги давридаги мактаб ва мадрасалари ҳамда уларнинг 1865 йилдан кейинги аҳволини ўзи тўплаган маълумотлар асосида таҳлил қилишга ҳаракат қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтган⁴.

Туркистондаги маориф соҳасини жиддий ўрганиш 1867 йили Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил этилиши ҳамда 1876 йили Қўқон хонлиги тугатилгандан сўнг кенг тус олганини кўриш мумкин.

³ Вельяминов – Зернов В.В. Сведения о Кокандском ханстве // Вестник имперского русского географического общества. 1856. – С.328 – 456.

⁴ Хорошхин А.П. Туркестанский край в 1866 году. – СПб., 1868. – С.86 – 92.

Мазкур даврга келиб бу борадаги ишлар оддий кўздан кечиришдан иборат бўлмасдан, балки маориф соҳасининг икки йўналиши: мактаб ва мадраса таълимини жиддий ўрганиш бошланди. Хусусан, “Туркестанские ведомости” газетасининг 1876 йил 48-сонида чоп этилган “Ўрта Осиё мусулмонларининг мактаб таълими ҳақида” номли мақола ўлкадаги бир қатор соҳалар каби таълим тизимини ўрганишга ҳам жиддий киришилганидан дарак беради⁵.

Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасида мусулмон мактаблари устидан инспектор бўлиб ишлаган В.П.Наливкин мактаб ва мадрасаларни текшириб, уларнинг ўқув жараёни билан яқиндан танишган. У кузатувлар натижасида мадрасалар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган вақф мулкларининг моҳияти, мулкнинг масжид, мадраса ва бошқа диний ташкилотларга вақф қилиниш тартиби, унинг келиб чиқиш тарихига оид маълумотларни тўплаб, бу соҳада расмий ҳисоботлар тайёрлади, китоблар ва мақолалар нашр қилди⁶.

Империя маъмурларидан бири Ф.М.Керенский, ўзидан олдинги хизматдошларидан фарқли ўлароқ, биринчилардан бўлиб айнан маҳаллий таълим тизимини тадқиқ этишга эътибор қаратди⁷. Жумладан, Ф.М.Керенский ўз рисоласида Туркистондаги мактаб ва мадрасалар фаолияти, ўқув жараёни, дарсликлар, ўқув хоналари, мударрис ва талабалар ҳамда вақф мулкларининг ҳуқуқий ҳолати каби масалаларни таҳлил этишга ҳаракат қилган. Масалан, Қўқон хонлигининг йирик шаҳарлари – Тошкент, Марғилонда хонлик даври ва империя мустамлакачилиги бошқаруви

⁵ О школьном образовании у магометан Средней Азии. Ч.2 // Туркестанские ведомости. – Ташкент, 1876. – №48.

⁶ Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. – Казань: Типог. Император. ун-та, 1886. – 230 с.; Наливкин В.П., Наливкина М. Очерки быта оседлого туземного населения Ферганы. – Казань: Б. и., 1886. – 245 с.; Ўша муаллиф. Что дает Средне-Азиатская мусульманская школа в образовательном и воспитательном отношениях? – СПб.: Б. и., 1900 – 480 с.; Ўша муаллиф. Положение вакфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания // Ежегодник Ферганской области. Т.III. – Новый Маргелан, 1904. – С.1 – 56; Ўша муаллиф. Туземцы раньше и теперь. – Ташкент: Тип. А.Л.Кирснера, 1913. – 144 с.; Ўша муаллиф. Сведения о состоянии туземных медресе Сырдарьинской области в 1890 – 1891 учебном году. – Ташкент: Б. и., 1916. – 16 с.

⁷ Керенский Ф.М. Медресе в Туркестанском крае. – СПб.: Б. и., 1892. – 37 с.

йилларидаги мадрасаларнинг вақф мулкларини ижарага бериш, улардан олинган даромаднинг тақсимои қоидалари ҳақида қўплаб аниқ маълумотлар келтириб ўтган.

Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан шаклланиб бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб таълим соҳасида ҳам бир қатор ислохотларни амалга оширишга киришди. Айниқса, рус-тузем мактаблари, жаҳид маърифатпарварлари тарафидан очиладиган ноанъанавий таълим масканларининг қўпайиб бориши жараёнида империя маъмурлари мактаб ва мадрасаларнинг хонлик ҳамда мустамлака давридаги фаолиятини чуқурроқ ўрганишга киришди. С.М.Граменицкий, К.К.Пален, Н.А.Бобровников қаламига мансуб ҳисобот ва тадқиқот шаклидаги нашрларнинг айнан таълим соҳасига қаратилгани эътиборга молик⁸. Айниқса, Сирдарё вилояти халқ билим юртлари директори вазифасида фаолият олиб борган С.М.Граменицкий ва Н.П.Остроумов изланишларида Қўқон хонлигининг Қўқон, Наманган, Андижон, Тошкент ва бошқа шаҳарларидаги мактаб, мадрасалар ҳақида маълумотлар жамланиб, ўқув жараёнига баҳо берилган.

В.И.Кушелевский қаламига мансуб “Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области” номли асарда ўлкадаги анъанавий мактаблар билан рус-тузем мактаблари фаолияти қиёсий таҳлил асосида ўрганилади. Маҳаллий аҳолининг рус-тузем мактабларига бўлган муносабати ёритиб берилади⁹.

⁸ Граменицкий С.М. Очерки развития народного образования в Туркестанском крае // Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. Издание Сыр-Дарьинского Областного Статистического Комитета / Под ред. И.И.Гейера. – Ташкент: Типо-литография торгового дома Ф. и Г. Бр. Каменские, 1896. Т.4. – С.2 – 104; Ўша муаллиф. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области. – Ташкент, 1916. – 159 с.; Остроумов Н.П. К истории народного образования в Туркестанском крае // К.П.фон Кауфман – устроитель Туркестанского края. Личные воспоминания Остроумова (1867 – 1881). – Ташкент, 1899. – 287 с.; Ўша муаллиф. К вопросу о государственном языке в инородческих школах Туркестанского края // Туркестанский сборник. Т.477. – Ташкент, 1908. – С.2 – 4; Ўша муаллиф. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. – Ташкент: Издание Туркестанской ведомости, 1914. – 216 с.; Пален К.К. Отчет по ревизии учебного дела Туркестанского края. – СПб.: Сенатская тип., 1910. – 270 с.; Бобровников Н.А. Русско - туземные училища, мектебы и медресе в Средней Азии. – СПб.: Б. и., 1913. – 90 с.

⁹ Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. – Новый Маргелан. Т.II. 1891. – С.361 – 370.

Мавзуга оид айрим фикр-мулоҳазалар Қўқон хонлигининг аввалги худуди, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётига бағишланган ишларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, А.Л.Кун ўз ишида хонликдаги халқ таълими масаласига катта эътибор қаратади ва Қўқон хонлигининг йирик шаҳарларидаги мактаб ва мадрасалар бўйича статистик маълумотлар тўплайди, мадрасалар фаолиятида муҳим аҳамият касб этган вақф мулкларига асосий эътиборни жалб этади¹⁰.

Генерал-губернатор К.П. фон Кауфман томонидан эълон қилинган “1881 йилда Туркистон ўлкасида халқ бошланғич таълими” номли таҳлилий ҳисоботда ҳам маҳаллий таълим тизими ҳақида муҳим маълумотлар ўрин олган¹¹. Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти тизимида бир қатор масъул лавозимларда ишлаган ҳамда Тошкентдаги Туркистон халқ университетида этнография ва туркий тиллардан дарс берган Н.С.Ликошиннинг “Пол жизни в Туркестане” китобида ҳам Қўқон хонлигидаги мактаб ва мадрасалар фаолиятига баҳо бериб ўтилган¹².

Хонликдаги мадрасаларда таҳсил олаётган талабаларнинг иқтидорини, уларнинг араб, форс тилларини ўзлаштиришдаги истеъдодини кўрган ва бир қанча манбалардан ўқиб билган П.В.Знаменский мактаб, мадрасалар фаолиятига ижобий баҳо беради¹³. Ўлка халқлари ҳаёти ва кундалик турмуш тарзини таҳлил қилган Э.С.Вульфсон эса ўзининг “Как живут сарты” номли илмий-оммабоп асарида маҳаллий аҳолининг таълим-тарбия ишларига алоҳида тўхталиб, мактаб таълимига доир қимматли маълумотларни келтиради¹⁴.

¹⁰ Кун А.Л. Вакуфы // Туркестанские ведомости. 1872. – №21.

¹¹ Кауфман К.П. Начальное народное образование в Туркестанском крае 1881 г. – СПб.: Б. и., 1910. – 15 с.

¹² Ликошин Н.С. Пол жизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. – Петроград: Литог. В.А.Бероз, 1916. – 415 с.

¹³ Знаменский П.В. Участие Н.И.Ильминского в деле инородческого образования в Туркестанском крае. – Казань: Казан. ун-т, 1900. – 116 с.

¹⁴ Вульфсон Э.С. Как живут сарты. – Москва: Б. и., 1908. – С.96 – 103.

Мавзунинг айрим жиҳатлари М.Н.Ростиславов, Н.Н.Пантусов, Н.Емельянов каби бир қатор амалдорларнинг мақола ва кундаликлари, эсдаликларида¹⁵ ҳам акс этганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Иккинчи гуруҳга мансуб, совет даврида ёзилган мактаб ва мадрасалар фаолиятини ёритувчи асарларни мазмун ва моҳиятига кўра қуйидаги икки даврга ажратиб ўрганиш ўринлидир:

1. Октябрь тўнтариши давридан то XX асрнинг 20-йиллари ўрталаригача;

2. Ўзбекистон ССР ташкил топган даврдан то 1991 йилгача.

Биринчи давр Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси (1918 – 1924) ҳамда Ўзбекистон ССР ҳокимият бошқарувининг илк йилларига (1924 – 1928) тўғри келиб, бу даврда мавзуни ёритишда муаллифларнинг нисбатан эркин фикр юритганликлари яққол сезилиб туради. Шунга қарамай, айрим муаллифлар мактаб ва мадрасалар фаолиятидаги камчиликларни ҳаққоний очиб бериш, уларни бартараф этиш фикрини илгари сурсалар, баъзилари бундай таълим муассасаларига синфийлик нуқтаи назаридан ёндашиб, салбий баҳо берадилар.

Хусусан, ана шундай муаллифлардан бири А.Шукуров ўз мақоласида мактаб ва мадрасаларнинг мусулмон дунёсидаги мавқеига юқори баҳо бериш билан бирга уларнинг XVIII – XIX асрларга келиб тор, сохта билим йўналишига тушиб қолгани, табиий ҳамда аниқ фанларга эътибор сусайганини таъкидлаб ўтади. Шунингдек, мақолада ўқув жараёнининг ташкил этилишига оид масалалар ва ўқитилган дарсликлар таҳлил қилинган¹⁶. Яна бир муаллиф – В.Билик эса ўз мақоласида бошланғич хат-

¹⁵ Ростиславов М.Н. Очерк о видах земельной собственности и поземельный вопрос в Туркестанском крае. – СПб., 1876. – 335 с.; Пантусов Н.Н. Архив Кокандского хана // Туркестанские ведомости. 1876. – №12.; Ўша муаллиф. О податях и повинностях, существовавших в бывшем Кокандском ханстве и последнее время правления Худаярхана // Туркестанские ведомости. 1876. – №16; Ўша муаллиф. Податные сборы в Коканде // Туркестанские ведомости. 1876. – №13; Ўша муаллиф. Сборы и пошлины в бывшем Кокандском ханстве // Туркестанские ведомости. 1876. – №17; Емельянов Н. Численность вакфов Туркестанского края // Туркестанский сборник. Том 461. – С.3 – 6.

¹⁶ Шукуров А. Мусульманские школы в Туркестане // Наука и просвещение. – Ташкент, 1922. – №1. – С.31 – 35.

савод чиқариш масканлари ҳисобланган анъанавий мактабларни “маҳаллий халқни диний исканжада сақлаб турувчи макон” деб баҳолаб, совет мактабларига хавф туғдирувчи даргоҳ сифатида таърифлайди¹⁷.

Бу даврда эълон қилинган айрим мақолалар таълим муассасаларининг ижтимоий-сиёсий мавқеи эмас, балки маориф ҳолати, таълим стандартлари масаласига қаратилгани билан ҳам эътиборга молик. Масалан, Н.Архангельский, Ш.Раҳимий каби таълим соҳаси вакиллари ўз чиқишларида республикада аввалги замонлардан қолган мактаб ва мадрасаларда ўқитиш услублари ва дарслик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ғоясини илгари сурдилар¹⁸.

XX аср бошларида авжига чиққан мафкуравий сиёсат ҳамда атеистик таълим-тарбиянинг оммалашуви айрим раҳбар ходимларга ҳам таъсир этмай қолмади. Хусусан, Ўзбекистон Халқ маорифи комиссари Р. Иноғомов Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий кўмитасининг ялпи мажлисида қилган маърузасида қуйидаги фикрларни айтиб ўтганди: “...мусулмон мактаблари аксилинқилобий бир маданий куч, бизнинг юксалишимизга тўсиқдир, шундай бир йўл топайликки, бу эски мактаблар ўз-ўзларидан йўк бўлсинлар”¹⁹.

Шарқшунос В.В.Бартольднинг Туркистон маданияти тарихига бағишланган асарида Ўрта Осиё хонликларидаги мадрасаларнинг аҳволи, уларнинг моддий таъминоти, вақф мулклари ҳақида муҳим маълумотлар берилган бўлиб, бу мулкларни шариат қоидаларига асосан сотиш, гаровга қўйиш ва давлат томонидан мусодара қилиш ман этилганлиги кўрсатилган²⁰.

¹⁷ Билик В. Роль конфессиональной школы в жизни Туркестана // Наука и просвещение. – Ташкент, 1922. – №1. – С.27.

¹⁸ Архангельский Н. Учебная литература на узбекском языке // Наука и просвещение. – Ташкент, 1922. – №2. – С.8 – 10; Раҳимий Ш. Просвещение узбеков // Наука и просвещение. – Ташкент, 1922. – №2. – С.16 – 19; Раҳим Ш. Ўзбек маорифининг ўтгандаги ва ҳозирги ҳоли (Маориф ҳафтаси муносабати билан чиққан). – Тошкент: Туркдавнашр, 1923. – 441 б.

¹⁹ Ўзбекистонда маориф ва маданият масалалари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1926. – Б.10.

²⁰ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Л.: АН СССР, 1927. – 256 с.

Мактаб ва мадрасаларнинг молиявий асосларини ўрганишда худди шу даврда Л.И.Дембо томонидан яратилган асар алоҳида аҳамиятга молик. Вақф ерларининг 1917 йилдан кейинги ҳуқуқий жиҳатларини, мадрасалар вақф мулкларининг хонлик давридаги ва инқилобдан кейинги ҳолати юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтган²¹.

Тилга олинган даврда тадқиқотимиз мавзусига маълум даражада алоқадор ишлардан бири П.П.Ивановнинг “Очерки по истории Средней Азии”²² асаридир. Унда муаллиф Қўқон хонлигининг ер эгалиги, солиқ тизими, вақф мулклари билан бирга хонликдаги мактаб ва мадрасалар ҳақида қимматли маълумотлар беради. Вақф масалалари, мактаб ва мадрасалар, мударрислар ва талабалар сонига доир статистик маълумотлар А.П.Савицкийнинг илмий ишларида ҳам ўз аксини топган²³.

Совет даврида яратилган ишларнинг иккинчи гуруҳи мустабид тузум мафкуравий жиҳатдан айна авж олган йилларга тўғри келади. Шу сабабли ушбу гуруҳга мансуб тадқиқотларда мавзуга бир ёклама баҳо бериш устунлик қилади. Қолаверса, “эскилик сарқити” сифатида қаралган мактаблар ва мадрасалар тарихи алоҳида тадқиқ этишдан кўра, синфий масалалар доирасида, умумийликда ўрганилди. Бу даврда амалга оширилган нашрларнинг салбий бир жиҳати маҳаллий тадқиқотчиларнинг ўз ҳамюртларининг шахсий кузатувларига, бой бирламчи манбаларга таянишдан кўра, ҳукмрон мафкура асосида масалага бир томонлама баҳо берилиши эди.

Масалан, Т.Н.Қориниёзовнинг “Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар” асарида хонликлар ва Россия империяси давридаги миллий маориф масалалари маълум маънода ёритилган бўлиб, анъанавий таълим тизимига салбий баҳо берилган. Бу мактабларнинг ўқитиш савияси

²¹ Дембо Л.И. Земельный строй Востока. – Л.: Госиздат, 1927. – 268 с.

²² Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. – М.: Восточная литература, 1958. – 245 с.

²³ Савицкий А.П. Некоторые данные об исламских учреждениях и политика царских властей в Туркестане // Труды САГУ. – Ташкент, 1956. – С.53 – 69; Ўша муаллиф. Поземельный вопрос в Туркестане. – Ташкент: САГУ, 1963. – 123 с.

жуда паст даражада эканлиги таъкидланиб, фақатгина диний таълим бериш билан чекланган эди деган ноҳолис хулосага келинган²⁴.

И.М.Мўминов ҳам мактабларнинг ташкил қилиниши, уларда ўқитиладиган китоблар, мадрасалар фаолияти ҳақида умумий характердаги фикрларни, асосан, коммунистик мафкуранинг таъсири остида салбий тарзда тавсифлаган.²⁵

Тадқиқотлар таҳлилининг кўрсатишича, бу даврда чоп этилган умумлаштирилган асарларда мактаб ва мадрасалар диний ғояларни тарғиб қилувчи хурофот ўчоқлари сифатида таърифланиб, ислом динининг жамият ҳаётида тутган ўрни совет даври мафкураси нуқтаи назаридан туриб баҳоланади.²⁶

Бу даврда бажарилган қатор диссертация шаклидаги тадқиқотлар эса бевосита таълим ва маориф соҳаси тадқиқиқа қаратилди. Масалан, А.Ф.Ардашировнинг номзодлик диссертацияси мусулмон мактаблари тарихи ва унинг эволюциясига бағишланган. Диссертант ўша вақтдаги синфий ёндашув ва марксча-ленинча мафкуравий қолиплардан четга чиқмаган ҳолда, маҳаллий тарихий-педагогик материалларга асосланиб, Ўзбекистондаги мактаб, отинойи мактаблари, қорихона ва мадрасаларнинг фаолияти, таълим-тарбия жараёнларини таҳлил қилишга интилган²⁷.

Асосан, маориф соҳасида тадқиқотлар олиб борган К.Е.Бендриковнинг “Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865 – 1924 гг.)” деб номланган тадқиқотида мактаб, қорихона, далоилхона ва мадрасалар фаолияти мусулмон тарғиботининг маркази ва ўчоғи сифатида баҳоланиб,

²⁴ Қориниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент: ЎзССР ФА, 1956. – 514 б.

²⁵ Муминов И.М. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане (конец XIX и начало XX вв.). – Ташкент: Узгосиздат, 1957. – 215 с.

²⁶ История Узбекской ССР. – Ташкент: Фан, 1956. Т.I. Кн.2. – 497 с.; Ўзбекистон ССР тарихи. Т.II. – Тошкент: 1967. – 770 б.; История Узбекской ССР. – Ташкент: Фан, 1974. – 583 с.

²⁷ Ардаширов А.Ф. Очерки истории школ Андижанской области (1876 – 1918): Дисс... канд. пед. наук. – Андижан, 1958. – 156 с.

марксизмнинг синфийлик принциpidан, большевикларнинг мафкурасидан келиб чиққан ҳолда талқин этилган²⁸.

XX асрнинг 70 – 80-йилларида ёзилган И.С.Сагинтаев ва Ш.Исмоилов диссертациялари ҳам бевосита минтақада мактаб ва мадрасалар фаолияти тарихи, таълим тизими ва тараққиёт жараёни тадқиқига бағишланди²⁹. А.Мухаммаджонов ва Р.Раҳимов ишлари ҳам маҳаллий бошланғич таълим муассасаларида педагогик маҳорат ва дарсликлар тадқиқига оид эди³⁰.

Р.Н.Набиевнинг “Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худаяр-хана)” номли асари архив ва маҳаллий манбалар маълумотлари асосида яратилган бўлиб, хонликнинг XIX аср 40 – 70-йилларидаги сиёсий тарихи ҳамда ижтимоий-иқтисодий муносабатларига бағишланган. Мазкур асарда хон оиласи вакиллари томонидан мадрасалар қурилиши ҳамда уларнинг вақф мулклари билан таъминланиши масалаларига оид муҳим маълумотлар келтирилган³¹. Бироқ Ўз КП МҚнинг 1973 йил июнь пленумида қабул қилинган “Ўтмишни идеаллаштиришга қарши” қарорига асосан тадқиқотни илмий муомалага киритиш тақиқлаб қўйилди. Асар фақатгина 1985 йили илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган.

Қўқон хонлиги архиви устида изланишлар олиб борган А.Л.Троицкаянинг тадқиқотларида ҳам диссертация мавзусига дахлдор маълумотлар мавжуд. Олима томонидан амалга оширилган ишларда хонлик архивининг каталогида XIX асрнинг 40 – 70-йилларига тегишли 5000 га яқин

²⁸ Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865 – 1924 гг.). – М: Академ. пед. наук РСФСР, 1960. – 509 с.

²⁹ Сагинтаев И.С. История развития школы народного образования на юге и юго-востоке Казахстана (1860 – 1930 гг.): Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Ташкент, 1978. – 25 с.; Исмоилов Ш.Ш. XIX асрнинг охирларида Туркистонда халқ маорифи тарихидан (мадрасалар мисолида) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1974. – №11. – Б.50 – 54; Исмаилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX - начале XX века: Автореф. дисс... канд.ист.наук. – Ташкент: ИИ АН Уз ССР, 1981. – 27 с.

³⁰ Мухаммаджанов А. Школа и педагогическая мысль узбекского народа XIX – начала XX века. – Ташкент: Фан, 1978. – 104 с.; Рахимов Р. Традиционное начальное школьное обучение детей у народов Средней Азии (конец XIX – начала XX вв) // Сборник Музея антропологии и этнографии. – Л., 1989. Вып. 43. – С.109 – 132.

³¹ Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худаяр-хана). – Ташкент: Фан, 1973. – С.220 – 222.

хужжатларнинг қисқа тавсифи берилган бўлиб, улардан мактаб ва мадрасалар фаолияти, молиявий таъминоти, бошқаруви ва ўқитиш тизимига оид материаллар таҳлилга тортилган³².

З.Д.Кастельскаянинг асарида вақф мулклари, дин уламолари ва таълим муассасалари фаолияти масалалари ҳам ўрин олган³³.

Таъкидлаш жоизки, айти шу йилларда атеистик руҳда, мавжуд тузум буюртмаси асосида эълон қилинган бир қатор тадқиқотларда ҳам ўлкадаги таълим соҳаси масаласига оид у ёки бу даражада фикр-мулоҳазалар билдирилган. Масалан, А.Абдусамедовнинг “Ўзбекистонда атеистик дунёқарашнинг ташкил топиши”³⁴ асарида мактаб, мадраса ҳамда масжидлар вақф ерларининг Россия империяси томонидан тортиб олиниши, мактаб ва мадрасалар очишни, уларга мулкларни вақф қилишнинг чеклаб қўйилиши каби масалалар бир ёклама ёритилди.

Маълумки, ҳашаматли мадрасалар таълим муассасаси бўлиши билан бирга ноёб архитектура ёдгорлиги сифатида ҳам кўплаб тадқиқотчилар эътиборини тортган. Хусусан, айти шу соҳада изланишлар олиб борган тадқиқотчилардан бири А.К.Писарчик, яқин ўтмишдошларидан фарқли равишда, мадрасалар тарихини тадқиқ этишда янги йўналишни бошлаб берди. Ўзининг илк илмий изланишларидан бири сифатида тадқиқотчи Қўқон хонлиги, хусусан, хонликнинг Марғилон беклигидаги асосий меъморий обидалардан ҳисобланган мадрасаларнинг меъморий жиҳатларини тадқиқ этишга киришди. Натижада А.К.Писарчик Марғилон шаҳрида бўлиб, у ердаги мадрасаларни атрофлича ўрганиб, ким томонидан, қачон ва қандай режа асосида қурилганлиги бўйича жуда қимматли маълумотларни йиғиб,

³² Троицкая А.Л. Архив Кокандских ханов XIX в. // Труды публ. библ. Салтыкова-Щедрина, 1957. Том 11. – С.185 – 209; Ўша муаллиф. Сагира в Кокандском ханстве (XIX в.) // В кн: Исследования по истории культуры народов Востока. – М.,- Л., 1960. – С.271 – 279; Ўша муаллиф. Материалы по истории Кокандского ханства XIX века. По документам архива Кокандских ханов. – М.: Наука, 1969. – 155 с.; Ўша муаллиф. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука, 1968. – 583 с.

³³ Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края. – М.: Наука, 1980. – 112 с.

³⁴ Абдусамедов А. Ўзбекистонда атеистик дунёқарашнинг ташкил топиши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1973. – 184 б.

илмий жамоатчиликка тақдим қилди, кейинчалик ҳам бу борадаги изланишларини давом эттирди³⁵.

Мазкур йўналишдаги изланишларни И.Азимовнинг тадқиқотларида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, унинг Қўқон хонлиги ва унга кирувчи шаҳарларда қурилган мадраса, масжидларнинг қурилиш тарихи, унинг архитектураси ҳақида сўзловчи “Архитектурные памятники Ферганской долины” китоби биз тадқиқ этаётган мавзу учун муҳим ишлардан бири ҳисобланади³⁶. Фарғона водийсидаги архитектура ёдгорликлари бўйича биринчи йўл кўрсаткич (путеводитель) ҳисобланган ушбу китобда Қўқондаги Камол қози, Миён ҳазрат; Марғилондаги Саид Аҳмадхўжа; Андижондаги Гумбаз, Отақўзи; Намангандаги Мулла Қирғиз, Ғойибназар, Чодак мадрасалари ҳамда масжид ва мақбараларнинг қурилиши меъморчилик нуқтаи назаридан ёритиб берилган.

Совет тузуми даврининг “қайта қуриш” деб номланган босқичига келиб хонликдаги мактаб ва мадрасаларни профессионал олий таълим даргоҳлари эмас, балки анъанавий маҳаллий таълим маскани сифатида эътироф этиш ҳоллари кузатилди.

П.Г.Ким бошқа муаллифлардан фарқли ўлароқ, биринчилардан бўлиб мактаб ва мадрасаларнинг ўзбек халқи маданий-маънавий ҳаётидаги ўрнига янгича ижобий баҳо берди³⁷. Ҳ.Н.Бобобековнинг “Ўтмишда ўзбеклар саводсиз бўлганми?” номли мақоласи эса юқорида тилга олинган мақоланинг мазмуний давоми бўлди³⁸.

Мустақиллик даврида Ўрта Осиё хонликлари даври, хусусан, Қўқон хонлиги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тарихи билан бирга хонликлардаги

³⁵ Писарчик А.К. Строительные материалы и приемы мастеров Ферганской долины // Среднеазиатский этнографический сборник. – М.: Акад. наук СССР, 1954. – С.216 – 299. Ўша муаллиф. Некоторые данные по исторической топографии города Ферганы // Сборник статей, посвященный искусству таджикского народа. – Сталинабад: Акад. наук Тадж. ССР, 1956. – С.145 – 195.

³⁶ Азимов И. Архитектурные памятники Ферганской долины. – Ташкент: Узбекистан, 1982. – 78 с.

³⁷ Ким П. Г. Уйдирма ва ҳақиқат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989 йил, 29 октябрь.

³⁸ Бобобеков Ҳ.Н. Ўтмишда ўзбеклар саводсиз бўлганми? // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1989. – №5. – Б.12 – 13.

маданий-маънавий ҳаёт соҳалари ҳам замон руҳиятидан келиб чиқиб тадқиқ этила бошланди. Бироқ уларнинг барчасида ҳам мактаб ва мадрасалар фаолияти ҳамда таълим соҳаси махсус ўрганилмаган. Шу сабабли мактаб ва мадрасалар тарихи мавзуси хусусида сўз кетган ишларни икки гуруҳга: диссертациямиз мавзуига бевосита алоқадор бўлган ишлар ҳамда хонлик маданий-маънавий ҳаёти доирасида айрим фикр-мулоҳазалар тарзида билдирилган ишлар мисолида таҳлил қилиб ўтамыз.

Биринчи гуруҳдаги тадқиқотлар бевосита Қўқон хонлигида, кейинчалик унинг асосий ҳудудида ташкил этилган Туркистон ўлкасида мактаб ва мадрасалар фаолияти ҳамда таълим соҳасини ўрганишга қаратилган махсус изланишлар бўлиб, уларнинг баъзилари диссертация шаклида амалга оширилган. Хусусан, Б.М.Расулов ва Г.Солижонова диссертацияларида, И.Акрамовнинг мақолаларида ўлкадаги хонликлар даври ва Туркистон генерал-губернаторлиги бошқаруви йилларидаги мактаб ва мадраса таълими хусусиятлари, тадрижий ривож, ютуқлари атрофлича ўрганилган³⁹.

Миллий маориф тарихи бўйича тадқиқот олиб борган Б.М.Расулов номзодлик диссертациясининг биринчи боби Россия империяси мустамлакачилиги давридаги мактаб ва мадрасалар фаолиятига бағишланган бўлиб, асосан, Туркистон ўлкаси мисолида таҳлил этилган.

Р.Т.Шамсутдинов ва Б.М.Расулов ҳаммуаллифлигида эълон қилинган Туркистондаги мактаб ва мадрасалар тарихига оид қўлланмада хонликлар даври ҳамда Туркистон Россия империяси мустамлакачилиги даври миллий маориф тарихига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, бошланғич

³⁹ Расулов Б.М. Ўзбекистондаги мусулмон мактаб ва мадрасалари тарихидан (XIX аср охири – XX асрнинг 20-йиллари): Тарих фан. номз... дисс. – Андижон: АДУ, 1996. – 173 б.; Акрамов И. XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарқанд вилояти мадрасалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1994. – №3 – 4. – Б.54 – 58; Салижонова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественные значение (конец XIX – начало XX вв.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИИ АН РУз, 1998. – 34 с.; Яна қаранг: Гульнор ал-Фарғоний. Туркистон ўлкаси маҳаллий мактаблари тарихидан // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1997. – №5. – Б.52 – 57; Солижонова Г. Ўрта асрларда Ўрта Осиё мадрасалари ўқув дастурлари ҳақида // O‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2000. – №3. – Б.24 – 35.

мактаблар, янги усул мактаблари, мадрасалар, уларнинг моддий таъминоти тўғрисида кўплаб маълумотлар илмий муомалага киритилган⁴⁰.

Н.Алимова, О.Комилов тадқиқотларида Россия империяси даврида Туркистонда миллий маорифнинг ҳолати, мадрасалар моддий базасини заифлаштириш ва ўқув ишларини назорат қилишни кучайтириш масалалари, шу жумладан, жаҳид мактабларининг вужудга келиши, фаолияти ва уларнинг ҳуқуқлари чекланганлиги, моддий маданият ёдгорликларини талон-торож қилиш масаласи ёритилган⁴¹.

Д.Исмоилова ўз тадқиқотида архив ҳужжатлари ва тегишли манбаларни таҳлил қилиш асосида Россия империясининг Туркистонда олиб борган диний сиёсати, диний идоралар ва ўқув юртларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ислом динининг маориф ва маънавий ҳаётда тутган ўрнини очиқ берган⁴².

Бундан ташқари, И.Шамсиева, Н.Мустафаева, А.Сулаймонов каби бир қатор тадқиқотчилар мақолаларида ҳам ўрганилаётган мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтганлар⁴³. Тошкент тарихи мавзусида изланишлар олиб бораётган Ў.Султоновнинг ишларида Тошкент шаҳрининг XIX – XX аср бошларидаги мадрасалари фаолияти тарихи, уларнинг вақф мулклари ёзма манбалар ва тарихий ҳужжатлар асосида ўрганиб келинмоқда⁴⁴.

⁴⁰ Шамсутдинов Р., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Андижон, 1995. – 56 б.

⁴¹ Алимова Н.И. Чор Россиясининг Туркистонда миллий маданият соҳасида олиб борган сиёсати (1867 – 1917 йиллар): Тар. фан. номз... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТИ, 2004. – 168 б.; Комилов О.К. XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистон миллий маорифидаги ўзгаришлар: Тар. фан. номз... дисс. – Тошкент: Ўз МУ, 2009. – 171 б.

⁴² Исмоилова Д.А. Ислам динининг Туркистон ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётидаги ўрни ва роли (XIX аср охири – XX аср бошлари): Тар. фан. номз. ...дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТИ, 2005. – 168 б.

⁴³ Шамсиева И. Ўрта Осиёда олий таълим тизимининг шаклланиши тарихига доир мулоҳазалар // ТошДУ хабарлари. – Тошкент, 1999. – №3. – Б.49 – 58; Мустафаева Н. Туркистонда миллий маориф тарихининг ўқилмаган саҳифалари // О‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2000. – №1 – 2. – Б.37 – 46; Сулаймонов А. Олий таълим тарихига доир лавҳалар // Халқ таълими. – Тошкент, 2005. – №2. – Б. 41 – 42.

⁴⁴ Султонов Ў. Хожа Аҳрорнинг Тошкентдаги мадраса ва масжидлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2004. – №3. – Б.185 – 186; Ўша муаллиф. XIX асрда Тошкент мадрасаларининг ҳолати // О‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2005. – №3. – Б.64 – 72; Ўша муаллиф. Қўқон хони Султон Саъидхоннинг Тошкентдаги бир вақфномаси хусусида // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. – Фарғона, 2009. – Б.194 – 199. Шунингдек, ушбу муаллифнинг Тошкентда Қўқон хонлиги даврида қурилган Бекларбеги, Жуманбий, Исахўжа қози, Маҳмуд дастурхончи, Эшонқули додхоҳ мадрасалари тарихига бағишланган мақолалари “Тошкент” энциклопедиясининг 2009 йилги нашрида эълон қилинган. Қаранг: Тошкент. Энциклопедия. – Тошкент: ЎзМЭ, 2009. – Б.109, 220, 258, 668 ва бошқ.

Юқорида қайд этилган тадқиқотларнинг аксариятида бошланғич мактаблардаги таълим тизими, мадрасалар фаолияти, моддий таъминоти масалалари Туркистон ўлкаси мисолида таҳлил этилган бўлиб, асосий эътибор XIX асрнинг охири – XX аср бошларига қаратилгани маълум бўлди.

Тарихчи олим И.А.Алимов томонидан олиб борилаётган тадқиқотларда эса Қўқон хонлиги шаҳарларидаги мактаб ва мадрасалар фаолияти, уларнинг вақф мулклари ўрганилмоқда⁴⁵.

Туркистонда вақф муносабатлари мавзусида илмий изланиш олиб борган С.Д.Болтабоев ва Б.Б.Маллабоевлар мадрасаларнинг вақф мулклари ҳамда уларнинг таълим соҳасида тутган ўрни хусусида ҳам тўхталиб ўтганлар. Хусусан, С.Д.Болтабоевнинг тадқиқотларида ўзбек хонликлари даврида вақфлар мулкларининг ҳолати, Россия империясининг вақф мулклари соҳасидаги ислохотлари ва чеклаш сиёсати масалаларини очиқ берувчи қимматли маълумотлар қайд этилади⁴⁶. Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, иқтисодий аҳволи, маданияти каби масалалар бир қатор тадқиқотчилар томонидан таҳлил этилган⁴⁷.

⁴⁵ Алимов И.А. Эски мактаб ислохоти ташаббускори // Халқ таълими. – Тошкент, 1993. – №10 – 12. – Б.5 – 8; Ўша муаллиф. Из истории мактабов и медресе Ферганской долины // Тезисы докладов международного форума студентов и молодых учёных: «Кыргызская государственность в государственности тюркоязычных государств и степной зоны в целом». Ош (Кыргызстан), 22 – 23 апреля, 2003 г. – Ош, 2003. – С.12 – 14; Ўша муаллиф. XVI – XVIII асрларда Наманган беклигидаги мадраса, қорихона ва мактаблар тарихидан // Тарих тилга кирганда... (Мақолалар тўплами). Даврий тўплам. – Наманган, 2008. – №2. – Б.5 – 16; Ўша муаллиф. XIX аср Қўқон хонлигининг Андижон беклигидаги мактаб ва мадрасалар // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2007. – №1. – Б.13 – 19; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917 – 1929 йиллар). – Тошкент: Фан, 2009. – 222 б.; Яна қаранг: Алимов И., Тўхтабоев Б., Эркаев Э. Андижон мадраса ва мактаблари тарихидан. – Тошкент: Вектор-Пресс, 2009. – 23 б.; Алимов И. XVI – XVIII асрларда Наманган беклигидаги мадраса, қорихона ва мактаблар тарихидан // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2010. – №4. – Б. 3 – 9.

⁴⁶ Болтабоев С.Д. XIX асрнинг 2-ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида вақф мулклари: Тарих фан. номз ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТИ, 1995. – 157 б.; Ўша муаллиф. Туркистондаги вақф мулклари тарихи. – Наманган, 2005. – 55 б.; Ўша муаллиф. Чоризм хукмронлиги даврида ислом. – Наманган, 2005. – 69 б.; Маллабоев Б.Б. Чоризмнинг Туркистонда вақф мулкчилиги сиёсати (Хожа Ахрор авлодлари вақф мулклари мисолида): Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент: Ўз МУ, 2004. – 163 б.

⁴⁷ Ишқувватов В.Т. XX аср 2- ярми тарихшунослигида Қўқон – Россия дипломатик муносабатлари: Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент, 2003. – 154 б.; Илҳомов З.А. Аликули амирлашқар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни: Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент, 2004. – 160 б.; Алимова Н.И. Политика царской России в Туркестане в области национальной культуры (1867 – 1917 гг.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИИ АН РУз, 2004. – 23 с.; Турсунов Б.Я. Военное дело и войско в Кокандском ханстве: положение, управление, традиции (до 70-х годов XIX в.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИИ АН РУз, 2006. – 26 с.; Махмудов Ш. Система административного управления в Кокандском ханстве (1709 – 1876 гг.): Автореф. дисс... канд.ист.наук. – Ташкент: ИИ АН РУз, 2004. – 30 с.; Худойкулов Т.Д. XIX асрда Қўқон хонлигининг ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти: Тарих фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент: Ўз МУ, 2009. – 28 б.; Исабоева Г. С. XIX асрда Қўқон хонлигида маданий ҳаёт: Тарих фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент: Ўз МУ, 2010. – 26 б.

Таъкидлаш лозимки, юқоридаги тадқиқотлар орасида Т.Д. Худойқулов ва Г.С. Исабоеваларнинг илмий ишлари ушбу диссертация мавзусига яқиндир. Тадқиқотчи Т.Д.Худойқулов хонликдаги маданий ҳаётнинг баъзи соҳаларига умумий баҳо бериб, маданий ҳаётга таъсир этган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий омилларни таҳлил этган бўлса, Г.С.Исабоева Қўқон хонлигидаги адабий муҳит, китобат санъати, меъморий обидалар ва халқ хунармандчилигининг ҳолатини тарихий ҳужжатлар асосида очиб беришга ҳаракат қилган. Бироқ ҳар иккала тадқиқот ишида ҳам Қўқон хонлигидаги таълим тизимига умумий баҳо бериш билан чекланилиб, мактаб ва мадрасаларнинг моддий таянчи вақф мулклари ўрганилмаган.

Бевосита мавзу акс этган иккинчи гуруҳга мансуб тадқиқотларда эса мактаб ва мадрасалар, таълим соҳаси хонлик маданий-маънавий ҳаёти доирасида умумий ёритилгани билан ажралиб туради. Улар орасида Й.Қосимов⁴⁸, Ҳ.Н.Бобобеков⁴⁹, Домулла Пўлатхон Қайюмов⁵⁰, Ш.Юсупов⁵¹, Ш.Воҳидов⁵², Ў.Султонов⁵³ Б. Бабаджанов⁵⁴ томонидан нашр қилинган монография ва китоблар алоҳида ажралиб туради.

Хусусан, ўзининг илмий фаолиятини бевосита Қўқон хонлиги тарихига бағишлаган Ҳ.Н.Бобобековнинг “Қўқон тарихи” китобида, асосан, хонликнинг пойтахти бўлган Қўқон шаҳридаги мактаб ва мадрасалар ҳақида маълумотлар бериш билан бирга бу борада махсус илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш кераклиги таъкидлаб ўтилади⁵⁵. Пўлотжон Домулла Қайюмовнинг “Тазкираи Қайюмий” асарида эса ўзбек адабиётининг ўрта асрлардан то XX

⁴⁸ Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари (1709 – 1876). – Наманган, 1994. – 135 б.

⁴⁹ Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996. – 240 б.

⁵⁰ Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий / Маъсул муҳаррир: Л. Қайюмов. – Тошкент: ЎзР ФА Қўлғизмалар институти тахририй нашриёт бўлими, 1999. – 720 б.

⁵¹ Юсупов Ш. Хуфия катламлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 144 б.

⁵² Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 315 б.

⁵³ Султонов Ў. Муҳаммад Солиххожа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 262 б. (Тўлдирилган иккинчи нашри: – Тошкент: O‘zbekiston, 2009. – 272 б.); Ўша муаллиф. Тошкент масжидлари тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 160 б.

⁵⁴ Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Токио-Ташкент: Yangi nashr, 2010. – 742 с.

⁵⁵ Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996. – Б.218 – 224.

асргача яшаб ижод этган кўплаб вакиллари ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар билан биргаликда улар таҳсил олган мадрасалар ҳақида ҳам умумий маълумотлар берилади. Адабиётшунос олим Ш.Юсупов ўзининг “Хуфия қатламлар” номли китобида Қўқон хони Худоёрхон даврида амалга оширилган маънавий-маърифий ишлар, вақф мулкларининг ҳолати ҳақида янги талқиндаги маълумотларни келтирган.

Таниқли манбашунос олим Ш.Воҳидов қаламига мансуб “Қўқон хонлигида тарихнавислик” номли асарда хонлик тарихнавислик мактабининг шаклланиши, намояндалари ва улар асарларининг тавсифи билан бирга хонликдаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт, жумладан, мадрасалар фаолияти хусусида ҳам тўхталиб ўтилган. Асарда XVIII – XIX асрларда Қўқон ва хонликнинг бошқа шаҳарларида барпо этилган мадрасалар, уларнинг қурилган йили, бинони қурдирган шахс, меъмори ва бугунги кунда Қўқон шаҳридаги ўрни ҳақида маълумотлар берилади. Муаллиф мактаб ва мадрасалардаги таълим жараёнларига ҳам тўхталиб, XIX асрда хонликнинг Қўқон, Тошкент, Андижон, Хўжанд, Ўратепа, Марғилон, Туркистон каби шаҳарларида 200 дан ортиқ мадраса қурилганини таъкидлайди. Туркистондаги маданият, маориф ва халқ таълимининг мустамлака даври тарихи илмий адабиёт ва тадқиқотларда кенг тадқиқ қилинган бўлса-да, хонлик давридаги таълим, тарбия ва маориф масалалари жиддий ўрганилмаган ва, бизнингча, у алоҳида илмий тадқиқот мавзуси бўла олади деб эътироф этади асар муаллифи⁵⁶.

Ў.Султоновнинг Тошкент тарихига бағишланган монографияларида эса хонликнинг йирик шаҳарларидан бири – Тошкентнинг мадрасалари ҳамда масжидлари қошидаги мактаблар фаолияти, тарихи ва Россия империяси истилосидан кейинги тақдири, уларнинг вақф мулклари ва мударрисларнинг

⁵⁶ Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 315 б.

ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётда тутган мавқеи ёзма манбалар, тарихий ҳужжатлар асосида атрофлича ўрганилган⁵⁷.

Бундан ташқари, “Қўқон асрлар силсиласида” (2004), Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни” (2007), “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” (2009) каби бир қатор республика ва халқаро миқёсда ўтказилган конференция материалларида ҳам диссертация мавзусига алоқадор айрим мақола ва тезислар чоп этилган⁵⁸.

Афсуски, мустақилликдан кейинги йилларда чоп этилган Ўзбекистон тарихига бағишланган фундаментал асарларда Қўқон хонлигида таълим ва мадрасалар фаолиятига оид айрим фикр-мулоҳазалар жуда қисқа баён этилиб, мавзу атрофлича очиб берилмаган⁵⁹.

Мавзу тарихшунослигининг тўртинчи гуруҳига мансуб ишлар хорижий тадқиқотлардан иборат бўлиб, изланишлар жараёнида бир қатор хорижий адабиётлар билан ҳам танишиб чиқилди.

Улар орасида В.Хилленбранд мақоласи алоҳида эътиборга молик, муаллиф ислом оламида мадрасаларнинг пайдо бўлиши, уларнинг турли ислом мамлакатларидаги тарихи, таълим тизими хусусида батафсил тўхталиб ўтган⁶⁰. Яна бир тарихчи Ж.Макдиси эса Бағдоддаги машҳур Низомия мадрасаси фаолияти мисолида ўрта аср мусулмон мамлакатлари таълим тизимини тадқиқ этган⁶¹. Мария Е. Сабтелни эса темурийлар даврида

⁵⁷ Султонов Ў. Муҳаммад Солиххожа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.142 – 163; Ўша муаллиф. Тошкент масжидлари тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 26 – 29.

⁵⁸ Қаранг: “Қўқон асрлар силсиласида” мавзусидаги илмий конференция материаллари. – Тошкент, 2004. – 350 б.; Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни: Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент-Марғилон: Фан, 2007. – 222 б.; Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. – Фарғона, 2009. – 430 б.

⁵⁹ Қаранг: История Узбекистана. Т.III (XVI – пер. пол. XIX вв.) – Ташкент: Фан, 1993. – С.213; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.51.

⁶⁰ Hillenbrand R. Madrasa // The Encyclopedia of Islam. Vol.5. Khe-Mahi. – Leiden: E.J.Brill, 1986. – P.1123 – 1154.

⁶¹ George Makdisi. Muslim Institutions of Learning in eleventh century Baghdad // Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London, Vol.24. – №1. 1961. – P.1 – 56; Ўша муаллиф. Law and Traditionalism in the Institutions of Learning of Medieval Islam // The Theology and Law in Islam. – Wiesbaden: Otthe Harrassowitz, 1971. – P.75 – 88.

Хиротдаги энг йирик мадрасалардан бири Алишер Навоий томонидан бунёд этилган Ихлосия мадрасаси фаолиятини, ўқитиш тизими, таълим ва вақф мулкларини унинг вақфномаси асосида ўрганган⁶².

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, хорижий адабиётларда Қўқон хонлигидаги мактаб, мадрасалар ва вақф мулклари ҳақида маълумотлар жуда кам учрайди. Мавжуд маълумотларнинг кўпчилик қисми умумий аҳвол ҳақида хабар беради, холос. Бироқ америкалик тарихчи олим Э.Ольвард ўз тадқиқотида анъанавий таълим тизимида кенг халқ оммаси орасидан кўп сонли маҳаллий зиёлилар етказиб беришда ўрта махсус ва олий ўқув юртлари сифатида мадрасаларнинг роли беқиёслигини кўрсатишга интилган⁶³. Тадқиқотчилардан М.Холсворт⁶⁴, М.Сарай⁶⁵, Ю.Брегель⁶⁶, Л.Нейби⁶⁷ ишларида эса Қўқон хонлиги тарихи доирасида маданий-маънавий ҳаёт ва таълим масалалари юзасидан умумий фикр-мулоҳазалар билдирилган⁶⁸. Россиялик тадқиқотчи Р.Рахимов Россия империяси ҳудудидаги мактаблар фаолияти доирасида Туркистондаги мактаб ва мадрасалар хусусида ҳам айрим мулоҳазаларни билдириб ўтган⁶⁹.

⁶² Subtelny E.M. A Timurid Educational and Charitable Foundation: The Ikhlasiyya Complex of Ali Shir Navai in 15th-Century Herat and Its Endowment // *Journal of the American Oriental Society*. 1991/111. – №1. – P. 38 – 61; Maria E. Subtelny. *Timurids in Transition. Turko-Persian Politics and Acculturation in Medieval Iran*. – Leiden-Boston: Brill, 2007. – P.167 – 171.

⁶³ Allworth E. «The Changing Intellectual and Literary Community // *Central Asia 120 years of Russian Rule* / Edited by E. Allworth. Duke University Press Durham and London, 1989. – P.349; Allworth E. *The Modern Uzbeks. From the Fourteenth Century to the Present. A Cultural History*. – Stanford, 1990. – P.154.

⁶⁴ Holdsworth M. *Turkestan in the Nineteenth Century. A Brief History of the Khanates of Bukhara, Kokand and Khiva*. – London, 1959. – 81 p; Holdsworth M. *Turkestan in the Nineteenth Century. A Brief History of the Khanates of Bukhara, Kokand and Khiva*. – Oxford. 1959. – P. 81; *Central Asia in Historical Perspective*. Edited by Beatrice Mans. – Oxford: Westview press, 1994. – P.245.

⁶⁵ Saray M. *Ruslarin Turk yurdlarina yayrlmasi*. – Istanbul, 1975. – P.160; Saray M. *Ozbek turkleri tarihi*. – Istanbul, 1993. – P.85.; Ўша муаллиф. *Rus isqali devrinda Osmanli devleti ila Turkistan hanliklari asarindaki ildiliklar*. – Ankara, 1994. – P.160.

⁶⁶ Bregel Y. *Khoqand Khanate* // *The Oxford Encyclopedia of the modern Islamic world*. J.L.Esposito (ed.). Vol.2. Oxford, 1995. – P.430 – 431; Bregel Y. *Khoqand Khanate*. // *The Oxford Encyclopedia of the modern Islamic world*. J.L.Esposito (ed.). Vol.2. – Oxford, 1995. – P.430 – 431; Ўша муаллиф. *Bibliography of Islamic Central Asia. Part I – III*. Indiana University Research Institute for Inner Asian Studies Bloomington. – Indiana 1995. Part I. – P.1 – 712; Part.III. 1892 – P.2049.

⁶⁷ Newby L. J. *The Empire and the Khanate: A Political History of Qing Relations with Khoqand*. c. 1760 – 1860. – Leiden, 2005. – P.53.

⁶⁸ Хорижий тиллардаги адабиётлар таҳлиliga қаралсин: Масалиева О. XX аср инглиз-америка тарихшунослигида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тарихи. Тарих фан.номз... дисс. – Тошкент: ЎЗР ФА ТИ, 1999. – 180 б.

⁶⁹ Рахимов Р. *Мактаб // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь* / Под ред. С.М.Прозорова. – СПб., 2006. Т.1. – С.250 – 253.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб мазкур бўлимга хулоса сифатида айтиш мумкинки, Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олган илк йилларда, асосан, маъмурий бошқарув ва иқтисодий тизимни тартибга солишга диққат-эътиборни қаратган бўлса, ўлкани мустамлакага айлантириш маъмурий-худудий жиҳатдан якунига етгандан сўнг, аста-секин ғоявий-мафкуравий ишларга эътибор кучайтирилди. Бу борадаги асосий ишлар таълим тизимини ислоҳ қилиш ва назоратни қўлга олишга қаратилгани билан характерлидир. Собиқ совет даврида эса тарихий воқеалар адабиётларда хужжатли манба ва архив материаллари асосида кенг ёритишга киришилган бўлса-да, лекин ҳукмрон коммунистик мафкуранинг кучли таъсири туфайли мактаб ва мадрасалар “дин ўчоқлари”, “хурофот масканлари” деб баҳоланди ва бир томонлама хулоса чиқарилди. XX асрнинг 80-йилларига келиб, жамиятда қайта қуриш, маълум маънода ошкоралик бошланди. Бироқ ушбу жараён Ўзбекистон тарихини объектив ёритишга, турли сиёсий мафкуралардан холи равишда тарихий ҳақиқатнинг тикланишига йўл очиб бера олмади. Фақатгина Ўзбекистон миллий мустақилликни қўлга киритгач, бой ўтмишимиз ва маданий-маънавий меросимизни илк бор атрофлича ўрганиш, унга холисона, ҳаққоний баҳо бериш имконияти пайдо бўлди.

1.2. Мавзуга оид манбалар таҳлили

Мамлакатимиз тарихи ҳақида сўз борар экан, Президент И.А.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли асарида ўзбек давлатчилиқ тарихини қадимдан ҳозирги кунга қадар илмий асосларда ўрганишда бирламчи манбаларни тадқиқ этишга катта эътибор қаратилгани бежиз эмас⁷⁰.

⁷⁰ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б.132.

Шу сабабли кейинги йилларда олиб борилаётган тадқиқотларни бирламчи манбалар асосида олиб боришга катта эътибор қаратилмоқда. Ватан тарихини холисона ва аниқ тарихий маълумотларга таянган ҳолда ёритиш концепциясидан келиб чиқиб ушбу диссертацияга ҳам мавзуга бевосита алоқадор манбалар асос қилиб олинди. Шу ўринда мустақиллик йилларида тарихни кенгрок ўрганиш имкониятини берувчи маҳаллий кўлёзма манбалар, тарихий ҳужжатларни аста-секин ўзбек тилига таржима ёки табдил шаклида нашр қилиш ишлари йўлга қўйилганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Мавзуга бевосита алоқадор манбаларни, кириш қисмида қайд қилинганидек, қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Мавзуга бевосита дахлдор бўлган манбалар туркуми айнан мактаб ва мадрасалар фаолиятига тегишли тарихий ҳужжатлар: вақфномалар, ҳукмдорларнинг ёрлик, фармон ва иноятномалари, олди-сотди ҳамда ижара шартномаларидан иборат. Ҳозирда уларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида, вилоятлар ўлкашунослик музейларида сақланган бўлиб, бир қисми таржима ва тавсиф шаклида чоп этилган⁷¹. Бу туркумдаги ҳужжатларнинг кўпчилик қисми Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидан (ЎЗР МДА) ўрин олган бўлиб, улар ўрганилаётган мавзу юзасидан асосий манбавий аҳамиятга молик. Тадқиқот жараёнида архив фондларидаги мавзуга оид материаллар саралаб олинди ва таҳлил этилди. Зеро, уларни

⁷¹ ЎЗР МДА. И-1043-фонд. Қўқон хонлари архиви; ЎЗР МДА. И-17-фонд. Сирдарё вилояти бошқармаси; ЎЗР МДА. И-19-фонд. Фарғона вилояти бошқармаси. Яна қаранг: Мухтаров А. Материалы по истории Ура-Тюбе. Сборник актов XVII – XIX вв. – М.: Изд-во Восточной литературы. 1963. – 135 с.; Жуновмардиев А. XVI – XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Тошкент: Фан, 1965. – 181 б.; Троицкая А.Л. Материалы по истории Кокандского ханства XIX век. / По документам архива Кокандских ханов. – М.: Наука, 1969. – 155 с.; Ўша муаллиф. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука, 1968. – 583 с.; Каталог среднеазиатских жалованных грамот. Из фонда Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан / Составители А.Урунбаев, Г.Джураева, С.Гуломов. Orientwissenschaftliche Hefte. 23/2007. – 114 с.; Набиев Р.Н. Вақфное хозяйство Кокандского ханства. – Ташкент, 2010. – 639 с.

ўрганмай туриб хонликнинг сўнгги даврлари тарихини мукамал ёритиб бўлмайди. Шу боис диссертация мавзусини ёритишда ЎзР МДАнинг қуйидаги фондларидан фойдаланилди:

И.1-фонд. Туркистон генерал-губернатори девонхонаси;

И.17-фонд. Сирдарё вилояти бошқармаси;

И.19-фонд. Фарғона вилояти бошқармаси;

И.47-фонд. Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси;

И.1043-фонд. Қўқон хонлари архиви.

ЎзР МДА фондининг Фарғона вилояти бошқармасига тааллуқли 19-фондда жиддий изланишлар олиб борган Р.Н.Набиевнинг тадқиқотларида Қўқон хонлиги тугатилгандан сўнг унинг ҳудудида ташкил этилган вилоятлардаги мактаб ва мадрасалар, шунингдек, мазорларга тегишли вақф муносабатларига оид тарихий ҳужжатлар аниқланган. Жумладан, иш жараёнида вақф масаласига дахлдор бўлган турли ҳолатдаги 4726 ҳужжат аниқланган, ундан 2834 таси қисман ўрта асрларга асосан, Қўқон хонлиги даврига, 1892 таси эса 1865 йилдан кейинги даврларга тегишли⁷². Мазкур архивдаги Андижон беклиги ҳудудида жойлашган мактаб ва мадрасалар тўғрисидаги ҳужжатлар И.А.Алимов ишларида илмий муомалага киритилган⁷³.

Тилга олинган ҳужжатлар орасида мактаб ва мадрасаларнинг вақф мулкларига тегишли вақфномалар алоҳида аҳамиятга эга. Бу ҳужжатлар Қўқон хонлигидаги мактаб, қорихона, мадрасаларнинг қурилган йили, бинолари ҳолати, молиявий аҳволи ҳамда фаолияти тўғрисидаги бошқа турдаги манбаларга нисбатан ишончли маълумотлар бера олади.

Вақф ажратиш исломда савобли амаллардан бири сифатида, асосан, мадраса, масжид, мазор, қорихона, мактаб каби мусулмон муассасалари

⁷² Набиев Р.Н. Вақфное хозяйство Кокандского ханства. – Ташкент, 2010. – С.16.

⁷³ Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917 – 1929 йиллар). – Тошкент: Фан, 2009. – 222 б.; Яна қаранг: Алимов И., Тўхтабоев Б., Эркаев Э. Андижон мадраса ва мактаблари тарихидан. – Тошкент: Вектор-Пресс, 2009. – 23 б.

фойдасига кишиларнинг белгиланган кўринишдаги мол-мулкдан воз кечиши бўлиб, унинг расмий-ҳуқуқий ҳужжати вақфнома деб аталган⁷⁴. Улар, одатда, масжид-мадрасаларнинг қурдирувчилари, хонлар, ҳокимлар ва ўзига тўқ кишилар томонидан ажратилган. Вақфномалар қозихоналарда вақф қилувчи: воқиф, қози, аълам⁷⁵, муфтий⁷⁶ ва холис гувоҳлар иштирокида тузилиб, муҳрланган.

Қўқон хонлигида ҳам мактаб, қорихона, мадрасалар қурдириб, унга ўзининг хусусий мулкидан даромад келтирадиган кўчмас мулкларни васият, вақф қилиб бериш кенг тарқалган. Вақфномада ўқув юртини қурдирган, унга воқифнинг исми, шарифи ва шартлари (мутавалли, мударрис ёки масъул шахсни тайинлаш ва ҳ.к.), вақф таъсис этилган сана, вақф қилинган мулкнинг турлари: экин ерлари, карвонсаройлар, расталар, дўконлар, тегирмонлар, обжувозлар, ҳаммомлар ва бошқа хилдаги кўчмас мулклар (жойлашган ўрни ва аниқ чегаралари билан), энг муҳими, вақф даромади қай тартибда тақсимланиши ҳақида кўрсатмалар берилган.

Мадрасаларга тегишли вақфномаларнинг манба сифатидаги аҳамияти шундаки, биринчидан, уларда, одатда, вақф муассасаси бўлган мадраса ва масжид ёки уларнинг қошида очилган мактаблар, қорихоналар ҳамда уларнинг биноларининг таркибий қисмлари, қурилган йили ҳақида маълумот акс этади. Масалан, 1873 йилги вақфномада Марғилондаги Подшоҳ Искандар мазоридидаги мадрасанинг 1423 йили Муҳаммадшайх томонидан бунёд этилгани қайд қилинган. Ушбу мадраса биноси Марғилон ҳокими бўлиб турган Худоёрхоннинг укаси Султон Муродбекнинг буйруғига биноан Дўстмуҳаммад понсадбоши томонидан қайтадан қурдирилган⁷⁷. Шунингдек, маълум мадрасани қурдирган шахс, бионинг жойлашган ўрни ва ҳолати

⁷⁴ Жўраева Ғ. Вақф нима? // Шарқшунослик. – Тошкент, 1990. – №2. – Б.37 – 47.

⁷⁵ Аълам (ар.) – шариат бўйича гуноҳкорнинг жазосини аниқлаб берувчи шахс. XIX аср – XX бошларида мавжуд бўлган давлатларнинг маъмурий тизими, Қўқон, Бухоро ва Хива хонлигидаги унвон ва мансаблар, улар эгаларининг вазифалари ҳақида қаранг: Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 71 б.

⁷⁶ Муфтий (ар.) – фатво берувчи.

⁷⁷ Набиев Р.Н. Вақфное хозяйство Кокандского ханства... – С.235 – 236.

(пишиқ ёки хом ғишт, ёғоч), таркиби: дарсхоналар, хужралар, хонақоҳ, масжид, мактаб ва ҳ.к. бўлганлиги кўрсатилган.

Иккинчидан, вақфномаларда мадрасалардаги мударрислар, талабалар, вақф қилинган дарсликлар ҳақида маълумотлар ҳам ўрин олиши билан муҳим. Айрим ҳолатларда воқиф талаби келтирилган қисмларда мадрасада таҳсил олаётган талабанинг ўқийдиган китоблари, уларга ажратилган пул (стипендия) миқдори, мадрасанинг ички тартиб-қоидалари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган.

Мавжуд вақфномаларда кўрсатилишича, Қўқон хонлари, унинг амалдорлари, йирик мулкдорлар томонидан қурдирилган мадрасалар ўртача 1 – 2 та дарсхона, 50 – 80 та хужрадан иборат бўлган. Шунга мувофиқ равишда вақф мулклари ҳам катта миқдорда васият қилинган. Масалан, мадрасаларга 300 – 400 десятинадан 1000 десятинача экин ерлари вақф қилиб берилган. Қишлоқлардаги мадрасалар вақфномаларидаги маълумотларга қараганда, қишлоқ мадрасалари унча катта бўлмаган ва бир дарсхона, 10 – 15 хужрали бўлган, талабалар ҳам шаҳар мадрасаларига нисбатан камроқ эди. Бундай кичик мадрасаларни йирик шаҳарларда ҳам учратиш мумкин.

Мактаб, қорихоналарнинг вақфномалари маълумотларига қараганда, уларнинг вақф мулклари мадрасаникига нисбатан кам бўлган. Масалан, 1832 йили Андижон шаҳрининг Олайлик даҳаси Домулла Салимбобо қози маҳалласида қурилган Охунд домулла Салимбобо қози мактаби вақфномасида кўрсатилишича, унга битта ер участкаси, битта тегирмон вақф қилиб берилган эди⁷⁸. Мактабга ажратилган мулк эгаси – воқиф ҳам кўп ҳолларда ўзи мутавалли бўлиб, мактабдор фаолиятини назорат қилиш ваколатини олишга интилан. Масалан, 1290 йил жумодул аввал ойида (1873 йил июнь – июль) Андижондаги Девонабой мадрасаси мактабига Далварзин

⁷⁸ ЎЗР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34205-иш, 2 – 6-варақлар.

мавзеидаги 1,5 таноб ер ва шу номдаги ариқда жойлашган обжувозни вақф қилган Обилбой Мурод сўфи ўғли мактабдор ҳеч бир дарсни қолдирмасагина ўз улушини олишини шарт қилиб қўйган⁷⁹.

Андижон шаҳрида 1870 йили қурилган Норбўтабек Ашурбек қорихонасига тегишли бир вақфномада кўрсатилишича, ушбу қорихонага 4 та ер майдони, 1873 йили Андижон шаҳрида барпо этилган Аҳмадбек ботирбоши⁸⁰ қорихонасига 3 та ер майдони, 1875 йили Андижон шаҳрининг Қора-Бугра маҳалласида бунёд этилган Алимбой мулла эшон Домуллаев қорихонасига эса 2 та ер майдони вақф қилинган⁸¹.

Архивда сақланаётган вақфномалар ичида XVII – XX аср бошларига оид вақфномалар ҳам анчагина. Бу ҳужжатлар орасидан диссертация даврий чегарасидан келиб чиққан ҳолда Қўқон хонлиги даврига оид вақфномаларни ажратиб олиб, улардан тадқиқотимиз жараёнида унумли фойдаландик.

Тарихий ҳужжатлар орасида Қўқон хонлари ва маҳаллий ҳокимлар тарафидан чиқарилган турли мазмундаги ёрлиқлар⁸² ҳам мавзуни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, мадрасаларга мударрис тайинлаш ҳақидаги ёрлиқлар алоҳида долзарблик касб этади. Хусусан, тадқиқотчи Ў.Султонов томонидан тошкентлик аҳоли қўлида сақланаётган ҳужжатларни ўрганиш чоғида Тошкент ҳокимларидан Салимсоқхоннинг⁸³ 1261 йил шаввол ойида (1845 йил октябрь – ноябрь) Абдулмуталлиб исмли шахсни Тошкентдаги

⁷⁹ ЎЗР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34488-иш, 10-варақ.

⁸⁰ Ботирбоши – ботир ва баҳодирлар бошлиғи. Беш юз нафардан кўп даста ёки тўпга бошчилик қиларди. Вилоятларда ботирбоши ҳарбий ва қўшин ишларига масъул эди. Ботирбоши баъзан қурилиш ҳамда суғориш (ариқ қазии) ишларига ҳам бошчилик қилган. Қўқон хонлигидаги Улуғнаҳр ариғи Отабек ботирбоши саркорлиги остида қазилган.

⁸¹ ЎЗР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34230-иш, 1 – 7-варақлар; ЎЗР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34243-иш, 21 – 32-варақлар.

⁸² Ёрлиқлар – амирлар ва руҳонийларга бирон имтиёз берилиш ҳақида подшо, хон муҳри босилган расмий ҳужжат.

⁸³ Салимсоқхон / Саримсоқхон – Қўқон хони Шералихоннинг (1842 – 1845) ўғли, отаси вафотидан сўнг қисқа вақт Бухоро амирлиги ҳудудида юрган. У 1846 йилда Тошкентда ҳокимиятни эгаллаб олиб, 1846 – 1847 йилларда амалда мустақил ҳокимлик қилган. Қаранг: Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. – Тошкент: O‘zbekiston, 2009. – Б.95 – 96.

Бўрихўжа мадрасасига мударрис этиб тайинлаш ҳақидаги ёрлиғи топилган⁸⁴.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланаётган Худоёрхоннинг 1864 ва 1869 йилларга тегишли ёрлиқлари орасидаги мансабга тайинлаш ҳақидаги ёрлиқларда мударрислик мақомининг сақланиши, фаолият тартиби хусусида сўз боради⁸⁵.

Худоёрхоннинг 1873 – 1874 йилларда Чуст беклигидаги Сармозор зиёратгоҳида жойлашган мадраса хизматчилари, мутаваллилари ҳамда талабаларига йўлланган иноятномасида эса Охунд Мулла Муҳиддин, Мулла Олим ва Мулла Ҳасан махсумнинг ушбу мадраса мударрислигига тайинлангани, мазкур шахсларга ҳурмат кўрсатиш лозимлиги таъкидланган⁸⁶.

Вақф мулкларини турли солиқ ва хизматлардан озод қилиш ҳақидаги ёрлиқлар эса жуда кўпчиликни ташкил этади. Қўқон хонлари томонидан берилган бу туркумдаги ҳужжатлар хонлик ҳудудидаги мактаб ва мадрасаларнинг давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий муҳофаза остига олиниши билан боғлиқ жараёнларни ўрганишда қўл келади. Марказий давлат архивининг 17, 18 ва 19-фондларидан ўрин олган бу каби ёрлиқларнинг катта қисми Р.Набиевнинг юқорида тилга олинган “Қўқон хонлиги вақф хўжалиги” номли фундаментал тадқиқотида рус тилига таржима қилиниб чоп этилган.

Хонлик тарихини ўрганишда яна бир муҳим архив фонди – “Қўқон хонлари архиви” катта ўрин тутди. Маълумки, Россия империяси Қўқон хонлигини босиб олгандан сўнг Қўқон хонлари архиви ҳам истилочилар қўлига тушган ва Хива хонлари архиви каби Туркистон генерал-губернатори

⁸⁴ Султонов Ў. Архив ҳужжатлари генеологик манба сифатида (XIX – XX аср бошлари) // Тарих фани ва архив иши: интеграция муаммолари. Ак. Я.Ғуломов номидаги “Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи” республика илмий семинари материаллари тўплами. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.131 – 132

⁸⁵ Каталог среднеазиатских жалованных грамот. Из фонда Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан / Составители А.Урунбаев, Г.Джураева, С.Ғуломов. *Orientwissenschaftliche Hefte*. 23/2007. – С.51, 64.

⁸⁶ Ярлыкъ Кокандскаго Хана Зяйиндъ – Мухаммедъ – Худоярь Хана. / Текст и перевод Н.Остроумов // ПТКЛА. Год 21-й. – Ташкент: Типография Туркестанской ведомости, 1917. – С.24 – 25.

К.П. фон Кауфман томонидан 1876 йили Петербургга Император халқ кутубхонасига жўнатилган.⁸⁷

Архивдаги ҳужжатлар XIX асрнинг 40 – 70-йилларини ўз ичига олган. Уларнинг асосий қисми Худоёрхоннинг учинчи марта тахтга ўтириш даври (1866 – 1876)га оид бўлиб, жами 5026 vara ҳужжатлар ва 151 дафтардан иборатдир. Ҳужжатлар орасида мадрасалар, қорихоналар, уларнинг вақф мулки тўғрисида ҳам маълумотлар mavжуд. Жумладан, хоннинг иноятномалари – солиқлардан озод қилиш ёки имтиёз бериш тўғрисида, муборакномалари – хон хизматчиларини тайинлаш, аҳолини ҳашар ишларига жалб қилиш борасида⁸⁸.

Хонлик архиви 1939 йили шарқшунос П.П.Иванов томонидан Хива хонлари архиви билан бирга топилган. Лекин олим бу архивни илмий жиҳатдан баён этмаган. Архив ҳужжатлари топилган вақтда тартибсиз ҳолатда бўлиб, аксарият ҳужжатлар шикастланган эди. Мазкур архив фондини 1952 йилдан бошлаб мунтазам равишда кўриб, таҳлил этиш бошланди. Қўқон хонлари архивининг дастлабки тафсилотини 1957 йили шарқшунос А.Л.Троицкая ёзган ва ҳужжатларнинг таркиби ҳамда мазмунини илм аҳлига маълум қилган, архив каталогини нашр эттирган⁸⁹. Қўқон хонлари архиви ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланмоқда⁹⁰. Хонлик архивидаги муҳим ҳужжат турларидан яна бири дафтарлар бўлиб, сақланиб қолган 151 та дафтар хонликнинг иқтисодий тарихини ёритишда муҳим манба ҳисобланади. Уларда солиқ йиғувчиларнинг ҳисоботлари, хон саройидаги сарф-харажатлар ўз аксини топган. Ҳужжатларнинг катта қисмини патталар, расмий фармойиш,

⁸⁷ Алимов И., Эргашев Ф., Бўтаев А. Архившунослик. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.4.

⁸⁸ Алимова Н.И. Чор Россиясининг Туркистонда миллий маданият соҳасида олиб борган сиёсати (1897 – 1917 йиллар): Тар. фан. номз... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТИ, 2004. – Б.104.

⁸⁹ Троицкая А.Л. Архив Кокандских ханов XIX в. Предварительный обзор. Восточный сборник. Т.П. – Л., 1957. – С.185 – 209; Троицкая А.Л. Материалы по истории Кокандского ханства XIX век. По документам архива Кокандских ханов. – М.: Наука, 1969. – 155 с.; Ўша муаллиф. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука, 1968. – 583 с.

⁹⁰ ЎзР МДА. И.1043-фонд. “Қўқон хонлари архиви”.

молиявий ҳужжатлар ташкил этади. Айрим шахслар, хизматчиларнинг юқори лавозимдаги кишиларга: хонга, амалдорларга ёзган аризалари, мактублари ва бошқа ҳужжатлари ҳам мавжуд.

Иккинчи гуруҳ манбалар Туркистон генерал-губернаторлиги фаолият йилларини қамраб олувчи иш ҳужжатлари бўлиб, ўз навбатида, расмий-статистик аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради. Ушбу туркумдаги ҳужжатлар, асосан, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган “И.1-фонд. Туркистон генерал-губернаторлиги канцелярияси”, “И.17-фонд. Сирдарё вилояти бошқармаси”, “И.19-фонд. Фарғона вилояти бошқармаси” ҳамда “И.47-фонд. Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси” иш фаолиятига тегишли. Айрим тадқиқот мавзусига оид материаллар эса собиқ Қўқон хонлиги ҳудудларида ташкил этилган Фарғона ва Сирдарё вилояти таркибига киритилган Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон, Қурама, Тошкент уезд бошқармалари фондларидан ҳам ўрин олган.

Маълумки, Қўқон хонлиги Россия томонидан босиб олингач, Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурлари хонлик халқларининг турмуш тарзи, урф-одатларини, маданий-маърифий ҳаётини, жумладан, мактаб, қорихона, мадрасалар фаолиятини мукаммал ўрганиш билан бирга тартибга солиш ва назорат остига олиш чора-тадбирларини ҳам ишлаб чиққанлар.

Натижада дастлабки вақтларда ўлка иқтисодий тизимини ўз назоратига олиш мақсадида масжид, қорихона, мактаб ва мадрасалар вақф мулкларини қайтадан рўйхатдан ўтказиш, “ноқонуний” деб топилганларини давлат ихтиёрига мусодара қилиш белгилаб қўйилди. Россия императорининг 1875 йил 17 майдаги қарорига асосан, Туркистон ўқув юртлари бошқармаси ва ўқув юртлари бош инспектори лавозими таъсис этилди⁹¹. Ушбу бошқарма

⁹¹ Пален К.К. Отчет по ревизии учебного дела Туркестанского края. – СПб., 1910. –С.2.

ваколатига рус мактаблари билан бир қаторда Қўқон хонлиги ҳудудидаги маҳаллий таълим муассасалари: мактаб ва мадрасалар, қорихоналар фаолияти доимо текширилиб, назорат остига олиш ҳуқуқи берилди.

Хонликдаги мактаб ва мадрасалар ҳақида муҳим маълумот берувчи архив материалларидан бири айти шу муассаса фаолияти билан боғлиқ. Туркистон генерал-губернатори генерал-адъютант К.П. фон Кауфман томонидан Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборилган 1880 йил 14 февралдаги фармойиши билан уезд бошлиқлари Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасига ҳар йили 1 январга қадар шаҳар ва уездлардаги мусулмон ўқув юртлари рўйхатини тузиб юбориш кўрсатмаси топширилган⁹².

Шу кўрсатмага асосан, Фарғона вилояти Андижон, Марғилон, Наманган, Ўш, Қўқон уездлари бошлиқлари мактаб, қорихона, мадрасалар рўйхатини тайёрлаб, ўқув юртлари бошқармасига ва ахборот учун Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига жўнатиб турган. Бу рўйхатларда мактаб, қорихона, мадрасалар тўғрисидаги маълумотлар орасида уларнинг ташкил қилинган йили ҳам кўрсатилган. Маълумотлар таҳлили кўрсатадики, рўйхатдаги мактаб, қорихона ва мадрасалар, асосан, XIX асрда Қўқон хонлиги даврида бунёд этилган. Маълумотнома империя маъмурлари томонидан тайёрланган бўлса-да, хонликдаги маҳаллий таълим муассасаларининг аввалги даврлардаги ҳамда кейинги йиллардаги тақдири борасида муҳим манба ҳисобланади.

Бу рўйхатларда мактаб, қорихона, мадрасаларнинг номи, бунёд этилган йили, ўқитувчи ва ўқувчилар сони, уларнинг вақф мулклари тури, даромади, ўқитувчига болаларни ўқитганлиги учун берилган маош, ўқув юрти жойлашган шаҳар ва қишлоқ қаби қимматли маълумотлар жой олган. Рўйхатдаги маълумотлардан ўқув юртининг қайси даврда ташкил

⁹² ЎЗР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12206-иш, 15 – 16-варақлар.

топганлиги, ўғил болалар мактаблари билан бир қаторда қизлар мактаблари ҳам мавжудлиги, шаҳар ва қишлоқ мулкдорлари, тадбиркорлари қурдирган мактаблар билан бирга масжидлар қошида ва мактабдорлар, отинойилар ҳовлисида барпо этилган мактаблар борлиги ҳақида ахборот оламиз. Шунингдек, бу ҳужжатларда Қўқон хонлиги даврида ташкил қилинган мактаб, қорихона, мадрасаларни бунёд этган мулкдорлар томонидан таъсис қилинган вақф мулклари (ер, карвонсарой, раста, дўкон, тегирмон, обжувоз ва ҳаммомлар), улардан тушган даромад миқдори, мактаб муаллимига болаларни ўқитганлиги учун одат бўйича ота-оналар тўлайдиган меҳнат ҳақи, уларнинг тури ва миқдори тўғрисида ҳам батафсил маълумотлар келтирилган⁹³. Диссертацияни ёзиш мобайнида мазкур архив фондлари материалларидан кенг фойдаланилди.

1891 йили мусулмон ўқув юртларини назорат қилишни кучайтириш мақсадида Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси таркибида шарқшунос В.П.Наливкин⁹⁴ раҳбарлигида Туркистон ўлкаси халқ ўқув юртлари 3-инспектори лавозими жорий қилинган. У назорат қиладиган мусулмон ўқув юртлари таркибидаги мадрасаларни кузатишга, текширишга алоҳида эътибор қаратган. Чунки мактаб, қорихона ўқувчилари ёш болалардан иборат бўлиб, бу турдаги мактаблар сиёсий жиҳатдан давлатга хавф солмаган.

Мадраса мударрислари ва талабаларининг Россия империясининг ўлкага уюштирган ҳарбий юришларида қаршилиқ кўрсатгани, кейинчалик ҳам норозилик ҳаракатларининг фаол иштирокчиси эканини инобатга олган ҳолда В.П.Наливкинга мадрасаларни назорат қилиш, уларнинг вақф

⁹³ Қаранг: ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12206-иш, 1 – 15, 145 – 160-варақлар; ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 11814-иш, 17 – 33-варақлар; ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12554-иш, 3 – 25-варақлар.

⁹⁴ Наливкин Владимир Петрович (1852.15.07, Калуга – 1918.20.01, Тошкент) – тарихчи, шарқшунос, лингвист ва педагог. 1873 йилда артиллерия билим юртини тугатгач, Туркистонда хизмат қилган. Хива ва Қўқон юришларида қатнашган. Қисқа муддат Наманганда ҳарбий бошлиқ ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Ерли аҳолининг тили, турмуши ва урф-одатларини яқиндан ўрганиш учун Нанай қишлоғидан ер сотиб олиб, оиласи билан истиқомат қилган. 1890 – 1895 йилларда Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд губернаторининг ёрдамчиси бўлган. Қўқон хонлиги ва Туркистон ўлкаси тарихи, маданиятига оид бир қатор китоблар ва мақолалар муаллифи. У 1918 йил 20 январда Тошкентда большевиклар тузумига норозилик сифатида хотинининг қабри устида ўзини отиб ўлдирган.

мулкларини ўрганиш вазифалари юклатилган ва, шубҳасиз, унинг иш фаолиятига тегишли расмий иш хужжатлари бугунги кунгача сақланган. Улар орасида В.П.Наливкиннинг 1891 – 1892 ўқув йилида Қўқон хонлиги даврида бунёд этилган мадрасалар аҳволи ҳақидаги ахбороти ва 1893 йилги Туркистон ўлкаси мусулмон ўқув юртлари аҳволи тўғрисида статистик ҳисоботи ҳамда Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовскийнинг буйруғига асосан 1900 йил 6 июнда тайёрланган “Туркистон ўлкасини босиб олгунга қадар ва ундан кейин вақф мулкларининг аҳволи ҳақида қисқача баёноти”да келтирилган маълумотлар алоҳида ажралиб туради⁹⁵.

Олти қисмдан: кириш, вақфлар, даромад ва бинолари, ўқув ишлари, ўқитувчилар, ўқувчилар ҳамда хулосадан иборат бўлган ушбу ҳисоботда Қўқон хонлигининг асосий ҳудудини ташкил этувчи Фарғона вилоятидаги таълим муассасалари, асосан, мадрасалар фаолияти ва уларнинг молиявий аҳволи амалий кузатиш ва статистик маълумотлар асосида таҳлил этилган⁹⁶. Хусусан, 1891 – 1892 ўқув йилида мадрасалар ҳақидаги ҳисоботда Фарғона вилоятига қарашли шаҳар ва уездлардаги мадрасалар сони кўрсатилиб, умумий ҳисобда вилоят бўйича 124 та мадраса ҳақида маълумот тайёрланган. Шунингдек, мадрасаларнинг вақфлари, уларнинг даромади, мадраса биноларининг таъмирланиш ҳолати кўрсатилган.

В.П.Наливкиннинг қайдларига қараганда, бу даврда иқтисодий жиҳатдан яхши таъминланган мадрасаларда 5 – 10 нафар, ночорроқ ва кичик мадрасаларда 1 – 2 нафар мударрис иш олиб борган. Ҳисоботда мадраса талабаларининг сони ва вақф даромадидан олинадиган нафақа миқдори қайд этилган.

Ҳисоботдаги энг муҳим маълумотлардан бири Фарғона вилояти уездларидаги жами 124 та мадрасалар рўйхатининг жадвал шаклида

⁹⁵ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 328-иш, 1 – 58-варақлар; ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 328-иш, 60 – 66-варақлар; Наливкин В.П. Записка о положении вакфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания. – Ташкент, 1900. – С.24.

⁹⁶ ЎзР МДА. И. 47-фонд, 1-рўйхат, 328-иш, 1 – 29 варақлар.

батафсил келтирилганидир. Жадвалда ҳар бир мадраса ва унинг қурувчиси номи, ташкил қилинган йили, вақф мулклари, мадраса дарсхоналари, хужралари, мударрислари, мутаваллилари, талабалар сони, уларнинг нафақаси аниқ рақамлар билан кўрсатилган. Рўйхатда мадрасаларнинг бунёд этилган йили ҳам берилгани XIX асрда барпо этилган мадрасаларни олдинги ва кейинги даврларга қиёслаб тадқиқ этиш имконини беради.

Ҳисоботда Фарғона вилояти мадрасаларининг мударрислари рўйхати келтирилган. Масалан, Қўқондаги Мингойим мадрасасида 21 нафар, Муҳаммад Алихон мадрасасида 7 нафар, Маҳмуд дастурхончи мадрасасида 11 нафар, Моҳларойим мадрасасида 7 нафар, Хиштин мадрасасида 13 нафар мударрис талабаларга таълим берган. Албатта, бу рақамлар хонлик тугатилишидан олдинги йилларга нисбатан анча кам.

Шунингдек, иловада мадрасалар вақф мулклари ҳисоботлари, вақф қилинган қишлоқ ерлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар акс этган. Жумладан, Қўқон шаҳридаги Мингойим мадрасасининг Қўқон уездида 9 та қишлоқ, Муҳаммад Алихон мадрасасининг Қўқон уездида 5 та қишлоқ, Қўқон шаҳридаги Ҳокимойим мадрасасининг Марғилон уездида 7 та қишлоқ, Марғилон шаҳридаги Подшои Искандар мадрасасининг Марғилон уездида 6 та қишлоқ ерларидан иборат вақф мулклари рўйхатга олинган.

Россия империяси собиқ хонлик ҳудудидаги ер-сув масалаларини, туб аҳолининг ерга бўлган ҳуқуқини аниқлаш ва тартибга солиш мақсадида ташкил этган комиссиялар фаолиятига тегишли ҳужжатлар ҳам ўрганилаётган мавзу доирасида катта манбавий аҳамият касб этади. Масалан, 1868 – 1869 йиллардаги дастлабки комиссияларнинг биринчиси диний ташкилотлар вақфномаларини рус давлати ташкилотларига вақф мулкларига ҳуқуқини аниқлаш ва тасдиқлаш учун дарҳол топшириши керак деб таклиф киритган бўлса, иккинчиси генерал-майор Гомзин бошчилигидаги комиссия “ҳужжатлар (вақфномалар)ни текшириб, фақат хон ёки амир мухри

борларини ҳақиқий вақф деб, қолганларини эса солиқ тўлайдиган ерлар деб ҳисоблансин” деган фикр билан юқоридаги таклифни тўлдирган.

Бундан ташқари, “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом” (1886 йил, кейинги йилларда ўзгартиришлар киритилган)да вилоят бошқармаларига 6 ой муддатда барча вақфномалар топширилишини ва хон, амир мухрлари бор вақфномаларнинг ҳақиқий эканини текшириш ҳақида кўрсатма берилган. Ана шу топшириқ асосида жойларда ташкил этилган комиссия тафтиш ҳайъатининг иш ҳужжатлари ҳам диссертацияда муҳим манба вазифасини ўтади.

Учинчи гуруҳга кирувчи манбалар туркуми Қўқон хонлиги тарихи акс этган маҳаллий ёзма манбалардан иборат. Ушбу гуруҳга мансуб манбаларнинг аксарият қисми ҳозирда ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида, айримлари Россия, Тожикистондаги қўлёзмалар фондларида сақланади. Фазли Фарғонийнинг “Умарнома” (1821), Мушриф Исфарагийнинг “Шоҳномаи нусратпаём” (1822), Муҳаммад Ҳакимхонтўранинг “Мунтахаб ат-таворих” (1843), Имомали Қори Қундузийнинг “Таворихи манзума” (1857), Абдулғафурнинг “Зафарномаи Худоёрхоний” (1859), Тожир Хўжандийнинг “Ғаройиби сипоҳ” (1864), Бекназарнинг “Амирлашкар жангномаси”, Абу Убайдуллоҳ Тошкандийнинг “Хулосат ал-аҳвол” (1864 – 1865), Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг “Тарихи Шоҳрухий” (1872), Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг “Тарихи жаҳоннамои” (1874), Муҳаммад Умар Марғилоний – Умидийнинг “Тарихчайи Туроний” (1882), Мирзоолим Мушрифнинг “Ансоб ас-салотин” (1884), Муҳаммад Юнус Тоибнинг (Мулла Юнусжон мунши⁹⁷) “Ҳадиқат ал-анвор” (1887), “Тарихи Алимқули Амирлашкар” (тахм. 1903), Муҳаммад

⁹⁷ Мунший, мунши (араб. – котиб, ижодкор) – Ўрта Осиё хонликлари даврида хонлар ёки айрим ҳокимларнинг шахсий котиби, ёзув-чизув ишларини олиб борган шахс. Мунший лавозимида, одатда, маълумотли ва ҳуснихат кишиларгина олинган. Муншийлар олим ва фозил кишилар бўлганлиги учун оддий котиб мирзалардан фарқ қилган. Улар зиммасига хон ва амирларнинг мактуб ва фармонларини ёзиш юклатилган. Тарихий асарларнинг аксарияти ана шу муншийлар қаламига мансуб. Мунший сўзини таҳаллус сифатида ўз номларига қўшиб айтишган. Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2003. – Б.132.

Азиз Марғилонийнинг “Тарихи Азизий” (1902 – 1903), Муҳаммад Фозилбек Муҳаммад Отабек қози ўғлининг “Мукаммал тарихи Фарғона” (XX аср боши) каби асарлари шулар жумласидандир⁹⁸.

Бу қўлёзма асарларнинг асосий қиммати шундаки, асар муаллифлари бевосита Қўқон хонлигида ижод қилиб, воқеа-ҳодисаларнинг кўпига гувоҳ, айрим ҳолларда унинг иштирокчилари бўлганлар. Бугунги кунда уларнинг кўпчилиги таржима, асл матн ва табдил шаклида нашр этилган, айримлари интернет сайтларида жойлашган бўлиб, диссертация доирасида ушбу нашрлардан унумли фойдаланилди⁹⁹. Қўлёзма ҳолидаги манбаларнинг эса улар асосида олиб борилган тадқиқот натижаларига мурожаат қилдик¹⁰⁰.

Тўртинчи гуруҳ манбаларига Туркистон ҳамда Россия империясининг ўша давр матбуотида, хусусан, “Туркестанские ведомости”, “Туркистон вилояти газети”, “Ежегодник Ферганской области”, “Туркестанский

⁹⁸ Хонлик тарихига оид манбалар Ш.Воҳидовнинг докторлик диссертациясида ва 2010 йилда нашр этилган монографиясида батафсил ўрганилган. Қаранг: Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши: Тарих фан. докт... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ, 1998. – 305 б.; Ўша муаллиф. Қўқон хонлигида тарихнавислик. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 305 б.

⁹⁹ Исҳоқхон Жўнайдуллоҳўжа ўғли Ибрат. Фарғона тарихи. Мерос. – Тошкент: Камалак, Мерос. 1991. – Б. 226 – 227, 268 – 327; Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи жаҳоннамойи / Форс-тожик тилидан Ш.Воҳид таржимаси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991. – №8. – Б. 119 – 137; Муҳаммад Аттор Хўқандий. Тарихи Жаҳоннамойи / Форс-тожик тилидан таржима ва изоҳлар Ш.Воҳидовники // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991. – №3. – Б.119 – 137; Мулла Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон. – Қарши: Нашриётсиз, 1992. – 220 б.; Қайта нашри: Мирза Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 241б.; Мирзоолим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи (Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. – 127 б.; Қайта нашри: Мирза Алим ибн Мирза Раҳим Тошканди. Ансаб ус-салотин ва таворих ал-хавоқин. Генеология султанов и истори хаканов. / Перевод, примечания, указатели С.Йўлдашева. Введение, научный редактор Ш. Воҳидов – Ташкент, 2007. – 255 с.; Муҳаммад Юнус Тойб. Тарихи Алимқули Амирлашкар / Нашрга тайёрловчи Воҳидов Ш. // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1996. – №1. – Б. 214 – 223. – №2. – Б. 208 – 223; Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий (Фарғона чор мустамлакаси даврида) / Нашрга тайёрловчилар Ш. Воҳидов, Д.Сангирова – Тошкент: Маънавият, 1999. – 120 б.; Муҳаммад Юнус Ходжа б. Муҳаммад Амин Ходжа. Тухфаи Таиб // Коматцу Х., Бабаджанов Б., Вахидов Ш. Islamic Area Studies Projekt Central Asian researche Series. – Ташкент-Токио, 2002. – №6. – 32 р.; Муҳаммад Юнус Тойиб Тошкандий. Тарихи Аликули амирлашкар. Тухфайи Тойиб / Нашрга тайёрловчи, табдил ва таржимонлар, изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов, Д. Чориева – Тошкент, 2011. – 332 б.; Исҳак-хан тура ибн Джунайдаллах Хваджа (Ибрат). Мизан аз-Заман. / Подготовка к изданию, комментарии и предисловие проф. Х. Коматцу, Б. Бабаджанов. – Ташкент-Токио, 2004, 50 с.; Muhammad Hakim khan. Muntakhab at-Tawarikh. Selected history. Vol.II. Edited by Yayoï KAWAHARA & Koichi HANEDA. – Tokyo. 2006. – 716 р.; Муҳаммадхакимхон тўра. Мунтахаб ат-таварих / Форс-тожик тилидан таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 520 б.; Мулло Юнусжон Мунший. Амирлашкар Алимқул тарихи. – Тошкент, 1995. – 80 б.; Муҳаммад Солиххўжа. Тарихи жадидаи Тошканд // <http://zerrspiegel.orientphil.uni-halle.de/t386.html>; Муҳаммад Юнусжон ибн Муҳаммад Амин Тойиб. Тухфаи Тойиб // <http://zerrspiegel.orientphil.uni-halle.de/t207.html>

¹⁰⁰ Масалан, қаранг: Бейсембиев Т. Тарихи Шахрух как исторический источник: Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИВ АН РЎз., 1983. – 315 с.; Вахидов Ш. Аваз Муҳаммад Аттар и его сочинение «Тарихи джаханнумаи» (Тухфат ут-таварихи хани). Исследование, перевод и примечания: Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИВ АН РЎз., 1990. – 154 с.; Сангирова Д. Тарихи Азизий – Чор мустамлакачилиги даврига оид муҳим манба: Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ, 2000. – 153 б.; Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд асари” муҳим тарихий манба сифатида. Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ, 2007. – 173 б.

сборник” каби газета ва журналларда чоп этилган материалларни киритиш мумкин. Шунингдек, бу гуруҳга сайёҳлар, элчилар ва империя маъмурларининг кундаликлари, расмий ҳисоботлари ҳам тегишли¹⁰¹.

Бу борада 1870 йилдан чоп этилган “Туркестанские ведомости” газетаси ҳамда унинг ўзбек тилидаги иловаси “Туркистон вилояти газети”да¹⁰² берилган Туркистон генерал-губернаторлигининг қарор ва фармойишлари, статистик материаллар ҳамда мақолалар жуда муҳим¹⁰³. Шунингдек, Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг нодир нашрлар бўлимида сақланаётган Ўрта Осиё, хусусан, Туркистон ўлкасига тегишли мақолаларни ўз ичига олган 594 жилдлик “Туркестанский сборник” (Туркистон тўплами) улкан аҳамиятга эгадир. Тўпламдан рус тарихчи олимлари, ўлкашунослари ҳамда империя маъмурларининг Қўқон хонлигининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётига оид мақолалари жой олган бўлиб, булар ўрганилаётган мавзунини ёритишда муҳим роль ўйнайди¹⁰⁴. Эътиборли томони шундаки, Россия империясининг марказий шаҳарларида чиқадиган газета ва журналларда эълон қилинган мақолалар ҳам тўпламга киритилган.

Тўпламдан диссертация мавзусига тегишли Қўқон хонлигининг мактаб, мадрасалари, уларнинг вақф мулклари тўғрисида бир қанча маълумотлар

¹⁰¹ Қаранг: Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. – СПб.: Б. и., 1868. – 176 с.; Хорошхин А.П. Очерки Ташкента. // Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – 533 с.; Маев Н.А. Азиатский Ташкент. // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып.IV. – СПб., 1876. – 533 с.; Валихонов Ч.Ч. Записка о Кокандском ханстве // Собрание сочинений в пяти томах. Т.3. – Алма-Ата, 1985. – 415 с. ва бошқ.

¹⁰² Бу ҳақда қаранг: Шодмонова С. Туркистон тарихи матбуот кўзгусида. – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – 295 б.

¹⁰³ Посольства в Коканде // Туркестанские ведомости. 1870. – №16; Ибрагимов И.И. Пять дней в Коканде // Туркестанские ведомости. 1872. – №20; Султан А.Нурекин. Очерки Коканда // Туркестанские ведомости. 1872. – №35; Ўша муаллиф. Отрывки из дневника «Къ Коканъ» в 1867 – 1868 гг // Туркестанские ведомости. 1874. – №13; Ўша муаллиф. О Кокандцах // Туркестанские ведомости. 1874. – №431; Пантусов Н.П. Из Ферганской области // Туркестанские ведомости. 1876. – №13; Пантусов Н.П. Описание наиболее замечательных рукописей из числа приобретенных ген.лейтенантом Т.А. Колпаковским в г. Коканде // Туркестанские ведомости. 1876. – №28,37; Пантусов Н. О податях и повинностях, существовавших в бывшем Кокандском ханстве, в последнее время правления Худояр-хана // Туркестанские ведомости. 1876. – №16 ва бошқ.

¹⁰⁴ Хорошхин А.П. Из дорожных заметок. От Ташкента до Коканда // Русский инвалид. 1868. – №112; 209; Ўша муаллиф. Туркестан. сб. Том 7. – С.237 – 241; Верещагин В.В. Из путешествия по Средней Азии // Голос. 1869. – № 94 и 98. Ўша муаллиф. Туркестан. сб. Том 24. – С.151; Кун А.Л. Сообщение о Коканде // Изв. ИРГО. 1876. Том 12. – №2. – С.72 – 77. Ўша муаллиф. Туркестан.сб., Том 150. – С.148; Федченко А.П. Объяснительная записка к карте Кокандского ханства и прилегающих стран. – М., 1872. – 15 с.

топилди. Тўпладан жой олган А.П.Хорошхиннинг “Қўқон ҳақида хабарлар” номли хотираларида Қўқон шаҳрида мадрасалар мавжудлиги, уларда муллалар таҳсил олаётгани ҳақида хабар берилади¹⁰⁵.

М.Михайлов “Наманган” номли очеркида хонликнинг Наманган беклигидаги масжид ва мадрасалар ҳақида сўз юритади. Шаҳар ўртасидаги масжид ва мадраса вақф мулки ҳисобланган Мавлавий карвонсаройи даромадидан фойдаланиб фаолият юритаётганини таъкидлаб ўтади¹⁰⁶.

Қўқон хонлиги тугатилгандан анча вақт ўтиб амалга оширилган бўлишига қарамай, К.К.Пален ва Ф.К.Гирс томонидан Туркистон ўлкасида олиб борилган тафтиш ишлари натижалари ҳақида ҳисоботлар ҳам ўлкада таълим тизими борасида муҳим аҳамият касб этади¹⁰⁷. Уларнинг ҳисоботларида хонликнинг собиқ ҳудудларидаги мактаб ва мадрасалар фаолияти, уларга тегишли бўлган вақф мулклари ҳар томонлама таҳлил қилинган.

Бироқ ҳар иккала муаллифнинг ҳам ўлка маҳаллий аҳолисига ва кўп асрлардан буён аجدодлардан авлодларга анъанавий тарзда ўтиб келаётган мактаб ва мадрасаларга нисбатан менсимаслик кайфияти кўзга ташланади.

Шу сабабли бундай вазиятларда улар келтирган фактларга танқидий ёндашган бошқа манбалар билан қиёсий ўрганган ҳолда хулоса чиқарилди.

Шундай қилиб, муаммони ўрганишга доир манбалар турли-туман бўлишига қарамай, уларни мукамал деб бўлмайди. Хусусан, асосий таълим-муассасаларининг вақфномалари ҳамда уларнинг фаолиятига оид тарихий ҳужжатлар (ёрлиқ ва иноятномалар¹⁰⁸, олди-сотди ҳужжатлари) бизгача жуда кўплаб етиб келган бўлса-да, уларнинг аксарияти мадрасаларга тегишли. Улар мадрасаларнинг биноси, асосчилари ва молиявий таъминоти ҳақида

¹⁰⁵ Хорошхин А.П. Заметки о Коканде // Туркестанский сборник. Том 23. – С.169.

¹⁰⁶ Михайлов М. Наманган (Очерк) // Туркестанский сборник. Том 16. – С. 69 – 73.

¹⁰⁷ Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. – СПб.: Тип. Сенатская, 1909. – С.309; Гирс Ф.К. Отчет по ревизии по высочайшему повелению Туркестанского края тайного советника Гирса. 1882. – СПб.: Б. и., 1893. – С.455.

¹⁰⁸ Иноятнома (араб. иноят – ғамхўрлик ва форс. нома – хат, мактуб).

асосли маълумот беради, лекин таълим жараёни, мударрислар ва талабалар ўртасидаги муносабатларга тўлиқ ойдинлик кирита олмайди. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасига тегишли статистик маълумотларда эса мадрасалар масаласи кенг кўламда қамраб олинмаса-да, таълим ишлари, вақф мулклари тўғрисида аниқ ва ишончли фактлар келтирилган.

Мактабларнинг вақф хужжатлари эса санокли. Улар ҳақида маълумотлар қисман нарратив¹⁰⁹ асарларда, европалик сайёҳлар кундаликлари ва империя маъмурлари расмий ҳисоботларида ҳамда махсус давлат муассасалари фаолиятига оид хужжатларда ўз аксини топган. Бу борада Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси девони (1-фонд), Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси (47-фонд) фаолиятига оид расмий ҳисоботлар ҳамда Сирдарё (17-фонд) ва Фарғона (19-фонд) вилояти бошқармаларига тегишли иш хужжатларидаги тарихий маълумотлар мавзуни ўрганишда жуда катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзуси манбавий асосининг бу қадар хилма-хиллиги, ўз навбатида, изланишлар жараёнида кенг кўламли қиёсий-таҳлилий тадқиқот олиб боришни талаб этади. Бундан ташқари, мавзуни тадқиқ қилиш жараёнида бошқа тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазаларига муносабат билдирилди, мавжуд материаллар қиёсий таҳлил қилинди ва шу асосда амалий, назарий хулосалар чиқарилди.

Диссертациянинг мазкур қисми мавзунинг тарихшунослиги ва ишга тегишли манбалар таҳлиliga бағишланган бўлиб, ундан кўзланган мақсад илмий муаммонинг ўрганилганлик даражасини аниқлаш ва турли ижтимоий-сиёсий тузумлар даврида билдирилган фикр-мулоҳазаларни таҳлил этиш кўзда тутилган. Тадқиқотнинг манбавий асосини ўрганиш эса мавзуни, аввалги ишлардан фарқли равишда, асл манбаларни тадқиқотга жалб қилиш ва илмий доирага киритишни кўзда тутди.

¹⁰⁹ Нарратив манбалар – ҳикоя қилувчи характердаги мемуар, йилнома, эсдалик, суҳбат манбалари бўлиб, у далолатнома, фармойиш, қарор, буйруқ каби келиб чиқиши жиҳатидан хужжатли манбалардан фарқ қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, мавзуни ўрганишда олиб борилган изланишлар жараёнида биринчи гуруҳ адабиётларининг мустамлакачилик сиёсати билан ҳамоҳанглиги, таълим соҳасини ўрганишга қаратилган ишлар, биринчи галда, Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига хизмат қилганлиги аниқланди. 1917 – 1924 йилларда бажарилган ишларда маълум маънода ҳолислик кузатилса-да, ўтган асрнинг 90-йилларига қадар давом этган “Қизил империя” номини олган янги даврда тадқиқ этилаётган муаммо бир томонлама ва сиёсий тузум мафкураси манфаатлари доирасида ёритилди. Илмий-оммабоп адабиётларда тарихий воқеалар, ҳужжатли манба ва архив материаллари коммунистик мафкура манфаатларига йўналтирилди. Фақатгина Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг мавзуни илк бор атрофлича ўрганиш, унга ҳолисона, ҳаққоний баҳо бериш имконияти пайдо бўлди. Бу даврда Қўқон хонлигининг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни, маданий-маънавий ҳаёти масалалари манбалар асосида ўрганишга киришилди. Бироқ сўнгги йилларда ушбу мавзу минтақа халқлари маданий ҳаётини ўрганишда устувор аҳамият касб этса-да, XVI – XX аср бошларида ҳукм сурган хонликлардаги таълим муассасалари фаолиятига оид тадқиқотлар жуда камчиликни ташкил этади.

Мавзунинг хориж тарихшунослигига келсак, ўрта аср мусулмон ўлкаларида таълим, мадрасалар фаолияти бир қатор таниқли тадқиқотчилар ишларида ёритилган бўлса-да, бевосита Қўқон хонлигидаги таълим соҳаси ўрганилмаган.

Қўқон хонлигида таълим муассасаларининг фаолиятига оид тарихий ҳужжатлар (вақфномалар, ёрлиқ ва иноятномалар, олди-сотди ҳужжатлари ва ҳ.к.) жуда кўплаб етиб келган бўлиб, улар мавзуга оид манбаларнинг энг муҳим қисмини ташкил этади. Бироқ уларнинг аксарияти мадрасаларга тегишли, мактаблар фаолиятига оид ҳужжатлар эса жуда камлиги маълум бўлди. Мавзуга оид манбаларнинг катта қисми европалик сайёҳлар

кундаликлари ва империя маъмурлари расмий ҳисоботларида ҳамда махсус давлат муассасалари фаолиятига оид ҳужжатларда, озроқ қисми маҳаллий тарихий асарларда ўз аксини топган. Шу сабабли диссертация жараёнида кенг кўламли қиёсий-таҳлилий тадқиқот олиб борилди.

II БОБ. ХОНЛИК МАДАНИЙ ҲАЁТИДА МАКТАБ ВА МАДРАСАЛАР: ТУРЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ

2.1. Қўқон хонлигида мактаблар турлари ҳамда уларнинг фаолияти

XIX аср бошларида Қўқон хонлигида бошланган илмий, маданий-адабий муҳитнинг шаклланиши ва ривожланишида бевосита хонликдаги мактаб ва мадрасаларнинг ўрни беқиёсдир. Бу илм ўчоқлари халқни маърифатли қилиш, анъанавий таълимни ва маданий-маънавий ҳаётни юксалтиришда катта роль ўйнаган.

Ислом динининг пайдо бўлиши ва унинг бошқа мамлакатлар каби Туронзаминга кириб келиши маҳаллий халқ ижтимоий-маданий ҳаёти, кундалик маиший турмуши, айниқса, таълим-тарбия соҳасига бир қатор ўзгаришлар олиб келди. Умуман олганда, мусулмон мамлакатларида араб тилини ва дин асосларини ўргатишга ихтисослашган мактабларнинг пайдо бўлиши муқаддас китоб – Қуръони Каримни ўрганиш, тушуниш заруратининг юзага келиши билан боғлиқдир. Кейинчалик эса Қуръон мазмуни ва ғояларини халққа тарқатиш мақсадида мактаблар ташкил этилган, ана шу пайтдан эътиборан “мактаб” атамаси “мирзалар мактаби” маъносини билдирган¹¹⁰.

Ислом оламида мактаблар фаолиятини тадқиқ этган изланувчилар турли-туман фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтганлар. “Мактаб” сўзи луғавий маъноси араб тилидан “ёзиш жойи” маъносини билдириб¹¹¹, ўрта асрлар давомида форс-тожик, қардош туркий тилларда, Ўрта Осиё, Шарқий

¹¹⁰ Наливкин В.П. Что даёт Средне-Азиатская мусульманская школа в образовательном и воспитательном отношениях? – СПб.: Б. и., 1900. – С.323.

¹¹¹ Мактаб // Ислом. Энциклопедия. А-Ҳ / З.Хусниддинов таҳрири остида. – Тошкент: Ўз МЭ, 2004. – Б.149 – 150.

Туркистон, Волгабўйи, Қрим ва унга туташ минтақаларда бошланғич таълим муассасаси сифатида муомалага кирган.

Ж.Макдиси ўрта асрлар таълим тизимини ўрганар экан, масжидлардаги мактаблар ва уларнинг таълим соҳасидаги мавқеини юқори баҳолаган эди¹¹². Бу даврда, жумладан, XI асрда Бағдод шаҳридаги жомеъ масжидидаги таълим муассасаси – мактабда фикҳ, ҳадис, тафсир, наҳв, адаб фанлари ўргатилган, ваъзлар қилиниб, турли мунозаралар олиб борилган. Албатта, саккиз аср ўтгач, яъни биз ўрганаётган даврга келиб нафақат Қўқон хонлигида, балки барча мусулмон ўлкаларида тарбия ва мактаб таълими тизимида жуда катта ўзгаришлар юз берди.

Э.С.Вульфсон маҳаллий аҳолининг бола тарбияси борасидаги анъаналарини кузатиб, ўзининг таҳлилий фикрларини билдириб ўтган. Унга кўра, маҳаллий аҳоли, бола 4 ёшдан ўтиб, гапиришни бошлаганда, унинг камолот тарбияси билан шуғулланишга киришган. Бу пайтда, асосан, диний тушунчалар, саломлашиш одоби ўргатилган¹¹³. Қизлар эса эрта турмушга чиқиши боис 8 – 9 ёшга етмай уй-рўзғор ишларини ўрганишни бошлаганлар.

Россиялик тадқиқотчи Р.Рахимовнинг фикрича, империянинг мусулмон ўлкаларида, хусусан, Ўрта Осиёда маҳаллий мактабларнинг икки кўриниши фаолият кўрсатган. Буларнинг бири – стационар, яъни масжидлар қошидаги, иккинчиси – кўчиб юрувчи, яъни кўчманчи аҳоли орасида тарқалган бошланғич мактаблар¹¹⁴. Тадқиқотчининг қайд қилишича, масжидлар қошидаги мактаблар тоғли тожикларда оловхоналарда фаолият юритган. Масжидлардаги мактабларда эса дарслар махсус ажратилган хужрада олиб борилган. Маълумотларга қараганда, XIX аср ўрталари – XX

¹¹² George Makdisi. Muslim Institutions of Learning in Eleventh Century Baghdad // Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London. Vol.24. – №1. – 1961. – P.4; George Makdisi. Law and Traditionalism in the Institutions of Learning of Medieval Islam // The Theology and Law in Islam. – Wiesbaden: Otthe Harrassowitz, 1971. – P.77.

¹¹³ Вульфсон Э.С. Как живут сарты. – М.: Б. и., 1908. – С.96 – 97.

¹¹⁴ Рахимов Р. Мактаб // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь / Под ред. С.М.Прозорова. – СПб., 2006. Т.1. – С.251.

аср бошларида Туркистон ўлкасида 7 мингдан ортиқ бундай мактаблар фаолият кўрсатган. Яъни мазкур турдаги таълим муассасаларининг 2/3 қисмини ташкил этган.

Туркистон генерал-губернаторлиги архив фондлари ва кузатувчи тадқиқотчиларнинг фикрича, XIX асрда маҳаллий мактаблар икки хил бўлган. Биринчиси қуйи мактаблар бўлиб, юқорида айтилганидек, масжидларда фаолият юритган. Иккинчиси юқори мактаблар бўлиб, фақат шаҳарларда, катта қишлоқларда иш олиб борган¹¹⁵. Лекин аксарият тадқиқотчилар мактабларни фаолият характериға кўра жамоат, хусусий, шаҳар ва қишлоқ мактабларига бўлганлар. Хусусий мактаблар, одатда, ўзига тўқ оилалар томонидан ўз фарзандлари таълими учун ташкил этилган ва уларда 4 – 5 нафар бола ўқиган.

Масжидларда мактаб, одатда, масжидни қурдирган шахс томонидан ташкил этилган бўлиб, 10 – 30 та бола жойлашадиган хонадан иборат эди. Бу мактабда ўқиш 2 – 5 йил давом этган. Ўқиш эрта тонгда бошланган, соат 10 – 11 да уйга нонушта қилишга қайтганлар. Тушда эса яна мактабга қайтиб, кечгача юришган. Масалан, Тошкент, Қўқон ва Бухоронинг бир қатор мадрасаларида таҳсил олган муаррих Муҳаммад Солиххўжанинг ўзи шаҳар зиёлилари тоифасидан бўлиб, узоқ йиллар ўзи имомлик қилган масжид қошидаги мактаб – дабиристонда болаларга таълим бериш билан машғул бўлган¹¹⁶. Мазкур асардаги маълумотларга қараганда, у ўзи мактабдорлик қилган масжидда имомлик қилиш билан бирга шу ерда истиқомат қилган. Унинг мактаби фақатгина дарс бериладиган таълим ўчоғи эмас, балки мактабдор (яъни Муҳаммад Солиххўжа)нинг мадрасада бирга сабоқ олган дўстлари йиғилиб илм-маърифат борасида баҳслар уюштирадиган ва ўша замон ижтимоий-сиёсий воқеаларини муҳокама қиладиган маскан ҳам эди.

1868 йили Тошкентда бўлган А.П.Хорошхиннинг маҳаллий аҳоли вакилларида олган маълумотларига қараганда, шаҳарда ўғил ва қиз

¹¹⁵ Вульфсон Э.С. Как живут сарты... – С. 99 – 100.

¹¹⁶ Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. – Тошкент: O‘zbekiston, 2009. – Б.21.

болаларнинг мактаблари алоҳида бўлган¹¹⁷. Масжидлардаги мактабларда масжид имоми, баъзида сўфиси дарс берган¹¹⁸.

Қўқон хонлигида, одатда, ўғил ва қиз болалар мактаби алоҳида бўлиб, қиз болалар мактабида отинойи дарс берган. Масалан, машҳур шоира Дилшод Қўқонда мактаб очган. У ўзининг педагогик фаолияти ҳақида шундай ёзган эди: “Менинг суҳбатдошларим ва дугоналарим ақлли қизлар ва истеъдодли шоиралар эди. Эллик бир йил давомида мен мактабдорлик қилдим ва йилига 20 тадан 30 тагача ўқувчиларим бўлиб, саккиз юз тўқсонга қизнинг саводини чиқардим, булардан деярли чорак қисми шеъриятга қобилиятли бўлиб, шоира ва ўз даврининг ақлли ва доно одамлари эди”¹¹⁹.

Қишлоқ мактабларида салоҳиятли ўқитувчи топиш муаммо эди. Мактабда ўқувчилар кўп бўлса, муаллим ёши катта ўқувчилардан ўзига ёрдамчи танлаб олган.

Қўқон хонлигидаги мактаблар ҳам қўшни хонликлардаги анъанавий мактаблар билан деярли бир хил мақом ва даражада бўлган. Ота-оналар муаллимга болалари мактабга ўқишга кираётганларида, ўқишда айрим муваффақиятларга эришганида, жумладан, бир китобни якунлаб бошқасини бошлаганда, “Қуръон” ўқишга киришганида ҳамда Қурбон ва Рамазон ҳайитлари, Наврўз байрами муносабатлари билан баҳоли қудрат ҳадя қилиб турган.

Хайр-эҳсонлар ҳисобидан таъсис этилган мактаблар вақф даромадлари билан таъминлаб турилган. Мактабга бориш ёши ҳам қатъий белгилаб қўйилмаган. Мактабга бориш оиланинг имконият даражаси ва бола қобилиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган. Аксарият болалар 4 – 5 ёшдан мутолаа қилишни бошлаб, мактабга 6 – 8 ёшдан катнаган.

Мактабда ўқитишнинг давомийлиги домлага, боланинг зеҳнига ва оиладаги муҳитга боғлиқ бўлган. Мактабларда ўқувчиларнинг сони, асосан,

¹¹⁷ Хорошхин А.П. Очерки Ташкента // Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – С.87.

¹¹⁸ Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. — М.: Академ. пед. наук РСФСР, 1960. — С.36.

¹¹⁹ Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Убайдуллаев Ў. Ватан тарихи. — Тошкент: Шарқ, 2003. — Б.116.

30 нафардан ошмаган. Айрим ҳолларда эса 8 нафар бола ўқиган¹²⁰.

Мактабда дарслар жадвали, қатъий дастур ва муайян ўқув курси бўлмаган. Ўқитиш синф – дарс тизимида олиб борилмаган, балки бир домладан сабоқ олувчиларнинг ҳаммаси бир хонадонда ўқиган. Шунга мувофиқ, дарсхонанинг тўрида Навоий, Фузулий, Бедил, Машраб, Ҳофиз Шерозий, Сўфи Оллоёр асарлари, “Чор китоб” кабиларни ўқувчилар, ўртасида Қуръон, “Ҳафтияк”ни ўқувчилар ва пойгада “абжадхонлар” (бўғинлаб ўқувчи ва “Абжадга” кўра ҳисоб ҳамда кўпайтиришни ўрганувчилар) ва “тахтахонлар” (араб алифбоси ҳарфлари ёзилган махсус тахтача – “лавҳ”даги ҳарфларни ёдлаб ўрганаётган ўқувчилар) ўтирганлар¹²¹.

Мактабларнинг машғулоти жума, ҳайит ва наврўз байрами кунларидан ташқари ҳар куни бўлган¹²².

Айрим мактабларда икки марта танаффус қилинган. Биринчиси “нонхўрак” деб аталган, у эрталабки соат 10-11 атрофида бўлиб, бу пайтда болалар уйдан олиб келган нонлар, ширинликлар билан тамадди қилганлар. Тушки соат 13 –15 атрофида эса “ошхўрак” бўлиб, ўқувчиларга иссиқ овқат берилган. Ёзда ота-оналар билан келишилган ҳолда икки ойга таътилга чиқилган. Ўқувчи ёзишга ўқишни тўлиқ ўзлаштириб олгандан кейингина ўргатилган. Болалар “Сўфи Оллоёр” баъзан, эса “Ҳожа Ҳофиз” номли китобларни ўқий оладиган бўлгандан кейингина “хатга тушган”¹²³. Ўқув қуроллари қалам, қаламдон, лавҳ ва халтадан иборат бўлган. Дарслар тахта ва қоғозга ёзилган.

Ҳарфларнинг номи, диакритик белгилар ўргатилгандан сўнг бўғинларни кўшиш ўргатилган. Бу “абжад” сўзи билан боғланувчи 8 сўз бўлиб (абжад, ҳавваз, ҳутти, каламан, қарашат, саъфас, сахҳаз ва зазағ), уларнинг таркиби араб алифбосининг 28 ҳарфидан иборат эди. Унинг

¹²⁰ ЎзР МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 14941- иш, 9-варақ.

¹²¹ Солижонова Г. Мактабхона // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2003. 5-жилд. – Б.412.

¹²² Абдуллаев Й. Эски мактабда хат савод ўргатиш. – Б.31.

¹²³ Салижанова Г. Туркистонда ўқитиш-маърифатчилик ўчоқлари, уларнинг ижтимоий аҳамияти (XIX аср охири – XX аср бошлари): Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент: ЎзР ФАТИ, 1998. – Б.41.

таркибидаги бирорта ҳарф ҳам икки марта такрорланмаган. Айрим ўқитувчилар “абжад”дан, унинг ҳар бир ҳарфга рақам маъноси берилган қоидадан унумли фойдаланиб унинг негизида шаклланган бир неча жанр ва шеърӣ турларни (таърих, муаммо, луғз, топишмоқ ва ҳ.к.) ўргатганлар.

Бу ҳисоб ёрдамида ҳар хил амаллар бажарилган, кўпайтириш жадвали тузиб ўқитилган. Таълим жараёнида болани фикрлашга, тафаккурга ўргатишда мазкур ҳисоб қизиқарли усул ҳамда восита бўлиб хизмат қилган¹²⁴.

Мактаб дастури қуйидаги китоблардан иборат бўлган:

1. “Чаҳор китоб” (тўрт китоб) – диний урф-одатларни ўргатувчи мазкур дарслик тўрт китобдан иборат бўлган:

а) Шараф Бухорийнинг “Номи ҳақ” асари бўлиб, унда таҳорат, унинг тартиблари ва намоз тартиб – қоидалари; Рамазон ойида Рўза тутиш қонун қоидалари ҳақидаги асоисӣ тушунчаларни берган;

б) “Куллийёт – Чаҳор Фасл” – ўқувчини ислом динининг имон, аҳком ва аркон каби тушунчалар билан таништиришга мўлжалланган.

в) “Муҳиммат ул-муслимин” (Мусулмончиликнинг муҳим масалалари) мусулмон киши учун фарз бўлган асосий тушунчалар ҳақида маълумот берган;

г) Фаридиддин Атторнинг “Пандномаи Аттор”. Китоб машҳур сўфӣӣ шоир Шайх Фаҳридин Муҳаммад бин Абу Бакр Иброҳим Аттор қаламига мансуб.

2. “Хафтияк” – форсча сўз бўлиб, “Қуръони Карим”нинг еттидан бири деган маънони англатади ва бу ўқувчиларга атрофлича ўргатилган..

3. “Аҳлоқнома” – аҳлоқ-одоб қоидалари баён этилган.

4. Форс ва турк тилларида битилган Сўфи Оллоёр, Фузулий, Бедил, А. Навоӣӣ ва Ф. Аттор шеърлари ва асарлари¹²⁵.

¹²⁴ Исҳоқов Ф. Эски ўзбек тили ва ёзуви. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.95.

¹²⁵ Абдирашидов З. Исмаил Гаспиринский и Туркестан в начале XX века: связи – отношения – влияние. Ташкент: Akademnashr, 2011. – С.66 – 67.

Хонликнинг барча ҳудудларидаги мактаблар фаолияти деярли бир маромда кечган. Уларнинг таълим соҳаси ёки молиявий таъминоти, умуман, фаолиятида алоҳида ажралиб турувчи жиҳатлар бўлмаган.

Таъкидлаш жоизки, Қўқон хонлигининг йирик шаҳарларида мактаблардан ташқари далоилхоналар ҳам фаолият кўрсатган. Далоилхона (араб. далоил – далиллар) – ўз моҳиятига кўра мактабнинг анча юқори босқичи бўлиб, саводи чиққан болаларгина қабул қилинган. Унда тахминан 1-2 ой болаларга Қуръоннинг айрим сура ва оятлари, сўнгра асосий китоб – “Далоил ул – ҳайрот” ёдлатилган. Бу асар XV асрда тузилган бўлиб, унинг матни ўқиш учун ҳафта кунларига бўлиб чиқилган. Далоилхоналар Қўқон хонлигида фақат Тошкентда, кейинроқ Фарғона водийси шаҳарларида 4 – 5 тадан сақланган, хусусан улардан иккитаси Андижонда эди. Далоилхоналарнинг ҳам моддий таъминот манбаи – вақф мулклари бўлган¹²⁶.

1880 йил 14 февралда Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман вилоят ҳарбий губернаторларига, жумладан, Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига ҳам махсус фармойиш юбориб, ҳар йили 1 январга қадар уезд бошлиқлари Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасига шаҳар ва уезддаги мусулмон ўқув юртлари ҳақида маълумот жўнатишини талаб қилган¹²⁷. Ушбу кўрсатмага биноан, Фарғона вилояти уезд бошлиқлари махсус шакл бўйича мактаб, қорихона, мадрасаларни рўйхатга олиб, ўқув юртлари бошқармасига ва Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юбориб турган. Ўқув юртлари бошқармасидан олинган шаклда мактаб, мадраса, қорихона номи, ташкил қилинган йили, манзили, вақф мулки ва ундан тушган даромади ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши лозим эди.

¹²⁶ Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865 – 1925 годы). – М.: Изд. Академии педагогических наук, 1960. – С.48. Яна қаранг: Наливкин В. П. и др. Краткий обзор современного состояния и деятельности мусульманского духовенства, разного рода духовных учреждений и учебных заведений туземного населения Самаркандской области, с некоторыми указаниями на их историческое прошлое // Сборник материалов по мусульманству. – СПб., 1899. –С.39.; Далоилхона // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент, ЎзМЭ, 2003. 3-жилд. – Б.183.

¹²⁷ ЎЗР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12206-иш, 15 – 16-варақлар.

Рўйхатлардаги маълумотлар йилдан-йилга тўлдирилиб, аниқликлар киритилиб, такомиллаштириб борилган. Бу ҳужжатлар ҳам бир-биридан қисман фарқ қилади. Масалан, Қўқон уезди бошлиғининг мактаб, мадрасалар рўйхатида бу ўқув юртларининг номи, ташкил топган йили кўрсатилмаган. Андижон, Наманган, Марғилон уездлари бошлиқлари тайёрлаб, Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборган мактаб, қорихона, мадрасалар рўйхатларида мазкур маълумотлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг Фарғона вилояти бошқармасига тегишли 19-фондда сақланаётган Қўқон¹²⁸, Андижон¹²⁹, Наманган¹³⁰ уездлари бошлиқларининг Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборган мусулмон мактаблари тўғрисидаги рўйхатларида 1888 йили уездларда мавжуд бўлган мадраса ва мактаблар ҳақида маълумот берилган.

Мазкур қайдларга қараганда, пойтахт Қўқонда мактаблар бошқа шаҳарларга қараганда кўпроқ фаолият юритган. Рўйхатда Қўқон шаҳри ва уездида 51 мадраса, 260 та мактаб фаолият олиб бораётгани қайд этилган, уларнинг аксарияти ўз фаолиятини хонлик тугатилган давр, яъни 1876 йилга қадар бошлаган. Рўйхатда 260 та мактаб ва унда дарс берувчи 262 нафар ўқитувчи ҳамда 3096 нафар ўқувчи таълим олгани қайд қилинган. Афсуски, рўйхатда мактабларнинг ташкил этилган йили кўрсатилмаган. Бироқ, энг муҳими, мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари таркиби, уларнинг сони, молиявий таъминоти ҳамда таълим тўлови миқдори каби маълумотлар акс этган.

Қўқон уезди бошлиғининг Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборган мусулмон мактаблари ҳақидаги ахборотида муҳим маълумотлардан бири мактабларнинг вақф мулклари ҳақидаги хабаридир. Ахборотда

¹²⁸ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12554-иш, 4 – 27-варақлар.

¹²⁹ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12557-иш, 29 – 47-варақлар.

¹³⁰ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12206- иш, 145 – 160-варақлар.

келтирилган 260 та мактабдан фақат 74 тасида вақф мулклари бўлган. Вақф мулкидан тушган даромад мактабни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, ўқув-тарбиявий, хўжалик ишларини яхшилашда муҳим ўрин тутган. Демак, қолган 200 га яқин мактаб вақфсиз бўлиб, уларнинг молиявий таъминоти анча оғир эди.

Андижон уезди ўқув юртларининг 1886 йилги рўйхатида Андижон шаҳри ва уездидаги 28 та мадраса ва 169 та мактаб рўйхати берилган. Рўйхатда ҳар бир мактаб ва мадрасанинг номи, ташкил қилинган йили ва зарур маълумотлар бошқа уездларга нисбатан батафсилроқ келтирилган¹³¹. Рўйхатга олинган 169 та мактабдан 117 таси Қўқон хонлиги даврида, яъни 1801 – 1876 йилларда вужудга келган. Қолган 52 та мактабнинг очилиши XIX асрдан илгари ва Қўқон хонлиги Россия томонидан босиб олингандан кейинги йилларга оид.

Масалан, рўйхатда келтирилган маълумотларга қараганда, Балиқчи волости Қўнқайма қишлоғидаги Иброҳим саркор мактаби, Норин волости Қайқи қишлоғидаги Розик Муҳаммад мактаби дастлабки мактаблардан бўлиб, улар 1806 йили бунёд этилган. Шунингдек, Балиқчи волости Хўжаобод қишлоғидаги Хўжа додхоҳ мактаби 1816 йили, Ҳаққулобод волости Учқўрғон қишлоғидаги Учқўрғон мактаби 1818 йили, Норин волости Жубона қишлоғидаги Қурбон ота мактаби 1821 йили, Ҳаққулобод волости Тўрткўл қишлоғидаги Тўрткўл мактаби 1822 йили, Норин волости Катта қишлоғидаги Катта мактаби 1826 йили, Қўқон қишлоқ волости Қўқон қишлоғидаги Мулла Эгамберди мактаби, Норин волости Илатон қишлоғидаги Мулла Имомкул мактаби, Норин волости Тўда қишлоғидаги Мулла Холибек мактаби 1831 йили, Андижон шаҳри Худоёр маҳалласидаги Оқмасжид мадрасаси қошидаги мактаб эса 1838 йили ўз фаолиятини бошлаган¹³².

¹³¹ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 11206- иш, 1 – 15-варақлар.

¹³² ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12206- иш, 2 – 13-варақлар.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бу ҳужжатда мактаблар тўла рўйхатга олинмаган, уларнинг сони аниқ кўрсатилмаган. Айнан шу даврда Қўқон хонлигининг Андижон беклигида бунёд этилган 117 та мактабнинг 29 таси Андижон шаҳрига, 88 таси эса қишлоқ ҳудудларига тўғри келган.

Мактаблардаги ўқувчилар сони таҳлил қилинганда, улар бу борадаги кўрсаткичларига кўра уч туркумга бўлиниши маълум бўлди. Биринчиси 10 тагача, иккинчиси 10 – 15 тагача, учинчиси 15 – 25 тагача ўқувчи таълим оладиган мактаблар. Жумладан, Андижон шаҳридаги Худоёр маҳалласининг Бобо Саъдиддин (1846 йил очилган), Қум кўча маҳалласининг Така масжид (1871) ҳамда Шарифбой маҳалласининг Шарифбой масжиди (1856) қошидаги мактаб ҳамда Шарифбой маҳалласининг Усмон Алибой мактабида (1871) ўн нафардан ўқувчи ўқиган. Шаҳардаги Тоғайбой маҳалласининг Муллатилла Қобулов мактабида (1871) ўн беш нафар ўқувчи, Қирлик маҳалласининг Абдухоликбой мадрасаси қошидаги мактабда (1871) ўн олти нафар ўқувчи, Қорамулла маҳалласининг Мулла Ҳусанбобо Мулла Юнусов мактабида (1856) йигирма нафар ўқувчи таҳсил олган.

25 – 30 нафар ўқувчиси бўлган мактаблар катта мактаблар сирасига кирган ва жами еттита эди. Улар Жалолобод волости Хонобод қишлоғидаги катта масжид қошидаги мактаб (1836), Андижон шаҳри Худоёр маҳалласидаги Оқмасжид мадрасаси қошидаги мактаб (1838), Ёрбоши волости Толмозор қишлоғидаги Қодиркулбек (1846), Андижон шаҳри Қорамулла маҳалласидаги Мавлон Шохусан мактаби (1861), Ёрбоши волости Бўтақора қишлоғидаги Ҳасанбой масжиди қошидаги мактаб (1871), Қўрғонтепа волости Қуйи Қорасув қишлоғидаги Девонабой мактаби (1866), Майгир волости Насриддинбек чек қишлоғидаги Туробод (1876) мактаблари шулар жумласидандир¹³³.

¹³³ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12206-иш, 2 – 12-варақлар.

Айрим мактабларда ёш, балоғатга етмаган ўғил болалар ва қизларни домумлла ёки отинойи истисно тарзида бирга ўқитган. Архивда сақланаётган “Фарғона вилояти Андижон уезди ўқув юртларининг 1886 йилги рўйхатида” фақат отинойилар дарс берадиган қизлар мактаблари рўйхатга олинган. Одатда, отинойилар қизларни ўз хонадонларида ўқитган. Бундай қизлар мактаби кўп эди. Лекин уларни рус маъмурлари томонидан ҳисобга олиш қийин бўлган. Шу сабабли бундай қизлар мактаблари рўйхатга киритилмаган. Рўйхатга олинган қизлар мактаблари еттита, балоғатга етмаган ёш ўғил болалар ва қизлар бирга ўқиган мактаблар тўртта бўлган. Биз қуйида шундай мактаблар рўйхатини келтирамиз:

1. 1836 йили барпо этилган Қўқон қишлоқ волости Хайробод қишлоғидаги Баҳринисо мактабида 5 нафар қиз бола ўқиган ва бир нафар отинойи дарс берган;

2. 1851 йили қурилган Ўзган волости Ўзган қишлоғидаги Сотволди халифа мактабида 15 нафар қиз болага бир нафар отинойи дарс берган;

3. 1861 йили барпо этилган Хакан волости Дархон қишлоғидаги Мулла Кабир халифа мактабида 5 нафар ўғил бола, 13 нафар қиз бола ўқиган ва 1 нафар отинойи дарс берган;

4. 1865 йили барпо этилган Ёрбоши волости Бўтақора қишлоғидаги Хожар биби мактабида 20 нафар қизлар ўқиган, бир нафар отинойи машғулоти олиб борган;

5. 1871 йили қурилган Андижон шаҳри Хўжа Шаҳон маҳалласидаги Хўжа Шаҳон мактабида 4 ўғил бола, 4 қиз бола ўқиган. Бир нафар домумлла дарс берган;

6. 1874 йили қурилган Хакан волости Гулистон қишлоғидаги Хўжамбердибой мактабида 2 нафар ўғил бола, 12 нафар қиз ўқиган ва бир нафар отинойи машғулоти олиб борган;

7. 1874 йили қурилган Хакан волости Сарикўй қишлоғи Якуб Ҳожибой мактабида бир нафар ўғил бола, 11 нафар қиз болалар ўқиган ва бир нафар отинойи ўқитган;

8. 1874 йили қурилган Андижоннинг Қорамулла маҳалласидаги Мулла Сўфи домулла мактабида 20 нафар ўғил бола ва 10 нафар қиз бола ўқиган¹³⁴.

Наманган уезди бошлиғининг Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига жўнатган “Наманган уезди ўқув юртларининг 1887 ва 1888 йиллардаги рўйхати”да 42 та мадраса, 40 та қорихона ва 296 та мактаб тўғрисида ахборот берган. Бу ҳужжатда ҳам Андижон уезди мактаблари рўйхатидаги маълумотлар каби ахборот берилган. Энг муҳими, жадвалда мактабнинг ташкил топган йили кўрсатилган. Бу маълумот ёрдамида Наманган уездида, собиқ хонликнинг Наманган беклигидаги мактабларни аниқлаб олиш мумкин.

Рўйхат таҳлили шуни кўрсатадики, Наманган беклигида хонлик йилларида 156 та мактаб бунёд этилган. Қўқон хонлиги Россия томонидан босиб олингандан кейин, яъни 1877 – 1887 йилларда барпо этилган мактаблар 68 та бўлган. Бундан ташқари, жадвалда 59 та мактабнинг ташкил этилган йили кўрсатилмаган. Шундай қилиб, жадвалда жами 296 та мактаблар тўғрисида маълумот берилган¹³⁵.

Наманган уезди мактаблари рўйхатидаги маълумотларга қараганда, XIX асрнинг 20-йилларига қадар Қўқон хонлиги Наманган беклигида кўпи билан 10 тадан ортиқ мактаб бунёд этилган. Жумладан, 1807 йили қурилган Кепип волости Жийдакапа қишлоғидаги Қирғизбой оқсоқол мактаби; 1808 йили бунёд этилган Наманган шаҳри Лаббайтоға даҳасидаги Неъматжон девонбеги ҳамда Косон волости Косон қишлоғидаги Кўктанлик ота; Чодак волости Тошқўрғон маҳалласидаги Терговчи, Нанай волости Заркент қишлоғидаги Изар Алимбоев мактаблари шулар жумласидандир.

¹³⁴ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12206-иш, 2 – 11-варақлар.

¹³⁵ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12206-иш, 145 – 160-варақлар.

Наманган беклигидаги мактаблар Қўқон хонлигининг бошқа бекликлари мактабларидан фарқли, ўзига хос томонлари бўлган. Яъни XIX аср Қўқон хонлиги Наманган беклигидаги мактабларнинг кўпчилиқ қисми, 156 та мактабдан 93 таси, масжидлар қошида фаолият юритган¹³⁶.

Наманган уезди ўқув юртларининг Фарғона вилоятининг бошқа уездларидаги таълим муассасалари маълумотларидан ажралиб турадиган яна бир муҳим томони шундаки, унда ўқитувчиларнинг хонадонида ташкил қилинган мактаблар кўрсатилган.

Айрим мактабдорлар ўз ҳовлисида мактаб учун махсус бино курдириб, унда ўзи болаларга сабоқ берган. Ҳужжатда XIX аср Қўқон хонлиги Наманган беклигига тегишли 15 та шундай мактаблар рўйхатга олинган. Масалан, 1834 йили ташкил этилган Олмос волости Ғова қишлоғидаги Эшон бобо мактабида 23 нафар бола ўқиган. Шунингдек, 1855 йили бунёд этилган Ашт волости Гудас қишлоғида Жуманбой хонадонидаги мактабда 22 нафар бола ўқиган¹³⁷. Бундай мактаблар анчагина бўлиб, уларда 30 нафаргача ўқувчилар ўқиган.

Ҳужжатда уезддаги 10 тага яқин қиз болалар мактаби ҳам рўйхатга олинган. 1858 йили бунёд этилган Варзин волости Варзин қишлоғидаги қизлар мактаби Ҳамида отин Набиева хонадонида фаолият кўрсатган. Мактабда 18 нафар қиз отинойидан сабоқ олган. Бундан ташқари, ўндан ортиқ шу каби отинойилар хонадонида очилган қизлар мактаблари рўйхатга олинган. Мавжуд маълумотлар Наманган беклигида мактабдорлар томонидан ўз ҳовлисида хусусий мактаб очиб болаларни ўқитиш Андижон беклигига нисбатан анча кенг тарқалганини кўрсатади.

Уезд ҳокимлари томонидан тузилган рўйхатларда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мактабларнинг вақф мулклари мадрасаларникига нисбатан жуда кам бўлган. Қўқон шаҳри мактабларини

¹³⁶ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12206- иш, 153 – 159-варақлар.

¹³⁷ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12206- иш, 151 – 152-варақлар.

таъмирлашга, ўқитувчига болаларни ўқитганлиги учун шаҳар тадбиркорларининг ихтиёрий равишда имкониятига қараб берган хайр-эҳсони ҳисобидан ҳақ тўланган. Масалан, Қўқон шаҳрининг Худойқул Баҳодир, Саидқулбек, Мулла Башман, Ислон мирза, Утаб баковул, Азим қўшбеги¹³⁸, Ҳайдарқул сўфи, Шайхон, Мулла Худоёр маҳаллаларидаги мактабларнинг вақф мулки бўлмаган, ота-оналар ҳам болаларини ўқитганлиги учун ҳақ тўламаган, бироқ мактабларнинг барча сарф-харажатлари тадбиркорларнинг ихтиёрий равишда, имкон борича берган ҳадяси ҳисобидан қопланган. Шаҳардаги вақф мулки йўқ барча мактаблар ҳам эҳтиёжини шу йўл билан қондирган.

Қўқон уездининг Сўх волости Равон, Сариканда қишлоқлари мактабларининг вақф мулки бўлмаган, ота-оналар болаларини ўқитгани учун ҳар бири ўқитувчига 4 чаксадан буғдой берган¹³⁹. Бешариқ волостининг 5 та мактаби, Маҳрам волостининг 7 та мактабининг вақф даромади йўқлиги учун ота-оналар ўқитувчиларга 1 – 1,5 пуддан буғдой берган¹⁴⁰.

Айрим ҳолларда мактабга маҳалла жамоаси пул йиғиб ёрдам қилган ва мактаб шу ёрдам пули ҳисобидан сарф-харажатларини қоплаган. Масалан, Риштон волостининг Жиганобод, Авазбой қишлоқлари мактабларининг ҳар бирига маҳалла жамоаси 20 рублдан пул ёрдам қилган. Шу маблағ ҳисобидан мактаб сарф-харажатларини таъминлаган. Гандиган маҳалласидаги мактабга маҳалла жамоаси 14 рубль, Якка Қайрағоч маҳалласидаги мактабга маҳалла аҳли 16 рубль эҳсон қилган¹⁴¹.

Бачқир участкаси Қипчоқ волостининг Яшик, Қум, Бой-бича, Тумор, Қияли, Оқжар, Турк, Топдик, Капа, Абу Самад, Катта Каламуш қишлоқлари мактаб ўқитувчиларига ота-оналар фарзандларини ўқитганлиги учун

¹³⁸ Қўшбеги (м.-т.) – ҳарбий қўшиннинг бошлиғи. Юриш ва жанг вақтларида берилиб, унинг эгаси мингбошилиқ унвонини олишга даъво қилади. Қўшбеги мансабига кўтарилган зот алоҳида вилоятга ҳоким бўлиши мумкин эди. Умархон даврида Ражабхон қўшбеги, Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги вақтида Муҳаммад Шариф қўшбеги, Мирзо Аҳмад қўшбеги алоҳида ўрин эгаллаганлар.

¹³⁹ ЎЗР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12554-иш, 18 – 19-варақлар.

¹⁴⁰ ЎЗР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12554-иш, 24 – 25-варақлар.

¹⁴¹ ЎЗР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12554-иш, 22 – 23-варақлар.

имконият даражасида ҳақ тўлаб турганлар. Масжид мактабларида болаларни масжид имоми ўқитган. Масжид вақф даромадидан имом маош олган. Имом-ўқитувчи сахийлик қилиб болаларни ўқитгани учун ота-оналардан меҳнат ҳақи талаб қилмаган. Масалан, Найман волостининг Бой Туман қишлоғидаги мактабнинг вақф мулки бўлмаган, мактаб ўқувчиларини имом бепул ўқитган¹⁴².

Юқорида келтирилган Қўқон уезди бошлиғи ҳужжатидаги далиллардан маълум бўладики, Қўқон хонлиги Қўқон беклиги мактабларида ўқув, таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйишда вақф мулки ва даромадининг ўрни катта бўлган. Вақф даромади мактабнинг моддий базаси ҳисобланган. Вақф мулки бор мактабларда ўқитувчи маоши, мактаб биносини таъмирлаш ишлари вақф даромади ҳисобидан амалга оширилган.

Мактабларда ўқитувчига болаларни ўқитгани учун ҳақ тўлаш тартиби ҳар хил бўлган. Ўқитувчига ҳақ тўлашнинг қатъий белгиланган меъёри йўқ эди. Ўқитувчи маошсиз ҳам қолмаган. Масжид қошидаги мактабларда имом масжид вақфи даромадидан ҳақ олиб болаларни бепул ўқитган. Ота-оналар имконият даражасида муаллимни ғалла, пул ёки бошқа совға-саломлар билан таъминлаб турган. Жойларда мактаб ўқитувчисига вақф даромади, маҳалла жамоаси ва тадбиркорлар хайриясидан мактаб ўқитувчисига маош тайинланган.

Ёшлар ўқишини ота-оналардан ташқари маҳалла жамоаси, тадбиркорлар, руҳонийлар ижтимоий-маиший томондан қўллаб-қувватлаши натижасида, мактабда ўқув ишлари, болаларга билим ва тарбия бериш яхши йўлга қўйилган эди. Хонликнинг барча ёшлари мактабда чуқур билим олиши, ёппасига саводхон бўлиши, уларнинг бир қисми мадрасаларда ўқиб, диний ва дунёвий илм асосларини эгаллашлари учун Қўқон хонлигида катта имкониятлар яратилган.

¹⁴² ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12554-иш, 19 – 20-варақлар.

XIX асрнинг 60-йилларидан Туркистон ўлкасида анъанавий маҳаллий мактаблар билан бир қаторда рус ҳукумати томонидан ташкил этилган бошланғич мактаблар ҳам фаолият юрита бошлаган. Илк бор 1860 йили Перовскда очилган ўғил ва қиз болалар саводини чиқаришга мўлжалланган мактаблар тез орада бутун ўлка бўйлаб тарқалди¹⁴³.

Юқорида келтирилган тарихий фактлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Қўқон хонлигидаги мактаблар ҳам қадимий тарихга эга. 1586 йили Андижон беклигининг Балиқчи қишлоғида жойлашган Гўровон мавзеидаги Хожа Назир оталиқ мактаби бунинг ёрқин далилидир. Шаҳарлар ва қишлоқларда ўз маблағи ҳисобидан қурилган мактаблар билан бирга ўз фарзандлари учун бунёд этилган махсус мактабхоналар ҳам фаолият кўрсатган. Масжидлар қошидаги мактаблар, одатда, масжид вақф мулки даромадидан фойдаланган ва масжид имоми ёки сўфиси масжиддан маош олганлиги учун одатда, мактабда болаларни бепул ўқитган.

Хонликдаги мактабларни уч турга бўлиш мумкин:

1. шаҳар ва қишлоқларда бунёд этилган мактаблар;
2. масжидлар қошида очилган мактаблар;
3. мактабдор хонадонидан очилган хусусий мактаблар.

Хонлик даврида ўғил болалар ва қизлар алоҳида-алоҳида ўқиган. Қизлар отинойи ҳовлисида барпо этилган мактабда отинойидан сабоқ олган. Отинойиларнинг қизлар мактабларида истисно тарзида қизлар билан бирга вояга етмаган ўғил болаларга ҳам таълим берилган.

Мактабларда ҳақ тўлашнинг қатъий ойлик ёки йиллик меъёри бўлмаган. Айрим мактабларга мулкдорлар вақф мулки таъсис этган. Ўқитувчи вақф мулки даромадидан маълум миқдорда маош олган. Масжид қошидаги мактабларда ҳам масжид вақф мулки даромадидан ўқитувчига

¹⁴³ Граменицкий С.М. Очерки развития народного образования в Туркестанском крае // Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. Издание Сыр-Дарьинского областного статистического комитета. / Под ред. И.И.Гейера. Т.4. – Ташкент: Типо-литография торгового дома Ф. и Г. Бр. Каменские, 1896. – С.2.

маош ажратиб берилган. Вақф мулки йўқ мактабларда ота-оналар, маҳалла жамоаси, ўқитувчига болаларни ўқитгани учун маҳсулот (асосан ғалла) ва пул билан ҳақ тўлашган. Бундан ташқари, ота-оналар одат бўйича пайшанбалик, ҳайитлик, бирор-бир китобни тугатгандан сўнг ўқитувчига совғалар қилиб турган. Мактабни битирганларнинг айримлари усталарга шогирд тушиб ҳаёт кечиришга киришган. Бир қисми эса мадрасаларда ўқиган ҳамда келажакда олимлар, шоирлар, ёзувчилар ва бошқа соҳаларнинг етук мутахассислари, давлат арбоблари бўлиб етишган.

2.2. Қўқон хонлигида мадрасалар ва уларнинг хонлик маданий-маънавий ҳаётида тутган ўрни

Маълумки, таълим соҳаси маданий-маънавий ҳаётнинг ҳаракатлантирувчи кучи, унинг муҳим пойдеворидир. Шундай экан, ўтмишда аجدодларимизнинг саводхонлиги, маданий-маънавий ҳаёт даражасига баҳо бериш, ўз навбатида, мактаб ва мадрасалар фаолияти, уларнинг аҳоли кундалик турмуш тарзида тутган ўрнини тадқиқ этишни талаб қилади. Ватанимиз дунёга нафақат илму-уламолар юрти сифатида, балки мадрасалари билан ҳам донг таратган. Дастлаб масжидлар, устозларнинг уйлари дарсхоналар вазифасини ўтаб турди. Кейинроқ эса мадрасалар таълим маскани сифатида мусулмон ўлкаларида бирин-кетин пайдо бўла бошлади. Мадраса ҳақида аксарият ислом энциклопедияларида деярли бир хил таъриф берилган¹⁴⁴. Унга кўра, исломнинг тарқалиши билан боғлиқ бўлган олий ўқув юртининг мадраса таълими услуби бутун мусулмон оламига кенг ёйилган кейинги асрларда унинг таъсирида Европада ҳам XII – XIII асрларга келиб илк университетлар пайдо бўлган.

¹⁴⁴ Қаранг: Мадраса (медресе) // Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С.149; Мадраса // Ислам. Энциклопедия. А-Х / З.Хусниддинов таҳрири остида. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2004. – Б.147.

Ислом оламидаги илк таълим масканлари масжидлар қошидаги фикҳ мактаблари ва “Дор ал-ҳадислар” негизида шакллана бошлаган бўлса, илк мадрасалар VII – VIII асрларда ислом дини уламолари мусулмон илоҳиёти масалаларини шарҳлаб бериб турадиган марказ сифатида Араб халифалигининг йирик шаҳарларида пайдо бўлган. Мадрасалар IX – XIII асрларда халифаликнинг маданий-маънавий ҳаёт ривожланган кўплаб ҳудудларида, жумладан, Ўрта Осиёда тарқалди. Абу Бакр Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида келтирилишича, Бухородаги илк мадрасалардан бири – Фаржак мадрасаси 937 йили шаҳарда юз берган ёнғинда зарар кўрган эди. Самарқанддаги қадимий мадрасалардан бири XI асрда, қорахонийлардан бўлган Тамғач Буғрохон Иброҳим томонидан Шоҳизинда таркибида бунёд эттирилган¹⁴⁵.

Амир Темур ва темурийлар даврига келиб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳалар ривожланди. Мадрасалар биноларини қуриш ва таълим тизими ҳам янги босқичга кўтарилди. Бу анъаналар шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида ҳам қисман давом этди. Мазкур даврда қурилган мадрасалар нафақат олий таълим маскани, балки ўша даврдаги халқимизнинг иқтисодий ва маданий тараққиётини кўрсатувчи, жаҳон тамаддунининг бетакрор меъморий дурдоналари даражасига кўтарилган эди. Шу ўринда темурийлар даври мадрасаларида таълим тизими, ўқитиш анча юқори савияда бўлгани, XVII асрдан кейин эса мадрасалардаги таълим савияси пасайиб борганини таъкидламоқ зарур. Хусусан, мадрасаларнинг дарсликлар тизимида катта ўзгаришлар юз берди. Аниқ ва табиий фанларга нисбатан диний фанларга эътибор кучайтирилиб, мадрасалар тор доирадаги диний-схоластик дарсликларни ўқитишга мослашиб қолди.

XVIII аср бошида Фарғона водийсининг шимолий қисмида ташкил топган Қўқон хонлиги XIX аср ўрталарига келиб шимолда Россия империяси,

¹⁴⁵ Мадраса // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2003. – Б.377.

ғарбда Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги, шарқда Шарқий Туркистон билан чегараланган катта давлатга айланган эди¹⁴⁶. Хонлик маъмурий жиҳатдан 15 та бекликка бўлинган, ҳокимлар ҳарбий кучлар қўмондони, айтилиши вақтда, маъмурий бошқарувга масъул ҳисобланган¹⁴⁷.

XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлигида ўзига хос илмий-маданий муҳит яратган маърифатпарвар ҳукмдор Амир Умархон илм, маданият, санъат, адабиёт ва турли касб-ҳунарларнинг ривожига катта эътибор берган.

Умархоннинг бу борадаги рағбатини Ибрат ўзининг “Фарғона тарихи” асарида Жомеъ мадрасаси пойдеворида ғишт қўйиш маросими тавсифида қуйидагича таърифлайди: “Умархон асринда мадраса қилмоқ расм ўрнинда бўлуб, хон ўзи бошлаб, Хўқанддаги мадрасаси Жомеъни биносига урунуб, асосга тош қўймоқ бўлганда, уламо ва фузало ва умароларни акобири вилояти Хўқанд жам бўлганда, асосга тош қўядургон кишига балоғатдан буён тарки мустаҳаб содир бўлмаган киши борму, тош қўёдур деганда, ҳеч ким қодир бўлмай ожиз келганда, хон ўзи: “Алҳамдулиллоҳ, ман тарки мустаҳаб қилганим йўқ экан!” – деб, асосга тошни ўзи қўйганда, уламои аср иттифоқ илан “жаннатмакон” лақабини берган эканлар”¹⁴⁸.

Дарҳақиқат, Умархоннинг маданий-маърифий ҳаётни ривожлантириш йўлидаги хизматлари кейинчалик Россия империяси маъмурлари тарафидан ҳам эътироф этилган. Жумладан, Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовской қайд қилганидек: “...тахтга Умархон ўтирганидан сўнг, Қўқон хонлиги ўзининг олтин даврини бошидан кечирган ва биринчи марта Туркия билан дипломатик муносабатлар ўрнатган, бундан ташқари, у ерда янги мусулмон маркази вужудга келганки, у мадрасаларининг бинолари,

¹⁴⁶ История Узбекистана. Т.III (XVI – пер. пол. XIX вв.) – Ташкент: Фан, 1993. – С.205, 213. Қўқон хонлигида ҳокимият ва дин масалаларига янги ҳаёт шакли ва фикр-мулоҳазалар ҳақида қаранг: Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Токио-Ташкент, 2010. – 742 с.

¹⁴⁷ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.49.

¹⁴⁸ Ибрат. Фарғона тарихи. Мерос туркуми. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б.289 – 290.

мударрисларнинг билимдонлиги ва таҳсил олувчи муллаларнинг сони бўйича Бухоро маркази билан беллаша оларди”¹⁴⁹.

Маълумки, жаҳон цивилизациясида шаҳар маданиятининг ўрни катта ҳисобланади. Шу жумладан, Қўқон хонлигининг Қўқон, Тошкент, Андижон, Наманган, Марғилон, Ўш ва бошқа шаҳарлари қадимдан сиёсий, иқтисодий, маданий марказ сифатида ном қозонган. Ушбу шаҳарлар маданий-маънавий ҳаётида, иқтисодий муносабатларда вақф мулклари ўзининг муносиб ўрнига эга бўлгани шубҳасиз. Шу жиҳатдан хонликдаги мадрасалар сони XIX асрдаёқ сайёҳлар ва тадқиқотчилар билан бирга империя маъмурларини ҳам доимо қизиқтириб келган.

Қўқон хонлиги бошқаруви йилларида мадрасаларнинг умумий сонини аниқлаш мақсадида уларни рўйхатга олиш ишлари бажарилгани ҳақида маълумотлар йўқ. Тарихий асарларда ҳам хонлик шаҳарларидаги мадрасаларнинг умумий сони билан боғлиқ аниқ маълумотни олиш қийин. Фақатгина у ёки бу шаҳар хусусида тўхталган маҳаллий муаллифлар айтиши шу шаҳарлардаги мадрасаларни тилга олиб ўтган. Масалан, тошкентлик муаррих Муҳаммад Солиххўжа ўз шаҳридаги йигирмага яқин мадраса номи, жойлашган ўрни, биноси ва қурилиши ҳамда вақф мулклари билан боғлиқ маълумотларни келтириб ўтади¹⁵⁰ (1-иловага қаранг). Шу сабабли улардаги мавжуд маълумотлар таҳлилигина бу борада тахминий тасаввурни бера олади. Тарихчи олим Ш.Воҳидов Қўқон хонлиги тарихнавислигига бағишланган тадқиқотларида маҳаллий тарихий асарлар ва бошқа туркум манбалардаги маълумотларнинг қиёсий таҳлили асосида XIX аср ўрталарида Қўқон хонлигининг ўзида 350 дан ортиқ мадраса мавжуд бўлгани ҳақида ёзади¹⁵¹. Табиийки, бу мадрасаларнинг аксарияти хонлик шаҳарлари, қисман йирик қишлоқлари ҳиссасига тўғри келган.

¹⁴⁹ ЎзР МДА. 461-фонд, 1-рўйхат, 1260-иш, 3 – 8 varaқлар.

¹⁵⁰ Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи тошканд” асари. – Б.143.

¹⁵¹ Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.109.

Мамлакат пойтахти Қўқон шаҳри 540 та маҳалладан ташкил топган бўлиб, XIX асрнинг биринчи ярмида 15 та йирик мадраса фаолият кўрсатган¹⁵². Ёзма манбалар, тарихий ҳужжатлар ҳамда архив материаллари устида олиб борган изланишларимиз жараёнида эса XIX асрнинг бошидан 70-йилларига қадар Қўқон шаҳрида ишга туширилган 40 дан ортиқ мадрасалар аниқланди. (2-иловага қаранг).

Хонликнинг сиёсий-иқтисодий марказларидан бўлган Андижонда ҳам Қўқон хонлиги бошқаруви йилларида жуда кўплаб мадрасалар қурилди. Архив материалларига қараганда, 1826 – 1873 йиллар мобайнида Қўқон хонлигининг Андижон беклигида 26 та мадраса барпо этилган. Шулардан 16 та мадраса Андижон шаҳрида, қолганлари йирик қишлоқларда барпо этилган. Хонлик даврида қуйидаги мадрасалар қурилган ва фаолият кўрсатган: Абдурахмон офтобачи¹⁵³, Абдухоликбой, Азимхўжа Мирзахўжа эшон, Бердихўжабек, Боқибой, Жомеъ, Зулфиқорбек, Зуннунбек, Исо додхоҳ¹⁵⁴, Маҳмудалибой, Мулла Абдусаттор, Мулла Олимқул, Мусулмонқул, Муҳаммад Раҳим, Муҳаммад Холик, Насриддинбек, Оқмасжид, Тоғайхўжа, Чувама, Чуқур масжид, Ўринбой, Қўқон қишлоқ, Холбек қўшбеги мадрасалари¹⁵⁵.

Андижондаги хонлик даврида қурилган илк мадрасалардан бири Раҳмонқулибой мадрасаси ҳисобланади. Бу мадраса ўз замонасининг йирик амалдорларидан бири – Раҳмонқулибой томонидан 1223/1808 йили қурдирилган¹⁵⁶.

Қўқон хонлиги даврида Марғилон хонликнинг энг ривожланган шаҳарларидан бири бўлиб, унинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида

¹⁵² История Узбекистана. Т. III (XVI – пер. пол. XIX вв.). – Ташкент: Фан, 1993. – С. 220.

¹⁵³ Офтобачи (ф.) – хоннинг хос мулозимларидан, унинг ювиниши ва таҳорати вақтида хизмат қилган.

¹⁵⁴ Додхоҳ (ф.) – сарой унвонларидан, хонга фуқароларнинг арз-шикоятларини, истак ва мақсадларини етказиб турувчи шахс.

¹⁵⁵ ЎЗР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12554-иш, 29 – 47-варақлар.

¹⁵⁶ Алимов И., Тўхтабоев Б., Эркаев Э. Андижон мадраса ва мактаблари тарихидан. – Тошкент: Вектор-Пресс, 2009. – Б. 13.

алоҳида ўрин эгаллаган. Шунинг учун бу шаҳарга, одатда, ҳоким қилиб шахзода ёки ҳукмрон сулолага энг яқин киши тайинланган. Марғилон беклигида ҳам катта ва кичик мадрасалар бўлган. Хусусан, 1875 йилги қайдларга қараганда, Марғилонда 75 та мадраса бўлган. Шулардан Абдурахим қози (Кўнжак мадрасаси, 1828), Марозиқ қози (1835), Ҳасанхожа қозикалон (Қозикалон, 1846), Содикбой (1849), Бобоҳон қози, Абдукаримбой домулла (1861), Исмоил махсум (1865), Ёр оталиқ каби ўттизга яқин мадрасалар хонлик даврида бунёд этилган, бу илм масканларида 500 дан ортиқ тингловчилар таҳсил олганлар¹⁵⁷. Айрим қадимий мадрасалар қайтадан қурилган. Масалан, 1873 йилга оид бир вақфномадаги маълумотга кўра, Марғилондаги Подшоҳ Искандар мазори яқинидаги мадраса ва масжид 826/1423 йили Муҳаммад шайх томонидан бунёд этилган. Ушбу иншоотлар Султон Муродбек Марғилон ҳокими бўлиб турган вақтда унинг буйруғи билан Дўстмуҳаммад понсадбоши¹⁵⁸ томонидан қайтадан қурдирилган¹⁵⁹.

Наманган шаҳрида хонлик даврида Саййидқулибек (1820), Махсум эшон (1850), Баҳодирхўжа эшон (1850), Муллатош домулла (1851), Меҳмонхон тўра (1855) мадрасалари фаолият юритган. Йирик мадрасалардан бири Умархон ва Муҳаммад Алихон даврида мамлакат шайхулисломи бўлган Зокирхўжа эшоннинг ўғли Маъруфхон тўра шайхулислом томонидан 1858 йили Сардоба маҳалласида бунёд этилган. Бугунги кунда мадрасанинг ўндан ортиқ ҳужжатлари сақланиб қолган бўлиб, улар орасида 1286/1869 – 1870 йили Худоёрхон томонидан солиқлардан озод қилиш ҳақидаги ёрлик ҳам мавжуд¹⁶⁰. Шунингдек, Худоёрхон томонидан 1870 йили Чустда ҳам мадраса ишга туширилган.

¹⁵⁷ ЎзР МДА. И. 47-фонд, 1-рўйхат, 328-иш, 36 – 42-варақлар.

¹⁵⁸ Понсадбоши (ф.-т.) – беш юз нафар аскардан иборат гуруҳнинг раҳбари.

¹⁵⁹ Набиев Р. Вақфное хозяйство Кокандского ханства. – Ташкент: Институт истории народов Средней Азии имени Махпират, 2010. – С.236.

¹⁶⁰ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34865-иш, 36 варақ. Яна қаранг: Набиев Р. Вақфное хозяйство Кокандского ханства... – С.162.

Архив маълумотларига қараганда, XIX асрнинг 80-йилларида Ўш уездида 8 та мадраса қайд қилинган, уларнинг деярли барчаси хонлик даврида барпо этилган¹⁶¹. Ўшда Иса додхоҳ (1836), Оқйўлбой (1839), Холмирзабек (1856), Эшмуҳаммадбой (1874) мадрасалари энг йириклари ҳисобланган. Ўш шаҳридаги Сой ёқасида Абдуллабек додхоҳ Олимбек парвоначи томонидан бунёд этилган мадраса дарсхона, 28 та ҳужра ва хонақоҳдан иборат бўлган. 1292/1875 йили Худоёрхон ёрлиғи билан мадрасанинг вақф мулклари солиқ ва давлат мажбуриятларидан озод этилган¹⁶².

Россия империяси истилосидан сўнг хонликдаги мадрасалар сонини расмий-статистик ҳисобот шаклида ҳисобга олиш йўлга қўйилди. Чунки генерал-губернатор Кауфман мактаблардан ҳам кўра кўпроқ мадрасалар хавфли эканини қайд этган, чунки мадрасалар олий диний ўқув юрти ҳисобланиб, азал-азалдан олим, фозилу фузало, алломалар ҳамда ўз замонасининг донишмандларини етиштириб берган. Генерал-губернатор мадрасалар фаолиятига қуйидаги тарзда баҳо беради: “Мадрасалар мусулмон диний зодагонлари кучи ва имтиёзларини муҳофаза қилувчи муассасалар сифатидаги муҳим сиёсий вазифадан ташқари бугунги кунда ҳам мусулмон тарғиботининг маркази ва ўчоғи сифатидаги бошқа асосий ролни бажариб келмоқдалар”. Кауфман ана шу сабабдан ҳам мадрасалар аҳамиятини ўлкада тез орада йўққа чиқариш керак деб ҳисоблаган эди.¹⁶³ Архив ҳужжатларига қараганда, бу даврда хонликнинг марказий шаҳарлари: Қўқонда 34 та, Тошкентда 21 та, Марғилонда 17 та, Андижонда 15 та, Наманганда 11 та, Ўшда 5 та мадраса фаолият кўрсатгани тилга олинса-да, бу рақамлар жуда тез ўзгариб турганини ёдда тутиш лозим¹⁶⁴ (3-иловага қаранг).

¹⁶¹ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12554-иш, 50 – 51 varaқлар.

¹⁶² ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34948-иш, 4-варақ.

¹⁶³ Комилов О.К. XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистон миллий маорифидаги ўзгаришлар: Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент: Ўз МУ, 2009. – Б.25.

¹⁶⁴ Ўз Р МДА. И.47-фонд, 1-рўйхат, 328-иш, 30 – 34 varaқлар.

Айниқса, хонликнинг йирик шаҳарларидан бири, 1865 йили босиб олинган Тошкентдаги мадрасалар сони борасида бирмунча аниқ фактлар тўпланган. Хусусан, XIX асрнинг 60-йиллари охирида Тошкентда бўлган муаллифлар А.П.Хорошхин 17 та, П.И.Пашино эса 15 та мадрасани қайд қилган, ўлкашунос Н.А.Маев 1876 йили Тошкентда жами 11 та мадраса мавжудлигини тилга олган. “Туркестанские ведомости” газетасининг 1876 йил 48-сонида Тошкент мадрасалари тўғрисида берилган расмий маълумотда эса 13 та, Туркистон ўлкаси таълим тизимини ўрганган К.Е.Бендриковнинг тадқиқотида 14 та мадраса тилга олинган¹⁶⁵.

Сирдарё вилояти бошқармасига тегишли 17-фонддан ўрин олган хужжатлар таҳлили Тошкент шаҳрида 1865 йилга қадар йигирмадан ортиқ мадраса фаолият юритганидан дарак беради. Улар орасида Хожа Аҳрор, Юнусхон, Бароқхон, Кўкалдош мадрасалари XV – XVI асрларда қурилган бўлса, Лашкар бегларбеги, Эшонқули додхоҳ, Мўйи Муборак, Нормухаммад кўшбеги, Маҳмуд дастурхончи¹⁶⁶ мадрасалари айнан Қўқон хонлиги бошқаруви йилларида бунёд этилиб ишга туширилган. Маълумотларга қараганда, айрим мадрасалар қадимий бинолар ўрнида қайта қурилган (масалан, Мўйи Муборак, Жуманбий, Бўрихўжа мадрасалари)¹⁶⁷.

Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, шаҳарлардаги мадрасаларнинг фаолияти доимий бўлмаган ва уларнинг сони тез-тез ўзгариб турган. Иқтисодий муаммолар туфайли айрим мадрасалар ўз фаолиятини тўхтатган, ўз навбатида, янгиларини қуриш ҳам давом этган. XIX асрда Туркистоннинг бир қанча шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, бу ердаги аҳолининг мадрасалар қурилишига бўлган эътиборини кўрган Ҳ.Вамбери

¹⁶⁵ Хорошхин А.П. Очерки Ташкента // Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – С.86 – 92; Пашино И.П. Туркестанский край в 1866 году. – СПб.: Б.и., 1868. – С.159; Маев Н.А. Азиатский Ташкент // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып.IV. – СПб.: Б.и., 1876. – С.263 – 266; О школьном образовании у магометань Средней Азии. Ч.2. // Туркестанские ведомости. 1876. – №48; Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане... – С.51.

¹⁶⁶ Дастурхончи (ф.-т.) – хон дастурхонига, умуман, ошхонасига жавобгар мансаб.

¹⁶⁷ Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари... – Б.163.

аҳолининг ўқув масканлари қуриш ва уларни молиявий жиҳатдан таъминлаш ишига доимо тайёр эканига ҳайрон қолган эди¹⁶⁸.

Мавжуд маълумотлар таҳлилига қараганда, 1878 йил Фарғона вилоятида хонлик давридаги вақфнома ҳужжатларини рўйхатга олиш комиссиясининг берган ҳисоботида кўра, Қўқон шаҳри ва уездида жами 36 та мадраса борлиги аниқланган. Ушбу мадрасалар ўзининг вақф мулкларига эга бўлган¹⁶⁹. 1893 йилга келиб эса хонликнинг собиқ ҳудудларидаги мадрасаларнинг умумий сони 164 тани ташкил этган, ўша вақтда Туркистон ўлкасидаги жами 227 та мадрасанинг ярмидан ортигини ташкил қилган. Шундан Қўқон шаҳрида 34 та, Марғилон шаҳрида 28 та, Тошкент шаҳрида 21 та, Андижон шаҳрида 17 та, Наманган шаҳрида 10 та, Ўш шаҳрида 5 та мадраса бўлиб, қолганлари қишлоқ ҳудудларига тўғри келган. Албатта, тилга олинган маълумотлар, асосан, шаҳарлардаги мадрасаларга тааллуқли, ўлканинг ҳудудий идоралари расмий ҳисоботларида ва ҳозирга қадар амалга оширилган тадқиқотларда қишлоқлардаги мадрасалар сони ва фаолияти аниқлаштирилмаган. Мазкур масалани диссертация доирасида мадрасаларнинг тарихий ҳужжатлари – вақфномалари устида олиб борган тадқиқотларимиз жараёнида аниқлашга ҳаракат қилдик.

Бугунги кунгача амалга оширилган тадқиқотлар хулосаларига қараганда, мадрасалар ташкил топиш сабабларига кўра қуйидаги уч гуруҳга бўлинган¹⁷⁰:

1. Хон мадрасалари. Хон, унинг оила аъзолари, сарой амалдорлари томонидан қурдирилган йирик мадрасалар. Бундай мадрасалар, асосан, пойтахт ва йирик шаҳарларда қурилган. Қўқондаги Норбўтабий томонидан

¹⁶⁸ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Описание поездки из Тегерена через Туркестанскую степь по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару, Самарканд совершённой в 1865 г. Арменом Вамбери, членом Венгерской академии. – СПб., 1865. – С.164.

¹⁶⁹ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 22693^а-иш, 18 – 19 varaқлар.

¹⁷⁰ Керенский Ф.М. Медресе в Туркестанском крае. – СПб.: Б.и., 1892. – С.5. Яна қаранг: Шамсутдинов Р., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи (XIX аср охири ва XX аср бошлари). – Андижон: Нашриётсиз, 1995. – Б.46.

қурилган Мадрасаи Мир (1799), Норбўтабекнинг рафиқаси Иззатбиби қурдирган Мингойим (1805), Амир Умархон барпо этган Жомеъ (1813), Муҳаммад Алихон фармониға биноан қад ростлаган Муҳаммад Алихон (1827), Нодирабегим ҳомийлигида қурилган Моҳларойим (1840), Ҳокимойим мадрасаси¹⁷¹ (1869), Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган каби шаҳар ҳамда қишлоқларда Худоёрхон, Султон Муродбек, Насриддинбек ҳамда бошқа шахзодалар томонидан кўплаб мадрасалар бунёд этилган.

Қўқон ва Қувада мадраса қурдирган Муҳаммад Алихон, “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида келтирилишича, XIX асрнинг 30-йилларида Тошкент шаҳрида ҳам бир мадраса барпо этган¹⁷². Аммо мазкур мадраса ҳақида маълумотлар кам. Худоёрхон эса ўз ҳукмронлиги чоғида пойтахтдагина эмас, балки хонликнинг шаҳар ва қишлоқларида бунёдкорлик ишларини амалга оширди ҳамда бир қатор мадрасаларга ўз ҳисобидан вақф мулклар ажратиб, уларни солиқ ва мажбуриятлардан озод қилди. Масалан, 1291/1874 – 1875 йили Шоҳобод ва Чустда мадраса бунёд этиб, вақф мулклари билан таъминлади.

Мадрасаларнинг қурилиш ишлари хон саройи ва шахзодалар хўжалик ишларини юритувчи шахслар томонидан олиб борилган. Улар қурилишни маблағ, ишчи кучи ҳамда керакли ашёлар билан таъминлаш учун масъул бўлган¹⁷³. Жумладан, Худоёрхоннинг юқорида тилга олинган Шоҳобод қишлоғидаги мадрасаси қурилишига хоннинг молия вазири Исо Авлиё бошчилик қилган¹⁷⁴. Тарихий ҳужжатлар ва ўша давр ёзма манбаларида Саййидқулибек, Мусулмонқули мингбоши, Лашкар кўшбеги, Қаноат оталиқ, Мирзо Аҳмад кўшбеги, Абдурахмон офтобачи каби хоннинг яқин

¹⁷¹ Мазкур мадрасанинг қурилишига бағишлаб шоир Муҳаммад Ниёзий иккита тарих ёзиб, “Мазҳари уламо” ва “Маъдани фузало” иборалари орқали йилини берган. Батафсил қаранг: Умидий. Тарихчайи Туроний // Қўлёзма. Ш.Воҳидовнинг шахсий кутубхонаси. №250. – Б.123 – 124; Тарихи Шахрухий // Тошбосма (Цензура учун босилган нусха). – СПб., 1875. – Б.315.

¹⁷² Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари... – Б.146.

¹⁷³ Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худояр-хана). Ташкент: Фан, – С.220 – 221.

¹⁷⁴ Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства... – С. 223.

амалдорлари томонидан бунёд этилган мадрасалар шулар жумласидан бўлиб, уларнинг сони жуда кўп бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Муҳаммад Алихоннинг вазирларидан бири Маҳмуд дастурхончи ўз фаолияти йилларида Қўқон, Тошкент, Андижон ва Чуст шаҳарларида тўртта мадраса барпо қилиб, катта миқдордаги вақф мулклари ажратган эди¹⁷⁵. Бу ўринда Худоёрхоннинг ёшлик йилларида амалда мамлакатни қаттиққўллик билан бошқарган Мусулмонкул мингбошининг ҳам бир неча мадрасалар қурдиргани эътиборга молик. Жумладан, “Худоёрхон тахтга ўлтурғонининг тўққизинчи йили қадимги хонларнинг эски ўрдаси ўрнига Мусулмонкули Худоёрхон номига Мадрасаи Олийни бино қилибдур”¹⁷⁶, – деб хабар беради тарихчи Мирзо Олим Маҳдум ҳожи ўзининг “Тарихи Туркистон” асарида. Ушбу мадрасага деҳқончилик ерларидан ташқари Қўқон бозорининг ўзида 42 та дўкон вақф қилиб берилган¹⁷⁷. Мусулмонкул мингбоши, шунингдек, Андижон беклигида ҳам яна иккита мадраса қурдириб ишга туширган.

Бундан ташқари, Қўқон хонлиги ташкил топишидан илгари қурилган ва XX аср бошларига қадар фаолият юритган Бароқхон, Қўкалдош (Тошкент, XVI аср) каби бир қатор қадимий мадрасалар ҳам бор эдики, уларни ҳам бевосита ана шу туркум мадрасаларга киритиш мумкин.

2. Эшонлар мадрасалари ислом уламолари ҳамда тасаввуф намояндалари томонидан қурдирилган мадрасалар бўлиб, улар, одатда, эшонларнинг шахсий маблағи ёки муридларидан тушган хайр-эҳсонлар эвазига барпо этилган. Масалан, Қўқонда Ҳасанхўжа эшон ўғли бунёд эттирган Бузрукхўжа эшон мадрасаси (1801) ва Эшон Соҳиб (1861), Андижонда Халифа Азиз эшон томонидан қурилган Халифа Азиз мадрасаси (1841), Тошкентда Абулқосимхон эшон (XIX аср бошлари) мадрасалари. Бундай мадрасалар ҳам сон жиҳатдан жуда кўпчилиқни ташкил этган.

¹⁷⁵ ЎзР МДА. И.47-фонд, 1-рўйхат, 328-иш, 3-варақ.

¹⁷⁶ Мирзо Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б.118.

¹⁷⁷ Пўлатжон Домулла Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. – Тошкент: ЎзР ФА Қўлғизмалар институти тахририй нашриёт бўлими, 1999. – Б.492.

Хусусан, Наманган беклигида 1850 – 1855 йилларда қурилган 5 та мадрасанинг барчаси ўз даврининг тариқат пешволари маблағига бунёд қилинган.

3. Мулкдорлар бунёд этган мадрасалар сони жуда кўп бўлиб, улар йирик ер эгалари, савдогарлар ва бошқа бадавлат кишилар томонидан бунёд этилган, бу турдаги мадрасалар ҳам хонликнинг шаҳар ва қишлоқларида жуда кўплаб қурилган.

Шунингдек, мадрасаларни жойлашувига кўра алоҳида бунёд этилган мадрасалар, зиёратгоҳлар қошидаги мадрасалар ҳамда масжидлар қошидаги кичик мадрасаларга ҳам бўлиш мумкин. Хусусан, Тошкентдаги Олимбек, Музаффарбой, Отабой ҳожи, Қанғроқ кўча каби бир қатор йирик жомеъ масжидлари қошида мадрасалар фаолият кўрсатган¹⁷⁸.

Мадрасаларнинг кўпчилиги шаҳарнинг марказий қисмида, катта бозорлар яқинида ёки маҳалла гузарларида қурилган. Қишлоқ мадрасалари ҳам, одатда, марказий бозорлар ёки йирик жомеълар яқинида жойлашган. Мадрасалар, аввало, қурдирган шахс номи билан, баъзан жойлашган маҳалла ёки қишлоқ номи билан юритилган.

Мадраса биноларининг меъморий жиҳатларини кўздан кечирганда уларда маҳаллий услуб ва меъморчилик мактабларининг таъсирини кўриш мумкин. Хонликдаги мадрасалар қурилиш услубига кўра, айтилганидек, водийнинг меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган. Шу сабабли уларнинг ташқи кўриниши Бухоро, Самарқанд, Хива мадрасаларидан унчалик катта фарқ қилмаган. Жумладан, нақшбандия тариқатининг йирик вакили Хожа Аҳрор (1404 – 1487) томонидан Тошкентда барпо этилган мадраса Қўқон хонлиги даврида ҳам мамлакат таълим тизимида катта обрўга эга масканлардан бўлган. Мадраса пишиқ ғишт ва йўнилган тошлардан бино

¹⁷⁸ Султонов Ў.А. Тошкент масжидлари тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б.24.

қилинган, 20 та ҳужра, бир дарсхона ва беш вақт намоз ўқиладиган масжиддан иборат бўлган.

Энг йирик ва ҳашаматли мадрасалар, шубҳасиз, пойтахт Қўқонда қурилган. Шаҳардаги Норбўтабий мадрасаси эса бир қаватли иншоот эди, таркибида минора, гумбазли масжид, ҳужралари ва арки бўлган. Мадраса қурилишига кўра Бухородаги Кўкалдош, Абдулазизхон, Мирараб мадрасаларига жуда ўхшаш¹⁷⁹. Муҳаммад Алихон мадрасаси энг йирик мадраса бўлиб, ўз даврида унда мингдан ортиқ талаба таҳсил олган¹⁸⁰. 1820 йили қурилган Камол қози мадрасаси олд деворининг бир қисми рангли сиркор кошинлар билан безатилган. Қурилиш ишларига қўқонлик усталардан Уста Умархон раҳбарлик қилган. Мадраса гумбази дўппига ўхшатиб қурилган. У квадрат шаклдаги мис билан ёпилган эди. Камол қози мадрасасининг меъморий ёдгорлик сифатини Н.Азимов қуйидагича таърифлайди: Камол қози мадрасаси мусулмон олий ўқув юрти бўлиб, ўзига дарсхона, ҳужра ва айвон-мачитни қамраб олган. Ҳаммаси бир бутун ҳовли композициясини ташкил этади. Айниқса, дарвозахонаси алоҳида аҳамиятга эга, унинг нақшли пештоқидаги тепа бурчагидаги цилиндрсимон минора ва гумбазли дарчалари яхши ишланган”.¹⁸¹ Тадқиқотчининг фикрича, Камол қози мадрасаси қўқонлик усталарнинг меъморчилик анъаналарига асосланган ҳолда қурилган.

1867 – 1868 йилларда Қўқон шаҳрида бўлган Туркистон генерал-губернаторлигининг амалдори А.П.Хорошхин ўз хотираларида Жомеъ ва Муҳаммад Алихон мадрасалари шаҳарни безаб, кўркем қилиб турганини хотирлаб шундай ёзган: “Муҳаммад Алихон ва Жомеъ мадрасалари шаҳарда ўзининг улуғворлиги билан кўзга яққол ташланиб туради. Улар пишиқ ғиштдан қурилган ва уларда муллалар лик тўлиб ётибди”¹⁸².

¹⁷⁹ Азимов Н. Архитектурные памятники Ферганской долины. – Ташкент: Узбекистан, 1982. – С.31 – 32.

¹⁸⁰ Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996. – Б.219.

¹⁸¹ Азимов И. Архитектурные памятники... – С.26 – 27.

¹⁸² Хорошхин А.П. Заметки о Коканде // Туркестанский сборник. Том 23. – С.171.

Исо Авлиёнинг Андижон беклиги Шоҳобод қишлоғида 1876 йили қурдирган мадрасаси бошқа қишлоқ мадрасаларидан тубдан фарқ қилган, у дарсхона, китобхонага айлантирилган айвон, 20 та ҳужра, хонақоҳ, айвон ва дарвозахонадан иборат эди. Андижондаги энг катта мадрасалардан бири – Холбек қўшбеги мадрасаси шаҳарнинг Қоримулла маҳалласида 1831 йили қурилган. Мадрасанинг 34 та ҳужраси ва 2 та дарсхонаси бўлган¹⁸³. Умуман олганда, хонликда XIX аср давомида қурилган мадрасаларнинг ташқи қиёфаси бир-биридан унчалик фарқ қилмаган.

Мадрасалар фаолиятида мударрисларнинг салоҳияти катта аҳамият касб этган. Хусусан, XI асрда Бағдоддаги машҳур Низомия мадрасаси ва таълим тизимини тадқиқ этган Г.Макдиси хулосаларига кўра, бу давр мадрасалари ўқув тизимида турли мавқега эга мударрис, ноиб, муъид каби “педагог” кадрлар фаолият кўрсатган¹⁸⁴. Мадрасагача бўлган таълимда жомеълар қошидаги мактаб ҳамда “дору-л-хуффоъ”лардаги муаллим-ўқитувчилар фаолиятини темурийлар даврида Ихлосия мадрасаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин¹⁸⁵. Бироқ биз тадқиқ этаётган даврга келиб мадрасада дарс берувчи шахс биргина мударрис мақомига эга бўлган.

Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларида бўлганидек, Қўқон хонлигида ҳам мадраса мударрислари давлат ва жамиятнинг энг кўзга кўринган, маданий-маънавий муҳит ривожига ҳамда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига катта ҳисса қўшган фаол шахслар бўлганлар. Уларнинг аксарияти диний мансаб эгалари бўлиш билан бирга мадрасаларда талабаларга сабоқ бериш билан ҳам машғул эдилар. Мударрислар сони мазкур мадрасанинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлган. Масалан, Қўқон шаҳрида жойлашган Султон Муродбек мадрасасининг 200 нафар талабаси бўлиб, уларга тўрт

¹⁸³ Набиев Р. Вакфное хозяйство Кокандского ханства... – С.302.

¹⁸⁴ George Makdisi. Muslim Institutions of Learning in Eleventh Century Baghdad // Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London. Vol.24. – №1. 1961. – P.12.

¹⁸⁵ Maria E. Subtelny. A Timurid Educational and Charitable Foundation: The Ikhlasiyya Complex of Ali Shir Navai in 15th Century Herat and Its Endowment // Journal of the American Oriental Society. 1991/111. – №1. – P.38 – 61.

нафар мударрис сабоқ берган¹⁸⁶. Шу шаҳарнинг Ҳаққулибек мадрасаси кичикроқ бўлиб, унда 65 нафар талаба сабоқ олган ва бир нафар мударрис фаолият кўрсатган¹⁸⁷.

Катта мавқега эга пойтахт мадрасалари мударриси, одатда, хон томонидан, бекликлардаги катта мадрасалар мударриси эса жойлардаги ҳокимлар тарафидан тайинланган ва бу хусусда махсус ёрлиқлар чиқарилган. Кўп ҳолларда кучли билимга эга мударрислар аълам, муфти, қозилик амалларига кўтарилган. Мавжуд тарихий ҳужжатларга қараганда, бундай вақтда уларнинг мадрасалардаги мударрислик мақоми ўз хоҳишига кўра сақлаб қолинган.

Масалан, 1864 йили Султон Саъидхон томонидан Домулла Мансурхўжанинг Қўқон раиси мансабига тайинлангани ҳақидаги ёрлиқда, унинг янги лавозимга ўтишига қарамай, аввалги аъламлик ва мударрислик вазифаларининг сақланиб қолиши ҳақида эслатиб ўтилган¹⁸⁸. Тошкент ҳокимларидан Салимсоқхоннинг 1845 йил октябрь – ноябрь ойларида чиқарган ёрлиғи эса тошкентлик Абдулмуталлиб исмли шахсни шаҳардаги Бўрихўжа мадрасасига мударрис этиб тайинлаш ҳақида бўлиб, ҳужжатда унинг ушбу лавозимга лойиқлиги, билими ва илми етарли даражада эканлигига алоҳида урғу берилган¹⁸⁹. Айрим ҳолларда мадрасани қурдирган шахслар ўша даврнинг кўзга кўринган таниқли дин уламолари, тариқат пешволари учун махсус мадрасалар қурдириб, уларни мударрис этиб тайинлаганлар. Масалан, Тошкентдаги Мирзо Аҳмад қўшбеги ўзининг Мўйи Муборак мадрасасига Абдулмажидхон эшонни, Исахожа қози эса ўзи

¹⁸⁶ Остроумов Н.П. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. – Ташкент: Туркестанские ведомости, 1914. – С.184.

¹⁸⁷ Пален К.К. Учебное дело // Отчет по ревизии учебного дела Туркестанского края. – СПб.: Тип. Сенатская, 1910. – С.124 – 126.

¹⁸⁸ Каталог среднеазиатских жалованных грамот. Из фонда Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан. / Составители А.Урунбаев, Г.Джураева, С.Гуломов. *Orientwissenschaftliche Hefte*. 23/2007. – С.51.

¹⁸⁹ Султонов Ў. Архив ҳужжатлари генеологик манба сифатида (XIX – XX аср бошлари) // Тарих фани ва архив иши: интеграция муаммолари. Ак. Я.Ғуломов номидаги “Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи” Республика илмий семинари материаллари тўплами. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.131 – 132.

курдирган мадрасага Ҳакимхўжа қозикалон ва Ойхўжа шайхулисломни мударрис этиб тайинлаган.

Албатта, совет даври тадқиқотларида қайд қилинганидек, ҳар доим ҳам мадрасани тугаллаган “чаласавод муллаваччалар” турли йўллар билан мударрис бўлиб олавермаган. Манбалардаги аниқ маълумотлар аксарият мударрислар диний илмларни мукаммал эгаллаган, зехни ўткир шахслар орасидан танлаб олинганини тасдиқлайди. Уларнинг бир вақтнинг ўзида диний мансабларда хизмат қилиши ва диний илмларда асарлар ёзганликлари ҳақида маълумотлар етарли. Масалан, “Тарихи жадидаи Тошканд” асари муаллифи Муҳаммад Солиххўжа Тошкент мадрасаларида мударрислик қилган қози Маҳдум Баландмасжидий, қози Шодмонхўжа эшон Орқакўчагий, Эшонхонхўжа қози Мерганчагий, домулло Мир Иноятуллоҳ Қатортеракий каби XIX асрнинг фикҳий илмлар билимдонлари, муфассир ва муҳаддисларини тилга олади.

Шунингдек, мазкур муаллиф Тошкентнинг Қўқон хонлиги даври таниқли шахслари ҳақида сўз юритганда мадраса мударрислари таржимаи ҳолига кўпроқ ўрин берган. Жумладан, улар орасида Эшонқули додхоҳ мадрасаси мударрислари: қози ал-қуззот¹⁹⁰ Бузрукхўжа Занжирлиқий, Музроб Хоразмий, Эшон Абдурасулхўжа, Эшон Сулаймонхўжа, Домулла Эсонбек охунд; Маҳмуд дастурхончи мадрасаси мударрислари: Эшон Шох Мансурхўжа, Домулла Мир Муҳаммад Раҳим охунд; Бегларбеги мадрасаси мударрислари: Муҳаммад Солиххўжанинг устозлари Мир Шарофуддин маҳдум, Домулла Мир Иноятуллоҳ; Мўйи Муборак мадрасаси мударриси халифа Абдулмажидхон эшон; Юнусхон мадрасаси мударрислари: Абдулазизхўжа эшон, Эшонхўжа қози, Эшон Абдусамиъхўжа хатиб; Хожа Аҳрор мадрасасида Домулла Умарбек охунд Чиғатойий мударрис ва бошқа

¹⁹⁰ Қози ал- қуззот (ар.) – қозилар қозиси.

мударрислар ҳаёти ҳамда фаолияти тўғрисида маълумотлар келтириб ўтган¹⁹¹.

Қўқон хонлиги даврида Тошкент маданий-маънавий муҳитини тадқиқ этган Ў.Султоновнинг ёзишича, бу даврда шаҳарда таниқли мударрислар оилалари юзага келган. Хусусан, Мир Иноятуллоҳ Қатортерагий (вафоти 1859) Тошкент ва Бухоро мадрасаларида ўқиб, мударрис бўлиш билан бирга тафсир илмини ҳам пухта эгаллаган. У бир неча асарлар муаллифи эди, хаттотликдан ҳам хабардор бўлган. Дастлаб Муҳаммад Алихон томонидан Тошкентнинг Регистон майдонида қурилган мадрасада мударрислик қилган. Кейинчалик Тошкент ҳокими Сўфибек Мир Иноятуллоҳ Юнусхон мадрасасига мударрис этиб тайинланган. У, ўз навбатида, Бегларбеги ва Қўқалдош мадрасаларида ҳам талабаларга сабоқ берган. Мир Иноятуллоҳ Тошкентда қозикалон бўлган Ҳакимхўжа қозикалонга ҳам араб тили грамматикасидан дарс берган эди. Унинг укаси Мир Исо охунд ва ўғли Мир Шарофиддин ҳам Бегларбеги мадрасасида мударрислик қилган¹⁹².

Эшонқули додхў мадрасасида дарсгўйлик қилган қози ал-қуззот Бузрукхўжа Занжирликий (вафоти 1838) оиласини ҳам мударрислар оиласи деб айтиш мумкин. Унинг укаси “эшони мударрис” лақаби билан танилган Сулаймонхўжа ва ўғли Сайид Аҳмадхўжа Тошкентдаги кўзга кўринган мударрислар ҳисобланган. Айрим мударрисларнинг қобилиятини кўп ўтмай империя маъмурлари ҳам тан ола бошлаган. Хусусан, 1892 йили “Туркестанские ведомости” газетаси редактори Н.П.Остроумов Хожа Аҳрор мадрасаси мударриси, айти вақтда, Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳаси қозиси бўлган Шарифхўжа Пошшахўжаев билан суҳбатидан сўнг “Туркестанские ведомости” газетасининг 10 июль сонида “у (Шарифхўжа

¹⁹¹Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари... – Б.207 – 208.

¹⁹² Бўриев О., Султонов Ў. Тошкентнинг XIX асрдаги маънавий-маърифий ҳаёти тарихидан (Муҳаммад Солиххўжанинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари асосида) // Тошкент 2007 йилда ислом маданияти пойтахти. Тошкент коллекцияларида ислом қўлёзмалари. – Тошкент, 2007. – Б.16 – 18.

қози) Тошкент қозиларининг энг билимдони, Хожа Аҳрор мадрасасининг энг катта профессори”¹⁹³, – деб ёзган эди.

Қўқон хонлигида мадрасаларни шайх ул-ислом¹⁹⁴ ва қозикалон назорат қилиб турган. Мадрасаларни бевосита бошқарадиган хон амалдорлари аъламиён ва мутаваллибоши бўлган. Аъламиён хон томонидан тайинланиб, хазинадан маош олган. У хонликдаги мадрасаларда ҳам ўқув, ҳам хўжалик ишларини бошқарган. Мутаваллибошини ҳукумат тайинлаган, у мадраса мутаваллиларини текширган ва мадрасалардан ҳақ олган.

Айтиш лозимки, Қўқон мадрасаларида хонликнинг бошқа ҳудудларидан ҳам келиб таълим олишган.

Масалан, “Хулосат ал-аҳвол” асарининг муаллифи Абу Убайдуллоҳ Тошкандий 18 – 19 ёш чамаси бўлганида Мелибой Сўфибой Урганжий маслаҳати билан илм олиш учун Қўқонга келиб, бу ерда Пирмуҳаммад мадрасасида бир ҳужрани ижарага олиб, унда шериги билан турган экан. Унга Домулло Мир Жалол Тошкандий ҳам ёрдам берган. Пир Муҳаммад мадрасаси Қўқон толиби илмлари олдида анча обрўси пастроқ дор ул-улумлардан саналар экан. Шунинг учун Абу Убайдуллоҳ яхшироқ таълим олиш учун бу мадрасани тарк этиб, ўша Мелибой Сўфибой ёрдами билан 1 тиллою 14 тангага Мадрасайи Жомеъдан бир ҳужра олади. У мулла Холмуҳаммад Қурамагийдан сабоқ оладиган бўлган. Абу Убайдуллоҳ талабалик даврида қори Домулло Шерғози Шермуҳаммаддан ҳам илм олганини айтиб ўтган. Шу билан бирга, Абу Убайдуллоҳ Хиштин мадрасасининг имоми ва мутаваллиси Ҳожи Абдувалихон ҳамда Мадалихоннинг вазири Ҳожи Додожондан ҳам дарс ва сабоқлар олгани маълум бўлади¹⁹⁵.

¹⁹³ Муҳаммадкаримов А. Тошкентнома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б.146.

¹⁹⁴ Шайх ул-ислом (ар.) – диндорларнинг олий унвонларидан бўлиб, Умархон томонидан 1818 йили жорий этилган.

¹⁹⁵ Қаранг: Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик... – Б. 197 – 198.

Ўрганилаётган мавзу доирасида талабалар масаласи ҳам жуда долзарблик касб этган. Маълум бўлишича, мадрасалардаги талабалар сони турлича бўлган. Албатта, хонлар барпо этган йирик мадрасаларнинг талабаларни ўқитиш борасидаги имконияти қишлоқ ҳамда оилавий мадрасаларникидан анча катта бўлган. Хусусан, юқорида тилга олинган Муҳаммад Алихоннинг Қўқондаги мадрасасида ўз даврида мингга яқин талаба таҳсил олгани ҳақида маълумотлар келтирилган. Маълумотларга кўра, Тошкент мадрасаларидан Бегларбеги мадрасасида 150 та, Абулқосимхон мадрасасида 120 та, Хожа Аҳрор ва Кўкалдош мадрасаларида 80 та, Шарифбой ва Шукурхон мадрасаларида 20 нафардан талаба ўқиган.

Андижондаги мадрасалар Бухоро, Қўқондагиларга нисбатан кичик бўлган. Талабалар сони кўпчилик мадрасаларда 20 нафар атрофида бўлиб, даромадлари 50 – 200 рублдан ортмаган. Даромади оз мадрасаларда битта мударрис дарс берган. Қўқон хонлигининг катта амалдорлари қурдирган айрим мадрасаларда вақф мулки, даромади, талабалари ва мударрислари кўп бўлган. Масалан, Андижондаги Раҳмонқулибий мадрасасида ҳар йили ўртача 50 – 60 нафар талаба таҳсил олган. Уни битирганлар Андижондаги жамоат ва давлат идоралари ишини юритишда хизмат қилган. Баъзилари эса янада чуқурроқ билим олиш мақсадида Қўқон ёки Бухоро мадрасаларига бориб таҳсилни давом эттирганлар.

Мадрасаларда ўқитиш тизимига доир фикр-мулоҳазалар юритиш ҳам жуда муҳим. Таъкидлаш жоизки, бу даврда Тошкентдаги маданий-маънавий ҳаёт, асосан, Тошкент – Қўқон, Тошкент – Бухоро маданий алоқалари асосида ривожланишда давом этган. Уларда давлат ва диний ташкилотлар учун кадрлар тайёрланган. Бундан ташқари, мамлакатдаги маданий-маънавий муҳит, илм-фан ва санъат ривожига ҳам мадрасалар фаолияти, ундаги таълим тизимининг самарадорлиги катта роль ўйнаган.

Умуман олганда, мадрасалардаги таълим тизими, ўқитиш методлари ва дарсликлар масаласи кўплаб тадқиқотчилар эътиборини тортган. Албатта,

XIX асрга келиб бир қатор мусулмон мамлакатлари каби Ўрта Осиё хонликларида, хусусан, Қўқон хонлигида ўзига хос таълим жараёнига эга мадрасалар шаклланиб улгурган эди. Мадрасаларга, одатда, мактабни битирган, бошланғич саводга эга илм толиблари қабул қилинган. Мадраса мударриси мадрасага ўқиш учун келган талабаларнинг ўқиш ва ёзишга бўлган саводхонлигини синаб кўрган¹⁹⁶. Мадрасаларга талабалар 16 – 20 ёшдан қабул қилиниб, 26 ва ҳаттоки 36 – 40 ёшгача ўқитилган¹⁹⁷.

Қўқон хонлигидаги мадрасалар фаолияти кўшни хонликлардан деярли фарқ қилмаган ҳолда қуйидаги уч босқичга бўлинган:

1. “Адно” – қуйи босқич ҳисобланиб, “Аввали илм” деб номланган, ислом динининг асосларини ўргатувчи савол-жавоб тарзида тузилган форс тилидаги ўқув қўлланмасини ўрганиш билан бошланган;

2. “Авсат” – ўрта босқич, бу босқич талабалари “Ақоид”ни тамомлаб, “Мулла Жалол”гача бўлган китобларни ўқиганлар;

3. “Аъло” – юқори босқич ҳисобланиб, талабалар “Мулла Жалол”дан “Матни фароиз”гача бўлган асарларни ўрганганлар¹⁹⁸.

Бироқ мадрасалардаги таълим босқичлари айнан шу дарсликлар билан қатъий белгиланмаган. Айрим ҳолатларда мазмун-моҳияти жиҳатидан юқорида зикр қилинган дарсликлар ўрнини босадиган китоблар билан ҳам бир оз фарқланган. Буни биз мадрасаларнинг вақф ҳужжатларидан яққол кўришимиз мумкин. Чунки мадрасаларнинг вақфномасида нафақани тақсимлаш учун уларнинг босқичлари ўқитиладиган дарсликлар билан фарқлаш мезон қилиб олинган. Масалан, 1864 йили Қўқон хони Султон Саъидхон томонидан Тошкентдаги Абулқосимшайх мадрасаси талабаларига ажратилган вақф даромади таълим босқичлари асосида тақсимланган. Унга

¹⁹⁶ Наливкин В. Что даёт Средне-Азиатская мусульманская школа в образовательном и воспитательном отношениях? // Туркестанский литературный сборник в пользу прокаженных. – СПб.: Б. и., 1900. – С.240.

¹⁹⁷ Бобровников Н.А. Русско-туземные училища, мектебы и медресе в Средней Азии. – СПб.: Б. и., 1913. – С. 85.

¹⁹⁸ Солижонova Г. Ўрта асрларда Ўрта Осиё мадрасалари ўқув дастурлари ҳақида // O‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2000. – №3. – Б. 24 – 35.

кўра, ажратилган маблағдан “Сарфи Ҳавоий”дан то “Ақоиди Насафий”гача ўқийдиганлар адно даражасига, “Ақоиди Насафий”дан “Ақоиди Жалолий”гача авсат даражасига ва “Ақоиди Жалолий”дан охиригача ўқийдиганлар аъло даражасига ажратилган. Талабаларнинг вақф даромадидан улуши ҳам шунга қараб фарқланган. Масалан, аднога бир ҳисса, авсатга бир ярим ҳисса, аълога икки ҳисса маблағ тўланиши воқиф томонидан белгиланган¹⁹⁹.

Шунингдек, Намангандаги Меҳмонхон тўра Мавлавий 1284 йил зулҳижжа ойида (1868 йил март) ўзи қурдирган мадрасага ажратган вақф хужжатида талабалар ўртасидаги босқич қуйидаги тартибда аниқ белгилаб берилган:

Адно – “Аввали илм”дан “Ақоиди Насафий” ва “Шарҳи Виқоя”гача ўқийдиган талабалар;

Авсат – “Ақоиди Насафий” ва “Шарҳи Виқоя”дан “Ақоиди Жалолий” ва “Ҳидоя”гача ўқийдиган талабалар;

Аъло – “Ақоиди Жалолий” ва “Ҳидоя”дан охири илмгача ўқийдиган талабалар²⁰⁰.

Андижондаги Тағойбой мадрасасининг 1252 йил рабиул аввалдаги (1836 йил июнь) вақфномасида эса адно босқичидаги талабалар шарҳи муллохон (Шарҳи Мулло ўқувчилар), авсатдагилар шамсияхон ва ҳошияхон, аълодагилар эса ақоиди насафийхон ҳамда виқояхон деб ажратиб кўрсатилган²⁰¹.

Мадрасада ҳар бир босқичда қанча муддат ўқиш қатъий белгиланмаган. Бу кўпроқ талабанинг қобилиятига ва мударрисга боғлиқ бўлган. Талаба ҳар бир босқич учун белгиланган асарларни қандай ўзлаштирганига қараб босқичдан босқичга ўтказилган. Одатда, бир босқичда 3 – 4 йил ўқилган.

¹⁹⁹Султонов Ў.А. Қўқон хони Султон Саъийдхоннинг Тошкентдаги вақфномаси хусусида // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. – Фарғона, 2009. – Б.197.

²⁰⁰ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34865-иш, 19-варақ.

²⁰¹ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34182-иш, 1^а-варақ.

Баъзан турли сабабларга кўра 10 йиллаб бир босқичда қолиб кетган талабалар ҳам бўлган²⁰².

Битирганларга диплом ёки гувоҳнома берилмас эди. Фақат қозилик ва девонхона лавозимларига даъвогар бўлганлар имтиҳон қилиниб, сўнг номзодлик гувоҳномаси топширилган.

Ўқув кунлари ҳафтанинг душанба, сешанба, шанба, якшанба кунлари бўлган. Қолган кунлар ўтилган дарсларни такрорлаш, табиий илмлар билан шуғулланиш, бадий асарларни ўқишга бағишланган. Дам олиш кунларида пойтахт Қўқонда талабаларнинг кўпчилиги хон ташриф буюрадиган ва олимлар йиғиладиган жомеъ масжидига борганлар. Бу ерда жума намозидан кейин олимлар билан биргаликда Қуръон ва шариат ҳақида мунозаралар ўтказилган. Кўплаб машҳур уламолар қатори ёш муллалар ҳам хон олдида ўзларининг билимларини кўрсатишга интилан²⁰³.

Мадрасаларда рамазон ва қурбон ҳайити кунлари, таътил вақтида, яъни майдан сентябргача дарс машғулотлари бўлмаган. Ўқиш 30 ҳафта ёки 120 кун давом этган, таҳсил олиш бомдод намозидан то кечгача олиб борилган²⁰⁴. Барча мадрасаларда дарслик ва ўқув қўлланмалар ўқувчиларга мусулмон халқлари учун илмий тил – араб тилида, одоб-ахлоққа оид китоблар эса форс тилида ўқитилган, туркий тилда уларга изох берилгани боис, асосий эътибор араб-форс тилларини мукаммал ўрганишга қаратилган²⁰⁵.

Мадрасаларда қуйидаги ўқув курслари ўқитилган: савол-жавоб шаклидаги дин арконлари баён этилган “Илми аввал ёхуд бидон”, XIII асрда Изудиддин ал-Занжаний томонидан ёзилган араб тили морфологияси бўйича қўлланма ва “Аъвомил” китоби – араб тили синтаксиси бўйича қисқа курс, Ибн Ҳожиб (1175 – 1245) томонидан ёзилган араб тили синтаксисининг

²⁰² Расулов Б.М. Ўзбекистондаги мусулмон мактаб ва мадрасалари тарихидан (XIX аср охири – XX асрнинг 20-йиллари). Тарих фан. номз... дисс. – Андижон: АндДУ, 1996. – Б.46.

²⁰³ Ликошин Н. Дорогой гость // Средняя Азия: Альманах. – Ташкент, 1895. – С.201 – 202.

²⁰⁴ Абдуллаев Ю. Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе. – Ташкент, 1966. – С.27.

²⁰⁵ Гулнор ал-Фарғоний. Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида таълим олганлар... // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 1997. – №11. – Б.10 – 13.

мукаммал баёни – “Ал-Қофия” асари, Абдурахмон Жомий (1414 – 1492)нинг “Ал-Қофия” асарига шарҳ – “Шарҳи Мулла” китобининг “Марфуот” (араб тили грамматикасида отлар) қисми, “Мажрурот” (араб тилида қаратқич келишиги), “Мансубот” (араб тилида тушум келишиги) ҳамда “Мабниёт” (сўзнинг ўзгармас қисмлари) бўлимлари, Нажмиддин Қазвиний (вафоти 1266 йил) қаламига мансуб “Ал-Шамсия фи ал-Қавоид ал-Мантиқия” асари, Абу Ҳафс Насафий (1068 – 1138) қаламига мансуб “Ақоид” китоби ва унга Умар ибн Муҳаммад ал-Самарқандий (1069 – 1142) томонидан ёзилган шарҳ, Саъдуддин Масъуд Тафтазоний (1322 – 1390) қаламига мансуб “Таҳзиб ал-мантиқ вал-Калом”, Нажмиддин Қазвинийнинг “Табиий фанлар ва метофизика”га бағишланган илмий асари ва бошқалар²⁰⁶.

Мадраса дастуридан кўриниб турибдики, талабалар аввал араб тили грамматикасининг синтаксис ва этимология бўлимлари билан танишиб чиққанлар, сўнг араб тили грамматикасини тизимли равишда ўрганишга киришганлар. Талаба араб грамматикасини ўрганишга саккиз йил атрофида вақт сарфлаган.

Мадрасаларда ўқитиш иккига бўлинган: умумтаълим – “мушкилот” ва ҳуқуқий – “масала”.

Умумтаълим курсларига қуйидаги предметлар кирган: мантиқ, мантиқ курсига шарҳ, ақоид, диалектика, метафизика ва унинг космография ҳамда астрология бўлими, мантиқ ва илоҳиёт, Қуръон, ҳадис китоблари.

Ҳуқуқий курс фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубох, ҳаром, макрух, мустақраҳ каби амаллар, яъни буюрилган, ман қилинган, маъқулланган ва маъқулланмаган амаллардан таркиб топган, қолаверса, диний ва давлат ҳуқуқлари баён этилган.

Татар мадрасаларида ўқув жараёни Ўрта Осиё мадрасаларидагидан бир оз фарқланган. У ерда предметлар ўқитилиши икки тоифага ажратилган:

²⁰⁶ Абдирашидов З. Исмаил Гаспиринский и Туркестан в начале XX века: связи – отношения – влияние. Ташкент: Akademnashr, 2011. – С.77 – 78.

1. “Улум ал-олия” – юксак фанлар;
2. “Улум ал-ақлия” – ақлий фанлар.

Биринчи тоифа фанлари динни ҳар томонлама тушунишга хизмат қилувчи фанлар бўлиб, улар, ўз навбатида, “улум ал-арабийя” ва “улум ал-ақлия”га бўлинган. “Улум ал-арабийя” ўз ичига араб тили ва адабиётини ўрганувчи фанларни, “улум ал-ақлия” эса табиий (аниқ) фанларни олган²⁰⁷.

Ўқитиш тизими “анчайин пасайган” дея таъриф берилувчи XIX аср мадрасаларида тилга олинган ўрта аср мусулмон Шарқида машҳур муаллифларнинг кўплаб асарлари билан таъминланиши масаласи эътиборни тортади. Талабаларнинг асосий дарсликлар билан таъминланиши, одатда, уларнинг ўз зиммасида бўлган. Бундай китоблар сотиб олинган ёки буюртма бериб кўчиртирилган. Лекин аксарият китоблар заҳираси ҳомийлар томонидан сотиб олиш ва шахсий китобларини вақф қилиш ҳисобига бойитилган. Масалан, Тошкентдаги Бўрихўжа мадрасасининг²⁰⁸ 1263 йил жумод ус-соний ойига (1847 йил май – июнь) мансуб вақфномасида келтирилишича, “халифа домудла Мир Салим марҳум” деб тилга олинган Салим шайх тарафидан “Тафсири Заҳровайн”, “Ҳидоя”, “Ақоиди Насафий”, “Мухтасар ал-виқоя”, “Жомеъ ар-Румуз”, “Салоти Масъудий” каби мадрасаларда ўқитиладиган турли мазмундаги жами 17 та китоб унинг набираси Абдулмуталлиб шайх мударрислик қилаётган Бўрихўжа мадрасасига вақф қилинган²⁰⁹. Тадқиқотчи Ў.Султоновнинг фикрича, Салимшайхга тегишли китоблар унинг вафотидан сўнг, васиятига кўра, мадрасага вақф қилинган ёки бу иш юқорида тилга олинган мударрис Абдулмуталлиб шайх саъй-ҳаракатлари билан амалга ошган.

²⁰⁷ Абдирашидов З. Исмаил Гаспиринский и Туркестан в начале XX века: связи – отношения – влияние. Ташкент: Akademnashr, 2011. – С. 79 – 80.

²⁰⁸ Бўрихўжа мадрасаси Тошкентнинг Кўкча даҳасига қарашли Санчикмон маҳалласида жойлашган бўлиб, Умархон даврида (1810 – 1822) Бўрихўжа Бобошайхбой ўғли томонидан қурилган. Архив ҳужжатларида мадрасанинг қурилган йили 1820 йил деб кўрсатилган. Ф.Керенскийнинг ёзишича, Бўрихўжа олдин мавжуд бўлиб, ўша даврда вайрон бўлган мадрасани таъмирлаб ишга туширган ва у Бўрихўжа мадрасаси номини олган. Қаранг: ЎзР МДА. И-47-фонд, 1-рўйхат, 1148-иш, 18-варақ; Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края. – СПб.: Б. и., 1892. – С.5.

²⁰⁹ ЎзР МДА. И.17-фонд, 1-рўйхат, 32621-иш.

Мадрасадаги гуруҳлар фанлар бўйича эмас, китоб, дарсликлар бўйича ташкил этилган ва жамоа деб аталган. Ҳар бир жамоада 5 – 15, баъзан 20 талаба таҳсил олган. Уларга мударрис таълим берган. Ҳар бир дарс 1 – 1,5 соат давом этган ва мударрис бир жамоага рухсат бергач, дарсхонага бошқа жамоа кириб машғулотни бошлаган, олдинги жамоа эса бошқа мударрис олдига бошқа бир курсни ўрганиш учун йиғилган ва шу тариқа ўқиш кечгача давом этган²¹⁰.

Муллалар билан мукаррирлар, яъни мадрасани тамомлаган муллалар юқори босқичда ўқийдиган талабалар иш олиб борган. Дарслар китобларни мутолаа қилиш асосида олиб борилгани учун жамоада яхши ўқийдиган чиройли қироат этувчи қори ёрдамида ўтказилган. Яъни мударрис ўтган дарс бўйича савол-жавоб қилгач, қорига китобнинг навбатдаги сатри ёки саҳифасини ўқишни буюрарди, талабалар эса бараварига ўқир эдилар, мударрис ўқилган сўзлар ва ахборотнинг маъносини таҳлил қилиб, тушунтириб берарди. Бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш учун талаба мударрис ёки мударрисларга ўтилган китоблар бўйича имтиҳон топширган. Агар имтиҳондан ўта олмаса, ёшидан қатъий назар, ўша босқичда қолаверган²¹¹.

Тадқиқот ва изланишлар натижасида хонликдаги мадрасаларнинг хусусиятларини ҳам аниқлаш мумкин. Хонлик тугатилган дастлабки йилларда биргина Фарғона вилоятида жами 124 та мадраса бўлиб, улардан 95 таси шаҳар, 29 таси қишлоқ минтақаларига тўғри келган. Мазкур мадрасаларнинг 109 таси сўнгги юз йилликда, яъни Қўқон хонлиги даврида бунёд этилган²¹². Лекин XIX асрнинг 90-йиллари ўрталарида В.П.Наливкин томонидан тайёрланган ҳисоботдан ўрин олган бу маълумотларда қишлоқлардаги мадрасалар сони камроқ кўрсатилган. Масалан, 1826 – 1873

²¹⁰ ЎзР МДА. И.1-фонд, 1-рўйхат, 75-иш, 18-варақ.

²¹¹ ЎзР МДА. И.1-фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 21-варақ.

²¹² ЎзР МДА. И.47-фонд, 1-рўйхат, 328 - иш, 1- 2 варақлар.

йиллар мобайнида Андижон беклигида барпо этилган 26 та мадрасадан 16 таси Андижонда, қолганлари қишлоқларда жойлашган эди.

Таъкидлаш лозимки, мадрасаларда ўқитиладиган дарсликлар бутун Ўрта Осиё минтақасида деярли бир хил анъанада давом этса-да, хонлик пойтахти Қўқон ёки йирик шаҳарлар ҳамда қишлоқлардаги мадрасалар ўқитиш тизими, таълим стандартлари ва сифат даражаси бир хилда бўлмаган. Бу борада, айниқса, шаҳар ва қишлоқ мадрасалари фаолиятидаги ҳудудий хусусиятлар алоҳида кўзга ташланади. Мазкур хусусиятлар мадрасаларнинг сони, мударрис-педагог салоҳияти, талабаликка номзодлар, молиявий таъминот каби бир қатор омиллар билан боғлиқ.

В.П.Наливкиннинг кузатувларига қараганда, хонликдаги мадраса талабаларининг ижтимоий қатлами таълим дастурлари ва ўқитиш услубига ўз таъсирини ўтказган ва бу ҳолат XIX асрнинг 90-йилларида ҳам мавжуд бўлган. Муаллифнинг ёзишича, икки тоифа: кўчманчи ва ўтроқ аҳолидан иборат бўлган қишлоқ ҳудудлари ва савдо-ҳунармандчилик ривожланган шаҳарлардаги мадрасалар фаолиятида бир қатор ҳудудий хусусиятлар кўриниб қолган. Хусусан, кўчманчи ёки ярим кўчманчи аҳолининг йирик қишлоқ атрофига кўчиб келиши билан, уларнинг вакилларида бўлган илм олиш истагидаги аҳоли ҳам талабалар сафидан ўрин олган. Лекин уларнинг бу ерда яшаш имкониятининг чеклангани сабаб, ўқиш муддати узоғи билан ярим йил давом этган. Кўчманчи овулнинг кўчиб кетиши туфайли, у ўқишни кейинги йилда ёки бошқа мадрасада давом эттиришга мажбур бўлган²¹³. Шаҳарлардаги мадрасаларда эса айти шу ҳолат, одатда, талабанинг иқтисодий имконияти йўқлиги боис юзага келган.

Пойтахт Қўқондаги мадрасалар бекликлардаги ёки қишлоқлардаги мадрасалардан фақатгина ҳашаматли бинолари билан эмас, ўқитиш савияси, таълим сифати билан ҳам ажралиб турган ва бу фарқни рус маъмурлари ҳам

²¹³ ЎзР МДА. И.47-фонд, 1-рўйхат, 328 - иш, 23-варақ орқаси, 24-варақ.

таъкидлаб ўтганлар. В.П.Наливкиннинг эътироф этишича, Қўқон ва Марғилондаги мадрасалар алоҳида ажралиб турган. Хусусан, XIX асрнинг 70 – 80-йилларига келиб Қўқон шаҳридаги мадрасалар мусулмон университетлари сифатида Бухоро билан рақобатлаша оладиган даражага етган. Талабалар фақат Туркистон ўлкасидан эмас, балки Бухоро ҳудудларидан ҳам кела бошлаган²¹⁴.

Мадрасаларнинг ҳудудий хусусиятлари билан боғлиқ фарқлар уларнинг жойлашган ўрни ва обрўида ҳам яққол кўзга ташланади. Талабанинг мадрасани қандай баҳога ва қай даражадаги билим билан битиргани эмас, балки мадрасани қаерда тамомлаганининг ўзиёқ унинг кейинги тақдирини белгилаб берган. Шу сабабли пойтахт, йирик шаҳарлар ва қишлоқлардаги мадрасалар битирувчилари тамомлаган мадраса мавқеидан келиб чиқиб ўзига иш топган. Албатта, қишлоқ мадрасасини тамомлаган талаба хон саройидан иш топиши амри маҳол эди. Бу билан пойтахт ёки йирик шаҳарлардаги мадрасалар битирувчиларининг барчаси юқори мансабларга кўтарилган деган фикрга келиб бўлмайди. Бундай мадрасалар битирувчилари, умуман, келгусида қозихона ёки хон саройида юқори лавозим иштиёқида бўлганларнинг аксарияти, анъанага кўра, Бухоро, Самарқанд мадрасаларини ҳам тамомлаб келганлар.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, XVIII – XIX аср бошида юзага келган Қўқон хонлигидаги мадрасалар фаолияти ҳам ана шу даврларда юз берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар ҳамда маданий-маънавий ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар билан ҳамоханг эди. Олимхон (1798 – 1810) ва Умархон (1810 – 1822) бошқаруви йилларида мамлакатда марказлаштириш сиёсатининг якунига етказилиши ва хоннинг олий ҳокимияти қарор топиши мамлакатнинг турғунлик давридан деярли барча соҳаларда ривожланиш даврига ўтишига тўртки берди. Гарчи олдинги асрлардагидек аниқ ва табиий фанлар, китобат

²¹⁴ ЎзР МДА. И.47-фонд, 1-рўйхат, 328 - иш, 19, 23- варақлар орқаси.

санъати юксак даражада ривож топмаса-да, адабиёт ва меъморчилик, амалий санъатнинг бир қатор соҳаларида ўзига хос ўсиш юз берди.

Мадрасаларга келсак, XIX аср ўрталарида хонлик ҳудудида 350 дан ортиқ мадраса мавжудлиги қайд қилинган. Уларнинг аксарияти йирик шаҳарлар ҳиссасига тўғри келган: Тошкентда 17 та (1865 йилга қадар), Қўқонда 34 та, Марғилонда 17 та, Андижонда 15 та, Наманганда 11 та, Ўшда 5 та мадраса фаолият кўрсатган.

Шундай қилиб, юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, дастлаб масжидлар, устозларнинг уйларида ташкил этилган дарсхоналар кўп ўтмай ислом оламининг таълим муассасаларига айланди. Кейинроқ мадрасалар таълим маскани сифатида бошқа мусулмон ўлкалари қатори Ватанимиз заминида ҳам юзага келди. X аср бошларида Бухорода шуҳрат топган Фаржак мадрасаси ўз даврининг йирик таълим марказларидан бири бўлган. Ана шу даврлардан бошлаб юртимизнинг Самарқанд, Насаф, Марғилон, Шош, Ахси, Косон каби шаҳарларида ҳам мадрасалар ташкил топди ва уларни тамомлаган юзлаб илм толиблари – Бухорий, Самарқандий, Насафий, Ахсикатий, Шоший кабилар дунё илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшдилар.

Хонлик ҳудудидаги шаҳарларда Бухоро, Самарқанд ёки Хивадаги каби қадимий мактаб ва мадрасалар мавжуд бўлган. Бунинг учун биргина Марғилонда Подшоҳ Искандар мозори яқинида 1423 йили қурилган мадраса ва XIX асрнинг 70-йилларида Султон Муродбек томонидан қайта қурилиб ишга туширилиши ёки Андижон беклиги Балиқчи қишлоғи Гўровон деган ерида 1586 йилдан XIX аср охирларигача фаолият олиб борган Хожа Назир оталиқ мактабини мисол келтириш мумкин.

1865 йилдан сўнг Тошкентда, 1876 йилдан кейин тугатилган Қўқон хонлиги ўрнида ташкил этилган Фарғона вилоятида Туркистон генерал-губернаторлигининг махсус маҳкамалари томонидан олиб борилган тадбирлар асосида мактаб ва мадрасаларга оид маълумотлар йиғиб борилган.

Улардаги қайдларга қараганда, XV асрдан XVIII аср охиригача бўлган давр оралиғида бунёд этилган таълим муассасалари хонлик даврида ҳам фаолият юритган. Бу ўринда Туркистон генерал-губернаторлигида мактабларга қараганда кўплаб вақф мулкларига эгалик қилувчи мадрасалар ҳақидаги маълумотларга катта аҳамият қаратилгани эътиборга молик.

Хонликдаги мактаб ва мадрасалар турлари ҳамда уларнинг фаолияти Бухоро амирлиги ёки Хива хонлигидаги таълим тизимидан деярли фарқ қилмаган. Қўқон хонлиги ҳукмронлиги даврида таълим муассасалари расмий равишда рўйхатга олинмагани сабабли, уларнинг аниқ сони ҳақида яқиний фикр айтиш қийин. 1887 – 1890 йилларда собиқ Қўқон хонлиги ўрнида ташкил этилган уездлардаги мактаблар сони рўйхатга олинган. Масалан, 1890 йили Андижон уездидаги 316 мактабдан 115 таси хонлик даврига тўғри келган.

Буюртмачининг талабига кўра бунёд этилган мадрасалар тадқиқотчилар тарафидан характериға кўра уҳта катта турға бўлинган. Булар хон мадрасалари, эшон мадрасалари ва мулкдорлар курдирган мадрасалардир. Албатта, уларнинг нима мақсадда қурилгани кейинчалик фаолият кўламиға ва тақдириға ҳам катта таъсир ўтказган. Фикримизча, мадрасаларни туркумлашда уларнинг юзаға келиш шарт-шароитларини ҳам ҳисобға олиш зарур. Масалан, айрим мадрасалар жомеъ масжидларида талабаларға дарслар ташкил этиш мақсадида қўшимча ҳужраларнинг очилиши билан ҳам юзаға келган. Қўқон шаҳридаги Эшон Соҳибзода ва Меҳмонхон тўра мадрасалари эса тариқат пешволарининг хонақоҳлари қошида тасаввуф, асосан, ихлосманд бўлган толиби илмларға мўлжаллаб барпо этилганини алоҳида таъкидламоқ керак.

Таҳлилларимизға қараганда, 1850 – 1855 йиллар оралиғида Наманган беклигида бешта мадраса: Махсум эшон, Баҳодир эшон, Хўжа эшон, Муллатош домудла ва Меҳмонтўра мадрасалари қад кўтарди. Бу мадрасалар Қўқондаги мадрасалардан фарқ қилиб, ўртача 35 – 40 та мулла ўқиған.

Эътиборли томони, 5 йил давомида қурилган ушбу мадрасаларнинг барчаси тасаввуф намояндалари ҳамда диний амалдорлар маблағи ва ташаббуси билан бунёд этилган.

Мактаб ва мадрасалар фаолиятида улар ўртасидаги хусусиятлар алоҳида эътиборга молик. Пойтахт Қўқон ҳамда йирик шаҳарлардаги айрим мадрасалар бекликлардаги ёки қишлоқлардаги мадрасалардан фақатгина ҳашаматли бинолари билан эмас, ўқитиш савияси, таълим сифати ҳамда Ўрта Осиё мадрасалари орасидаги мавқеи билан ҳам ажралиб турган.

III БОБ. ҚЎҚОН ХОНЛИГИ МАКТАБ ВА МАДРАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ВАҚФ МУЛКЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

3.1. Мактаб ва мадрасалар ишини юритишда вақф ерларининг роли

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тармоқнинг муайян жабҳасидаги ташкилий жараён жамиятнинг шу соҳадаги умумий тараққиёт даражасини ҳам кўрсатади. Жумладан, Ўрта Осиё халқлари таълим тизимини ташкил этувчи мактаб ва мадрасалар очиш, уларнинг фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлаш минтақа халқларининг ўзига хос умуминсоний, диний ва анъанавий қадриятлари асосига қурилган эди. Афсуски, Аллоҳ йўлидаги “савобли амал” сифатида қаралган илму маърифат йўлида хайр-саховат кўрсатишдек ушбу маънавий қадрият совет ҳукумати даврида “диний сарқит” сифатида танқид қилинди, нафақат тугатилди, балки халқ руҳиятидан ҳам бегоналаштириб юборилди.

Вақфнинг араб тилидаги луғавий маъноси “тўхтатиш”, “тутиб туриш”ни англатган (кўплиги “авқоф”, “вуқуф”, синоними “хубус”). Вақфнинг пайдо бўлиши илк ислом даврига бориб тақалса-да, X асргача бўлган вақфларга оид маълумотлар жуда кам²¹⁵. Ўрта Осиё худудида эса илк вақфлар XI асрга, яъни қорахонийлар даврига оид бўлиб, у Иброҳим Тамғачхон вақфномаси номи билан машҳур²¹⁶. Вақфлар ана шу даврлардан бошлаб минтақа аҳолиси ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этди.

Турли кўринишдаги мол-мулкларни диний ташкилотларга вақф қилиш пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) замонидан одат бўлган.

²¹⁵ Большаков О.Г. Вақф // Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С.44 – 45.

²¹⁶ Большаков О.Г. Два вакуфа Ибрахима Тамгачхана в Самарканде // Страны и народы Востока. Вып.10. Средняя и Центральная Азия. – М., 1971. – С.170 – 178.

Хусусан, Бурхониддин ал-Марғиновийнинг “Ҳидоя” асарида вақф масаласига алоҳида бир қисм ажратилган бўлиб, унда муаллиф: “Ерни вақфга айлантириш қонуний ҳисобланади, чунки пайғамбарнинг айрим саҳобалари ўзларининг ерларини вақфга айлантирганлар”, – деб қайд қилган. Шу асарда кўрсатилишича, вақфнинг таъсис этилиши қонуний кучга киргандан кейин, вақфга айлантирилган мулкни сотиш, бошқа шахсга совға ёки мерос қилиб бериш ноқонуний ҳисобланган. Бунга Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг: “Ерларни шундай эҳсон қилиб беринглarki, у ерлар сотилмайдиган ва мерос қилинмайдиган бўлиб қолсин”, – деган сўзлари асос бўлган. Шунинг учун вақф қонуний кучга киргандан сўнг олди-сотди ва бошқа шахсга бериш мумкин эмас²¹⁷.

Қуръон ва ҳадисларда вақф сўзи ишлатилмаса-да, вақф маъносини англатувчи садақа, эҳсон тушунчалари кўп учрайди. Жумладан, “Бақара”, “Оли Имрон”, “Нисо”, “Тавба”, “Ҳаж”, “Нур”, “Аҳзоб”, “Ҳадид”, “Лайл” ва бошқа сураларда садақа ва эҳсоннинг аҳамияти, савоби ва уларни Аллоҳ яхши кўриши баён қилинган²¹⁸.

Ўрта асрлар давомида минтақада вақф, асосан, мадраса, масжид, мазор, қорихона каби мусулмон муассасалари фойдасига белгиланган турли кўринишдаги мол-мулк бўлиб, унинг расмий-ҳуқуқий ҳужжати вақфнома деб аталган. Вақфномалар қозихоналарда вақф қилувчи: воқиф, қози, аълам, муфти ва холис гувоҳлар иштирокида тузилиб, муҳрланган²¹⁹. Вақфномалар вақтлар ўтгач, шароит тақозосига кўра (вақфноманинг йўқолиши, яроқсиз ҳолга келиши ва бошқа сабаблар билан) янгиланиб турилган.

Вақфнинг бир кўринишида вақф этилган мол-мулк вақф қилувчи, яъни воқифнинг қўлидан бутунлай чиқиб кетган, иккинчи кўриниши эса воқифга

²¹⁷ Бурханитдин Али. “Ҳидоя” – комментарии мусульманского права. В 4-х томах. – Ташкент, 1893. Том II. – С.147.

²¹⁸ Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917 – 1929 йиллар). – Тошкент: Фан, 2009. – Б.8.

²¹⁹ Isogai Ken'ichi. A Commentary on the Closing Formula Found in the Central Asian Waqf Documents // Persian Documents Social history of Iran and Turan in the fifteenth to nineteenth centuries. Edited by KONDO Nobuaki. – London-New York, 2003. – P.4 – 5.

вақф қилинаётган мулкдан келаётган даромаднинг бир қисмини ўзига олиш имконини берган. Вақф хўжалиги ишларини юритувчи шахс – мутаваллини белгилаш ва вақф даромадини тақсимлаш воқифнинг ихтиёрида бўлган²²⁰.

Вақф мулклари ва улардан тушган даромадларнинг белгиланган мақсадларда ишлатилишини шайх ул-ислом мунтазам текшириб борган. Хонлар томонидан мадраса мутаваллилари фаолиятини назорат қилувчи мутаваллибоши лавозими жорий этилган бўлиб, у вақф даромадларининг қандай сарф этилаётганини кузатиб турган. Бу нарса айрим нопок мутаваллилар томонидан вақф даромадларининг талон-торож қилинишига имкон бермаган. Мана шундай мадрасанинг хўжалигига оид ишлар билан фақат мутавалли шуғулланиб, мударрисларнинг бундай молиявий соҳага аралашиш ҳуқуқи бўлмаган. Улар фақат мадрасанинг эҳтиёжлари ҳақида мутаваллини хабардор қилиб турганлар.

Биз тадқиқ этаётган даврда мавжуд бўлган вақфлар характериға кўра уч гуруҳға бўлинган:

1. Вақфи махсус (хос) – подшоҳ ва амирлар томонидан мактаб, мадраса, масжид, касалхона, шоир ва хаттотлар иш ҳақи учун, йўллар, ҳовузлар ва кўприкларни таъмирлашға таъсис қилинган вақф;

2. Вақфи омм (омма фойдаланиши учун) – бундай вақфлар туриға соқийхона (ўткинчилар сув ичадиган жой), таҳоратхона, кўприк ва работлар кирган;

3. Вақфи авлод – бу турда катта-катта ер эгалари, савдогарлар, ўз бойликларининг талон-торож қилинишиға йўл қўймаслик мақсадида, уларни ўз авлодлари фойдасиға вақф қилган ва уни назорат қилувчи мутаваллини ҳам ўз ворислари томонидан тайинлаган. Вақфи авлод мулкларини ташкил қилган шахслар ўз меросхўрларига вақфдан келадиган даромадларнинг у ёки бу қисмиға масжид ва мадрасалар қуришни васият қилиб қолдирганлар.

²²⁰ Жўраева Ғ. Вақф нима? // Шарқшунослик. – Тошкент, 1990. – №2. – Б.37 – 47.

Вақфи авлод ерлари ҳам мулки хурри холис²²¹ ерлари каби барча солиқ ва мажбурий тўловлардан озод этилган²²².

Қўқон хонлигида ушбу вақф турлари орасидан “вақфи махсус” (хослар, бой-ашрофлар тарафидан), яъни мактаб ва мадрасалар очиб, вақф таъсис этиш кенг тарқалган эди. Шариат қондасига асосан вақф қилинган бундай мулкларни истисно қилинган ҳолатлардан бошқа вазиятларда сотиш ёки совға қилиш мумкин эмас эди²²³.

Вақфлар, шунингдек, мактаб, қорихона, мадраса, шифохона, ногиронлар уйлари, кутубхоналар учун васият қилинар эди. Улар орасида энг кенг тарқалгани мактаб ва мадрасалар вақф ерлари бўлиб, улар ушбу таълим муассасаларининг фаолият кўрсатишида асосий омил ҳисобланарди. Мактаб ва мадрасаларга даромад келтирадиган ерларни (экинзорлар, боғлар, дарахтзорлар) вақф қилиш кенг тарқалган бўлиб, уларнинг вақфномалари жуда кўп нусхаларда сақланиб қолган.

Умуман олганда, вақф учун ерларни ажратиш илк ислом даврига бориб тақалади. Кейинчалик бу анъана, айниқса, ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғини деҳқончилик ташкил этувчи Мовароуннаҳр минтақасида кенг тарқалди. Мазкур вазиятнинг яққол ифодаси сифатида XV – XIX асрларда минтақа вақф ҳўжалигида катта роль ўйнаган Хожа Аҳрор ва унинг авлодлари, Жўйбор хожалари ёки бошқа йирик тасаввуф намояндаларининг вақф мулклари мисолида ҳам кўришимиз мумкин²²⁴.

²²¹ Мулки хурри холис – мулк ерларининг энг мукаммал шакли, бу турдаги ерлар барча солиқ ва йиғимлардан озод этилган.

²²² ЎзР МДА. И.1-фонд, 11-рўйхат, 326-иш, 5-варақ.

²²³ ЎзР МДА. И.1-фонд, 12-рўйхат, 79-иш, 5-варақ.

²²⁴ Ушбу муаммонинг ўрганилиши ҳақида қаранг: Иванов П.П. Хозяйство Джуйбарских шейхов // К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI – XVII вв. – М.-Л.: АН СССР, 1954. – 377 с.; Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане в XVI в. По материалам «Вакфнаме». – Ташкент: Фан, 1966. – 354 с.; Чехович О.Д. Бухарские документы XIV века. – Ташкент: Фан, 1965. – 332 с.; Кутибаев З.А. К истории вакуфных владений Ходжа Ахрара и его потомков: Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИВ АН РУз, 1970. – 180 с.; Чехович О. Д. Самаркандские документы XV – XVI вв. (О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистане). – М., 1974. – 318 с.; Ўша муаллиф. Бухарский вакф XIII в. – М.: Вост. лит., 1974. – 270 с. ва бошқ.

Таъкидлаш жоизки, биз тадқиқ этаётган даврда Қўқон хонлигида ҳам вақф қилинган экин ерлари катта ўринни эгаллаган.

А.Л.Троицкаянинг ёзишича, хонликда давлат ерлари даромад олинадиган махсус ерлар, дахлсиз ерлар ва хон оиласи вакилларига тегишли ерлардан иборат бўлган. Шулардан биринчиси хосс, хосса ёки мирий, иккинчиси қўриқ, учинчиси эса чек ерлар деб аталган²²⁵. Хонлар ва хон оиласидаги шахслар вақф мулки ажратишда ана шу ер турларидан, амалдорлар ёки юқори табақа вакиллари ўзларининг хусусий мулки бўлган ерларни вақф тарзида ажратганлар. Масалан, хонларнинг меросий ер-мулклари жойлашган Ермасжиддаги қишлоқларнинг айримлари, жумладан, Зиғирқишлоқ, Чўнқайма, Олимқишлоқ, Бекобод, Қияли, Қақирқишлоқ, Янгиқишлоқ каби ўнга яқин қишлоқлар мадраса, масжид ва мазорларга вақф қилиб берилган²²⁶.

Хон ва унинг оиласига мансуб шахслар ҳамда давлат амалдорлари ҳам катта ҳажмдаги ерларни ўзлари қурдирган ёки хоҳишларига кўра таълим муассасаларига вақф қилганлар. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаларида олинган статистик қайдномаларга кўра, Қўқон, Марғилон, Андижон, Ўш шаҳарлари ва айрим қишлоқларда жойлашган жами 101 та мадрасанинг (рўйхатга хонликдаги барча мадрасалар киритилмаган – М.А.) 120 дан зиёд вақф қилинган қишлоқлар рўйхати келтирилган²²⁷. Масалан, Мингойим мадрасасига Узун, Ғалча, Қақир, Қақир Даҳана, Шўрқишлоқ, Ахта, Гўш, Оқмасжид ва Ойим қишлоқлари; Муҳаммад Алихон мадрасасига Яккайқайрағоч, Калача Мирза Носир, Каттатут, Тожиққишлоқ, Кошғариён; Ҳокимойим мадрасасига Хонобод, Янги қишлоқ, Тожиқ қишлоқ, Қанғли, Тилиминг, Оққўрғон, Иса авлиё қишлоқлари вақф мулки қилиб берилган.

²²⁵ Троицкая А.Л. Материалы по истории Кокандского ханства // По документам архива Кокандских ханов. – М.: Наука, 1969. – С.4.

²²⁶ Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (Феодалное хозяйство Худаяр-хана). Приложения №3^а. – Ташкент: Фан, 1973. – С.372 – 385.

²²⁷ ЎЗР МДА. И-47-фонд, 1-рўйхат, 328-иш, 57 – 59-варақлар орқаси.

Қўқондаги Мингойим мадрасасининг 2 та дарсхонаси ва 50 та хужраси ҳамда хонақоҳи бўлиб, унда жуда кўп талабалар таҳсил олган. Мадраса шунга яраша вақф мулклари билан таъминланган. Ўз даврида мадрасага битта карвонсарой, 14 та дўкон ва турли қишлоқлардаги майда ерлардан ташқари 15 та қишлоқ ерларининг хирож ва таноб солиқлари вақф қилиб берилган эди²²⁸. Шунингдек, Худоёрхоннинг биринчи ҳукмронлиги йилларида унинг регенти (оталик) сифатида амалда ҳокимиятни қўлда ушлаб турган Мусулмонқул мингбоши тарафидан Андижон беклигининг Авушка қишлоғидаги мадраса учун ҳижрий 1261/1845 – 1846 ва 1269/1852 – 1853 йилларда вақф қилинган Найман қишлоғидаги ерлар Худоёрхоннинг 1853 йилги ёрлиғи билан солиқлардан озод этилган²²⁹.

Худоёрхон онасининг васиятига кўра бунёд қилган Мадрасаи Ҳокимойим номидаги мадраса Қўқон жомеъ масжидининг шарқий томонида 1869 – 1870 йилларда қуриб битказилган бўлиб, кейинги йили Худоёрхоннинг фармойишига биноан Сирдарёдан Шаҳрихон томонга ариқ чиқарилиб, ариқдан сув ичган ерлардан тушадиган даромад “Мадрасаи Ҳокимойим”га вақф қилиб берилган²³⁰.

Андижондаги Раҳмонқулибий мадрасаси бекликнинг ўша вақтдаги ҳокими ва Моҳларойимнинг (1792 – 1842) отаси бўлган Раҳмонқулибий томонидан 1223/1808 йили қурилган. Мадрасага Хаканнинг Холиқбек кўшбеги қишлоғида 407 десятина, Майгирнинг Сарибош қишлоғида 207 десятина суғориладиган ер ҳамда Андижон шаҳри бозоридаги карвонсарой вақф қилиб берилган²³¹. Мадрасанинг Умархон даврида, 1230/1814 – 1815 йили тузилган вақфномаси Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги йилларида қайта тасдиқланиб, йигирмадан ортиқ қозихона амалдорлари муҳрлари босилган.

²²⁸ ЎзР МДА. И.19-фонд. 1-рўйхат, 34527-иш, 6-варақ.

²²⁹ ЎзР МДА. И.19-фонд. 1-рўйхат, 34221-иш, 7-варақ.

²³⁰ Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996. – Б.221.

²³¹ Алимов И.А. XIX асрда Қўқон хонлигининг Андижон беклигидаги мактаб ва мадрасалар // O‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2007. – №1. – Б.15.

Мазкур вақф мулклари Худоёрхоннинг ёрлиғи билан хирож ва танобона солиқларидан озод қилинган.

Воқиф, яъни Раҳмонқулибийнинг шартларига кўра, мутавалли лавозимига мадраса мударриси тайинланган. Архив ҳужжатида келтирилишича, мударрис Субхонқулибек Имомқулибий ўғли бўлиб, у мутавалли сифатида йиллик даромадни, аввало, мадраса биносини таъмирлашга сарфлаб, қолганини 24 қисмга бўлган. Шундан 12 қисмини мударрислик ҳақи учун ўзига, 10 қисмини талабаларга ажратган. Қолган 2 қисмини эса 9 қисмга бўлиб, 3 қисмини мадраса масжидининг имомига, 2 қисмини муаззинга, 1 қисмини тарғиботчига, 1 қисмини қоровулга, 2 қисмини сартарошга тақсимлаган²³². Мадрасада ҳар йили ўртача 50 – 60 нафар талаба таҳсил олган. Уни битирганлар, кўпинча, Андижон беклигидаги жамоат ва давлат идораларида, мактаб ва мадрасаларда фаолият юритган. Айримлари эса ўз билимини ошириш мақсадида Қўқон, Бухоро мадрасаларида ўқиб келганлар.

Муҳаммад Алихоннинг вазири Маҳмуд дастурхончи тарафидан 1255/1839 – 1840 йилларда Андижон шаҳри Қирлиқ даҳасига қарашли Нодир оталиқ маҳалласида пишиқ ғиштдан қурилган мадраса суғориладиган 384 гектар ерга эгалик қилган. Унинг таркибида 25 та ҳужрада таълим олиб борилган²³³. Мадраса масжидининг вақф мулки алоҳида бўлган, унинг шимоли-шарқий бурчагида мактаб ҳам бўлган. Мадрасанинг имом-хатиби бир вақтнинг ўзида мактаб ўқитувчиси ҳам эди²³⁴.

Вақф мулкларидан, айниқса, ерлардан тушган даромад катта бўлганлиги учун, мадраса мударриси, бошқа хизматчилар нисбатан юқори миқдорда маош олганлар, талабаларнинг нафақа (стипендия)си ҳам катта эди. Мадраса ходимлари талабаларнинг моддий жиҳатдан яхши таъминлангани,

²³² ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34183-иш, 5-варақ.

²³³ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34190-иш, 5-варақ.

²³⁴ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34190-иш, 89-варақ.

қўшимча даромад изламасдан мадрасада ўқишни сифатли ташкил қилишига имкон берган.

Андижондаги 22 та хужра ва 2 та дарсхонадан иборат Исо додхоҳ мадрасаси (1826 йили қурилган)га унинг бонийси (қурдирувчиси) тарафидан 350 десятина ер, 18 та савдо дўкони, 1 та карвонсарой, 1 та тегирмон вақф қилинган. Хонликнинг сўнгги йирик амалдорларидан бири Абдурахмон офтобачи эса Андижонда ўзи бунёд эттирган мадрасага (1873 йили қурилган) бекликнинг Олтинқўл қишлоғидаги 12 минг таноб ерни вақф қилиб берган. Бу ерлар Офтобачек деб номланиб, Улуғнор ариғидан суғорилган.

Шунингдек, эшонлар, тасаввуф намояндалари тарафидан бунёд этилган мадрасалар ҳам катта миқдордаги вақф ерларга эгалик қилган. Албатта, бунинг сабаби, аввало, мазкур тоифадаги шахсларнинг ҳукмдорлар ва уларнинг оиласи ҳамда юқори табақа вакиллари орасида обрў-эътиборга эга бўлиши билан боғлиқ. Бундай мадрасалар кўп ҳолларда эшонларнинг хонақоҳи, масжиди ёки бирор-бир мақбара ёнида ташкил этилган, уларнинг молиявий манбаси ва харажатлари умумий вақф хўжаликлари ҳисобидан қопланган.

Жумладан, Эшон Аюбхўжа Хўрозхўжа ўғли минглаб таноб ерларни Қўқоннинг Идрисқули маҳалласидаги хонақоҳига вақф қилган. Хонақоҳ таркибида 12 хужралик мадраса ҳам бўлган. Ушбу хонақоҳнинг 1812 йили тузилган вақфномасида Қўқон шаҳри атрофида жойлашган Кичик Оқтепа мавзеида 575 таноб, Катта Оқтепада 20 таноб, Ҳавзак қишлоғида 100 таноб, Олахамак қишлоғида 300 таноб – жами 1007 таноб ер вақф қилинганининг гувоҳи бўламиз²³⁵. Вақфнома шартига кўра, мутаваллилик воқифнинг қўлида қолган. Мазкур ерлар 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ижарага берилиб, олинган даромад белгиланган шарт асосида хонақоҳ ва мадраса ўртасида тақсимланган.

²³⁵ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34465-иш.

Бу даврнинг яна бир йирик тасаввуф намояндаси Эшон Соҳибзоданинг (асл исми Миён Фазл Аҳад Нақшбандий) Қўқоннинг Бекбачча маҳалласида жойлашган хонақоҳи таркибида 1868 йили бунёд қилинган иккита мадраса вақф ерлари ҳам жуда катта бўлган. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви фондининг 34517 рақам остидаги йиғма жилдида сақланаётган ҳужжатларга қараганда, мадрасаларга Марғилон беклигида жойлашган 19 та мавзедаги катта миқдордаги ерлар ажратилиб, солиқ ва мажбуриятлардан озод қилинган²³⁶. Биргина Жилақудуқ мавзеида 400 жуфт²³⁷, Гулбаҳор мавзеида 100 жуфт, Кўтарма мавзеида 100 жуфт ер бўлган. Унинг умумий майдони 2164 десятина 712 сажени ташкил этган (тахминан 2359 га)²³⁸. Бундан ташқари, Меҳмонтўра ва яна 5 нафар киши камбағаллар ҳамда етим-есирлар учун Султон Маликтўра маҳалласида овқатланадиган жой ташкил этиб, уни вақф деб эълон қилган. Худоёрхон ушбу вақф маҳкамаларини солиқлардан тўла озод этган²³⁹.

Маъруфхон тўра шайх ул-ислом Зокирхўжа эшон шайх ул-ислом ўғли Наманган шаҳрининг Сардоба маҳалласида барпо қилган мадрасанинг 12 та ҳужжати сақланиб қолган. Мадраса, ўз навбатида, дарсхона, ҳужралар ҳамда масжид ва қорихонадан ташкил топган, мазкур мажмуага 1850 – 1874 йилларда Маъруфхон тўрадан ташқари турли амалдорлар томонидан катта миқдордаги ерлар вақф қилинган²⁴⁰. Биргина 1862 йилнинг ўзида Худоёрхон тарафидан Наманган беклигининг Тошбулоқ қишлоғидаги ерлар вақф қилиниб, солиқ ва мажбуриятлардан озод этилган.

Хонликдаги яна бир йирик тасаввуф намояндаси Меҳмонхон тўра Эшонхон Мавлавий ўғли мадрасаси ҳам жуда катта вақф ерларига эга бўлиб, унинг вақф хўжалигида яна бир қатор муассасалар: қорихона, масжид

²³⁶ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34517-иш.

²³⁷ Жуфт – 1 жуфт хўкиз билан ҳайдаладиган ер.

²³⁸ Набиев Р.Н. Вақфное хозяйство Кокандского ханства. – Ташкент: 2010. – С.123.

²³⁹ Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства... – С.101.

²⁴⁰ Қаранг: ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 343864-иш. XIX асрнинг 80-йиллари охирида мажмуанинг жами 1308 десятина 1909 сажени (тахминан 1429 га) вақф ери қайд қилинган.

қошидаги мактаб ҳамда ошхона мавжуд эди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг 19-фонди 1-рўйхатига тегишли 34865 рақамли йиғма жилдда сақланаётган мазкур шахс тарафидан Наманганда бунёд этилган мадраса ва унга вақф қилинган мулклар ҳужжатлари эътиборга молик.

Мазкур ҳужжатларнинг умумий таҳлилига қараганда, Меҳмонхон тўра мадрасаси ва унга хизмат қилувчи хайрия ошхонасига бир қатор кишилар тарафидан турли йилларда ер-мулклар эҳсон қилинган. Жумладан, 1867 – 1868 йилларнинг ўзида Наманганнинг Чортоқ ва Ўнҳаёт мавзеларида катта миқдордаги экин ерлар вақф қилинган. Бундан ташқари, айрим кишилар Кўҳистон мавзеидаги 17 та чек ерни 102 тиллога (1873), мадраса яқинидаги 16 жуфт ерни 63 тиллога (1873), Ёрқўрғон мавзеидаги шоликор ерни 29 тиллога (1874) сотиб олиб, мадраса фойдасига вақф қилганлар²⁴¹.

Ушбу мулклар 1864 йили Султон Саъидхон томонидан, 1867 йили Худоёрхон тарафидан турли солиқ ва йиғимлардан озод этилган²⁴².

Мадрасаларга зироат ерларини вақф қилиш бир қатор Тошкент ҳокимлари фаолиятида ҳам кўзга ташланади (масалан, Лашкар бекларбеги, Исо додхоҳ, Қаноат оталиқ, Мирзо Аҳмад қўшбеги). Хусусан, 1836 йилда Исо додхоҳ Хожа Аҳрор мадрасаси фойдасига Қуруқ, Юлғунликсой ва Аччи мавзеларини²⁴³, 1858 йили эса Мирзо Аҳмад қўшбеги сув чиқариб обод қилган Занги ота, Оқтепа ва Эски Тошкент қишлоқларидаги ерларни Мўйи Муборак мадрасасига вақф қилиб берган²⁴⁴.

Қуйида хонликдаги мадрасаларнинг айрим амалдорлар томонидан таъсис этилган вақф мулклари ва тақсимотини бир вақф ҳужжати таҳлилида кўриб чиқамиз. Туркистон генерал-губернаторлигининг Сирдарё вилояти бошқармасига тегишли 17-жамғармадан ўрин олган вақфнома жами 51

²⁴¹ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34865-иш. 3-,6-,8-,12-,15-,19-варақлар.

²⁴² ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34865-иш. 24-68 варақлар.

²⁴³ ЎзР МДА. И.17-фонд, 1-рўйхат. 32663-иш, 32-варақ.

²⁴⁴ ЎзР МДА. И.17-фонд, 1-рўйхат. 32613-иш. 17-варақ.

каторда, рус фабрика қоғозига кўчирилган бўлиб, ҳижрий 1252 йил ражаб ойида (1836 йил октябрь – ноябрь) тузилган. Ҳужжатнинг сақланиб қолгани кейинчалик, 1884 йилнинг март – апрель ойларида Тошкент шаҳридаги қозихонада қайта кўчирилиб, тасдиқланган нусхасидир²⁴⁵.

Вақф мулки таъсисчиси Исобек додхоҳ Тошкент ҳокимларидан бири бўлиб, у Муҳаммад Алихон (1822 – 1841) томонидан 1822 йили Тошкент ҳокими этиб тайинлангани маълум²⁴⁶. Вақфнома эса у ҳокимликдан тушгандан сўнг, 1836 йили тузилган бўлса керак. Ҳужжатда Исобек додхоҳ Кўкча даҳасининг Ҳожимулуқ маҳалласида бунёд эттирган бир сарой ва Тошкент кўрғони ташқарисидаги учта ерни, яъни Тошкент кўрғони ташқарисидаги Қорақамиш ариғида, Оқтепа яқинидаги Қўруқ мавзеида, Юлғунликсой ва Аччи мавзелари ҳамда Навкесган ариғидаги ерларни Тошкент шаҳрининг Бозоргул маҳалласида жойлашган Хожа Аҳрор мадрасаси талабаларига вақф қилган.

Воқифнинг шартларига кўра, вақф мутаваллиси мадраса мударриси бўлган ва у мадрасанинг бошқа мутаваллиларида мустақил иш олиб бориш ҳуқуқига эга эди. Мутавалли даромаддан ўз улуши сифатида 1/10 ҳажмда тавлият ҳақини олгач, қолганини мадраса иморати таъмирига сарфланиши белгиланган. Агар бино таъмирга муҳтож бўлмаса, уч қисмга бўлиниб, 1/3 қисми мударрисга, 2/3 қисми эса тўққиз қисмга бўлиниб, 7/9 қисми талабаларга берилиши кўрсатилган. Қолган икки қисми: 2/5 қисми мадраса масжиди имомига, 1/5 қисми муаззинга, 1/5 қисми фаррошга, 1/5 қисми сартарошга ажратилган.

Архив маълумотларига қараганда, XIX асрда 300 десятинадан кўп ер Хожа Аҳрорнинг Тошкентдаги мадрасаси вақф хўжалигига тегишли бўлган.

²⁴⁵ ЎзР МДА. И.17-фонд, 1-рўйхат, 32663-иш.

²⁴⁶ Бейсембиев Т. Высшая администрация Ташкента и юга Казахстана в период Кокандского ханства: 1809 – 1865 гг. // Историко-культурные взаимосвязи Ирана и Дашти Кипчака в XIII – XVIII вв. Материалы международного круглого стола. – Алматы, 2004. – С.293.

Уларнинг аксарияти Тошкент воҳасида, асосан, Чирчиқ, Оҳангарон ва Келес дарё ҳавзаларида жойлашган эди²⁴⁷.

Хонликнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, Тошкентда ҳам вақф ерларини ажратишда ўша жойнинг географик имкониятлари ҳам ҳисобга олинган. Ушбу масала Тошкент вилоятининг сувга бой тоғолди ҳудудларида шоликор ерларни вақф қилиш анъанага айланганини кўрамыз. Жумладан, биргина Овлиқ қишлоғидаги мадрасанинг 1265/1848 йилга тегишли бир вақфномасида Оқтерак мавзеида тўртта шоликор ер ва Жигда ариғидан сув олувчи унча катта бўлмаган экин ерлар вақф қилинган²⁴⁸. Вақфнома Худоёрхон муҳрлари билан тасдиқланиб, шолипоярлар давлат солиқ ва мажбуриятларидан озод қилинган.

Давлат амалдорларининг ўзлари қурдирган мадрасаларга катта миқдордаги деҳқончилик ерларини вақф қилиши 1865 йилдан сўнг, Тошкент ва Сирдарё бўйларидаги ҳудудларнинг Қўқон хонлигидан тортиб олинганидан кейин ҳам давом этди. Масалан, 1870 йили хоннинг энг яқин амалдори Абдурахмон офтобачи Андижоннинг Сой маҳалласида қурдирган мадрасасига Олтинкўл қишлоғида жойлашган 12000 таноб ерни вақф қилган эди. Вақф мулкларидан олинган даромад мутаваллидан ташқари мадрасада таълим олаётган 80 та талабага ва иккита мударрисга берилган²⁴⁹.

Мактабларнинг вақф мулклари мадрасаларникига қараганда анча кам бўлган. Масалан, Андижон беклигининг XIX асрга оид 117 та мактабидан 46 тасининг даромади бўлган. Кўпчилик мактабларнинг вақф мулки катта бўлмаган экин ерларидан иборат эди. Бу ерлар деҳқонларга ижарага берилган. Ижара ҳақи, одатда, етиштирилган ҳосилнинг бешдан икки қисмини ташкил этган. Деҳқон мактабга ижара ҳақини, асосан, етиштирган маҳсулотидан берган. Жумладан, Найман волостининг Найман қишлоғидаги

²⁴⁷ Кутибаев З.А. К истории вакуфных владений Ходжи Ахрара и его потомков: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1970. – С.10.

²⁴⁸ ЎЗР МДА. И.17-фонд, 1-рўйхат, 32665-иш.

²⁴⁹ ЎЗР МДА. И.47-фонд, 1-рўйхат, 1304-иш, 105-варак.

мактабнинг 3 таноб вақф ери бўлган. Мактаб бу вақф мулкидан етти чорак шоли даромад қилган. Шу волостнинг Жов қишлоғидаги мактаб эса 4 таноб вақф ерига эга бўлиб, ундан 15 рубль 20 тийин даромад қилган. Қўнғирот Поён қишлоғидаги мактаб 3 таноб вақф еридан 20 пуд ғалла даромад олган. Бунга ўхшаш маълумотни деярли барча мактабларда кўришимиз мумкин²⁵⁰.

Айрим мактабларнинг вақф мулки бошқалариникига қараганда анча катта бўлган. Масалан, Жанжал волостининг Таул қишлоғидаги мактабда бир ўқитувчи кўлида 9 ўқувчи таҳсил олишига қарамай, унинг 70 таноб вақф ери бўлиб, ҳар йили ўртача 100 рубль даромад олган²⁵¹. Бундай мактаблар хусусий мактаблар бўлганини эътибордан қочирмаслик керак.

Қўқон шаҳрининг Бешариқ маҳалласидаги мактабнинг вақф мулки бўлган бир карвонсарой ижарасидан бир йилда 57 рубль даромад қилинган²⁵². Қўқон уездининг Конибодом волости Конибодом қишлоғининг Қуйқозион (тўғриси Қуйи Қозиён, яъни қозилар кўчаси) маҳалласидаги мактабнинг эса 40 нафар ўқувчиси ва 1 нафар домулласи бўлиб, унинг 6 таноб ер, 3 таноб боғи ва 711 рубль вақф пули бўлган²⁵³.

Маълумки, барча мулклар қатори вақф мулкларидан ҳам солиқ олинган. Лекин хон ва амирлар ҳамда вилоят ҳокимлари томонидан берилган солиқдан озод қилиш ҳақидаги иноятнома асосида солиқ йиғувчилар бундай ўқув юртлари вақф ерларидан солиқ олмаганлар²⁵⁴. Ўз навбатида, улар томонидан мазкур вақф маҳкамаларига, яъни мактаб, мадрасаларга солиқдан озод қилингани ҳақида махсус иноятнома берилган. Шу билан бирга, вақф ҳужжатида хоннинг муҳри босилган. Мактаб, мадраса ва бошқа вақф маҳкамаларига берилган иноятнома фақатгина мана шу амир ёки хоннинг

²⁵⁰ Қаранг: ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12554-иш, 18 – 19-варақлар.

²⁵¹ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12554-иш, 24 – 25-варақлар.

²⁵² ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12554-иш, 11 – 12-варақлар.

²⁵³ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 12554-иш, 25 – 26-варақлар.

²⁵⁴ ЎзР МДА. И.1-фонд, 12-рўйхат, 79-иш, 6-варақ.

хукмронлик қилган давридагина амалда бўлиб, бошқа бир хон ёки амирнинг ҳокимият тепасига келиши билан ўз кучини йўқотган²⁵⁵.

Ҳукмдорлар томонидан вақф хўжаликларига ёрлик ва иноятномалар берилиши бўйича вақф мулклари иккига ажратилган:

1. “Оқ вақфлар”, яъни солиқлардан озод этилганлар;
2. “Қора вақфлар”, яъни солиқ тўлайдиганлар²⁵⁶.

Юридик жиҳатдан ҳар иккала вақф мулкининг ҳуқуқлари тенг бўлса-да, солиқлардан озод этилиши туфайли, “Оқ вақфлар”га эгалик қилувчи вақф муассасаларининг иқтисодий аҳволи анча яхши бўлган. Чунки вақф ерларни “Оқ вақфлар”га айлантириш Қўқон хонларининг махсус ёрлиқлари билан кучга кирган ва улар ҳукумат эътиборида бўлган.

Давлат солиқ ва мажбуриятларидан озод этилган бундай вақф ерларини ижарага олувчилар кўпчиликни ташкил этган. Бундай ерларни ижарага олган деҳқонлар ўз оилалари билан кўчиб келиб ўрнашганлар ва бу вақт ўтиши билан “Оқ вақфлар” аҳоли яшайдиган ва аҳоли яшамайдиган вақф мулкларига бўлинишига олиб келди. Аҳоли яшамайдиган вақф дейилганда, анча қисқа муддатга ижарага берилган вақфлар тушунилади ва бу ерлардаги ижарачилар ёки шу ерда ишлаётган шахслар ўзларига яшайдиган жой кура олмаганлар, дарахт эка олмаганлар. Бу ер вақфларини шариат қонунларига бўйсунган вақфлар деб айтиш мумкин²⁵⁷.

Аҳоли яшайдиган вақф ерлар, шариатга кўра, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга ижарага берилиши кўзда тутилган бўлса-да, амалда ҳар доим ҳам бунга амал қилинмаган. Ижарачилар ердан узоқ муддат фойдаланиши натижасида уй-жойлар қуриб, боғлар яратган. Оқибатда вақф мулки аҳоли яшайдиган вақф ерларига айланган. Бу ҳол кейинчалик вақф муассасаси ва

²⁵⁵ Болтабоев С. Д. Туркистондаги вақф мулклари тарихи. – Наманган, 2005. – Б.10.

²⁵⁶ Наливкин В.П. Положение вакуфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания // Ежегодник Ферганской области. – Новый Маргелан, 1904. Т.III. – С.11.

²⁵⁷ Болтабоев С. Д. XIX асрнинг 2- ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида вақф мулклари: Тар. фан. номз... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТИ, 1995. – Б.30.

аҳоли ўртасида жиддий зиддиятларни келтириб чиқарган. Масалан, Мирзо Аҳмад қўшбеги Тошкентда ҳоким бўлиб турган вақтда сув чиқариб обод қилган Эски Тошкент, Сариоғоч ва Октепадаги ерларни ўзи қурдирган Мўйи Муборак мадрасасига вақф қилган. Мазкур ерлар Худоёрхон томонидан солиқ ва мажбуриятлардан ҳам озод қилинган. Бироқ ушбу ерларга кўчиб келиб узок вақт ижарадор бўлиб қолган корандалар бу ерларнинг доимий аҳолисига айланган ва ижара сифатида фойдаланиб келган вақф ерларни мадраса мутаваллиси ихтиёрига қайтаришдан бош тортганлар²⁵⁸. Чунки 1886 йили қабул қилинган қонунга кўра, аҳоли яшайдиган вақф ерларнинг истиқомат қилиб турган аҳоли кўлига топширилиши ва уларнинг давлат хазинасига солиқ тўлаши белгилаб қўйилган эди. Айни шу ҳолатни Намангандаги Сайидкулибек мадрасаси ва унинг Умархон даврида қазилгач вақф қилинган Янгиариқдан сув ичувчи ерлардаги ижарачи аҳоли ўртасидаги зиддиятлар мисолида ҳам кўриш мумкин²⁵⁹.

Архив маълумотларига қараганда, 1866 йили Тошкент мадрасаларининг вақф ерлари 6615 танобни ташкил этган. Тошкент мадрасалари орасида вақфдан тушадиган даромади энг юқори мадраса Хожа Аҳрор мадрасаси бўлиб, унинг йиллик даромади 3100 рублни ташкил этган²⁶⁰. Албатта, вақф мулклари мактаб ва мадрасалар фаолиятининг доимийлигини ҳамда сифатини таъминловчи асосий мезонлардан бири эди.

Ана шу сабаблардан келиб чиққан ҳолда Н.П.Остроумов ўз кузатувлари асосида вақф мулклари билан таъминланганлик ва уларнинг даромади жиҳатидан мадрасаларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб кўрсатган эди²⁶¹:

²⁵⁸ Набиев Р. Вақфное хозяйство Кокандского ханства... – С.521 – 522.

²⁵⁹ ЎзР МДА. И.47-фонд, 1-рўйхат, 328-иш, 11 – 12- варақлар.

²⁶⁰ Пален К.К. Отчёт по ревизии учебного дела Туркестанского края. – СПб.: Тип. Сенатская, 1910. – С.120.

²⁶¹ Остроумов Н.П. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. – Ташкент: Туркестанские ведомости, 1914. – С.167.

1. Йирик мадрасаларда вақфдан тушадиган йиллик даромад 40000 – 250000 тангани ташкил этган. Уларда юзга яқин хужра бўлиб, беш нафардан ўн нафаргача мударрис хизмат қилган. Талабаларнинг сони 150 дан ортиқ, баъзи ҳолларда минг кишига етган. Бундай мадрасалар, асосан, йирик пойтахт шаҳарларда жойлашган бўлиб, уларга Қўқондаги Муҳаммад Алихон, Мадрасайи Олий, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасалари мисол бўла олади.

2. Ўрта мадрасаларда вақф мулкидан тушадиган йиллик даромад 12000 – 35000 тангани ёки 1800 – 5250 рублни ташкил этган. Уларда хужралар сони 30 тадан ортиқ бўлиб, бир вақтнинг ўзида 50 нафардан 150 нафаргача талаба таҳсил кўрган. Мударрислар 2 – 4 кишидан иборат эди. Бундай мадрасалар шаҳарларда ва қишлоқ марказларида кенг тарқалган.

3. Кичик мадрасаларда вақфдан тушадиган йиллик даромад 5000 танга атрофида бўлган. Шу сабабли талабалар ва мударрислар сони кам, хужралар ҳам 15 – 20 дан ошмаган. Бундай мадрасалар қишлоқларда кўп бўлган.

4. Масжид-мадрасалар ўзининг алоҳида биносига ва махсус вақф мулкига эга бўлмаган. Улар масжид қошида, шу масжид маблағи эвазига фаолият юритган. Талабалар сони 10 нафардан 30 нафаргача етган. Улар масжид, мадраса яқинидаги ибтидоий мактабларда ўқиганлардан иборат бўлган. Масалан, Чимкентдаги Эрматбой масжиди қошида шундай мадраса бўлиб, унда 30 талаба таҳсил олган. Мударрисликни Бухоро мадрасаларидан бирида ўқиб келган Қўқондаги Миён Фазли Қаюм эшоннинг муриди шу масжид имомлиги билан қўшиб олиб борган²⁶².

Қўқон хонлигида яшаган халқлар, уларнинг турмуши, маданияти, урф-одатлари ва шу каби масалалар билан қизиқиб маълумотлар тўплаган ва ўша маълумотлар асосида бир қанча асарлар ёзган В.П.Наливкиннинг таъкидлашича, мадрасаларнинг вақф даромадларидан бир қисми, аввало, вақф мулкини сақлаб туриш, мадраса биносини таъмирлаш (шикасту рихт)

²⁶² ЎзР МДА. И.1-фонд, 18- рўйхат, 29-иш, 37-варақ.

учун ажратилган. Қолган қисмининг ўндан бири (тавлият) мутаваллига, учдан ёки тўртдан бир қисми (мадраса) мударрис ёки мударрисларга берилган. Қолгани муллалар (талабалар), мадраса қошидаги масжид имоми, сўфиси, сартароши ва фарроши ўртасида тақсимланган²⁶³.

Мадрасаларга қарашли вақф ерларида қишлоқ маъмурияти тасарруфидаги чоракорлар ва корандалар ишлаган. Чоракор ҳосилнинг чорак қисмини олган бўлса, корандалар вазиятга қараб ёлланиб ишлаганлар ва ҳосилнинг 1/5 қисмидан ярмигачасини олишган. Айни пайтда, корандалар ҳосилнинг 1/3 қисмини хонга топширганлар²⁶⁴.

Бошқа хонликларда бўлганидек, Қўқон хонлигида экин ерларидан иккита асосий солиқ: хирож ва танобона йиғиб олинган. Солиқ йиғиш ишларига махсус киши тайинланган бўлиб, одатда, мазкур вазифани омил ёки саркор бажарган. XIX аср иккинчи ярмида Қўқон хонлигида хирож ўтрок аҳолининг деҳқончилик еридан ҳосилнинг 1/5 қисмидан 1/2 қисмигача, танобона, асосан, полиз ва боғлардан пул ҳисобида олинган²⁶⁵. Хонликнинг солиқ тизимини алоҳида ўрганган Н.Н.Пантусовнинг ёзишича, мевасиз дарахтзорлардан 50 тийин, полизлардан 1 рубль, боғлардан 2 рубль кўринишида олинган²⁶⁶. Солиқ ва мажбуриятлардан озод қилиш ҳақида Қўқон хонлари, бекликларнинг ҳокимлари тарафидан ёрлик, иноятнома ва нишонлар берилган. Бундай имтиёз ҳужжатларда, одатда, муоф, марфу қалам ва тархонлик деб тилга олинган.

А.Жувонмардиев ва Р.Набиев тадқиқотларида Қўқон хонлиги ҳудудидаги вақф муассасаларини XVI – XIX асрлар давомида солиқ ва давлат мажбуриятларидан озод қилиш ҳақидаги 300 га яқин ана шундай

²⁶³ Наливкин В.П. Что дает Средне-Азиатская мусульманская школа в образовательном и воспитательном отношениях? – СПб.: Б. и., 1900. – С.239.

²⁶⁴ Бобоев Ҳ. ва бошқ. Ўзбек давлатчилиги тарихи (II китоб). – Тошкент, 2009. – Б.444.

²⁶⁵ Гейнс А.К. Управление Ташкента при Кокандском владычестве // Собрание литературных трудов. В 3-х томах. – СПб., 1897 – 1899. Т.II. – С.480.

²⁶⁶ Пантусов Н.Н. О податях и повинностях, существовавших в бывшем Кокандском ханстве и последнее время правления Худаярхана // Туркестанские ведомости. 1876. – №16.

ёрлиқлар ўрганилган. Хусусан, А.Жувонмардиев ишлари Намангандаги Короскон хўжалари вақф хўжалигига тегишли, Р.Набиевнинг изланишлари эса бутун хонлик ҳудудига тегишли вақф муассасаларига тааллуқли²⁶⁷. Мазкур ҳужжатларнинг анчагина қисми Қўқон хонлиги даврига тўғри келади.

Қуйида Худоёрхон томонидан 1288/1871 – 1872 йили Андижондаги Насриддинбек мадрасаси вақф ерларини солиқлардан озод қилиш ҳақидаги иноятномасининг қисқача мазмунини келтириб ўтамыз²⁶⁸:

“Бугунги кунда Андижоннинг ҳокимлари, омиллари, мубоширлари ва шу ишга бевосита алоқадор кишилар ва бошқалар оғоҳ бўлиб билсинлар. Кўзимизнинг қароси Саййид Муҳаммад Насриддинбек мадрасасининг толиби илмлари ва дуоғўйларига хисравона марҳаматимиз билан иноят кўрсатиб, Андижоннинг ғарб тарафида жойлашган Насриддинобод мавзесининг, чегаралари вақфномасида келтирилган, давлат хирож ва танобонасини шу мадрасага вақф қилиб шаръий жиҳатдан тасдиқлайман. Токи ҳоким ва омиллар, давлат мутасаддиларидан ҳеч бири хирож ва танобона масаласида мазкур мавзе ва мадраса талабаларига дахл ва зулм қилмасинлар. Мадраса талабалари ушбу вақф [ер]нинг хирож ва танобонасини шароит ва вақфнома шартига кўра ўз ўрталарида тақсимлаб олиб, тўкин[-сочин]ликда илм олишга ва давлатимиз дуосига саъй-ҳаракат қилсинлар. 1288/1871– 1872 йил”.

Кўриниб турибдики, ҳужжатда вақфнома шартига асосан, Насриддинобод мавзеидаги ерларнинг хирож ва танобона солиқлари давлат фойдасига эмас, мадраса талабалари эҳтиёжи учун топширилган. Бу тўғрида 1871 йили тузилган вақфномага кўра, воқиф, яъни Насриддинбек тарафидан Чинобод ариғи бўйларида обод қилинган янги ерлар Насриддинобод

²⁶⁷ Қаранг: Жувонмардиев А. XVI – XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Тошкент: Фан, 1965. – 181 б.

²⁶⁸ Таржима ЎзР МДА И.19-фонд 1-рўйхат, 34178-ишдан ўрин олган ҳужжатнинг Р.Набиев кўчирган матни ва русча таржимаси асосида тайёрланди.

Андижон ҳоками бўлиб турган шахзоданинг Андижон шахрида қурдирган мадрасаси фойдасига вақф қилинган. Хонлик тугатилгандан сўнг, XIX асрнинг 80-йиллари охирларида, мазкур вақф ерлар текширилиб, жами 1537 десятина 1650 сажен, яъни 1676 *га* экани аниқланган²⁶⁹.

Айрим ҳолатларда бу ҳақда солиқ йиғувчи амалдорларга махсус ҳужжат – патталар ҳам юборилган. Сақланиб қолган Қўқон хонлари архивидаги ҳужжатлар кўпчилик мадрасаларнинг вақф ерлари хонларнинг иноятномаларига асосан хирож ва танобона солиқларидан озод қилингани ҳақида гувоҳлик беради. Масалан, Минг Шира хазиначи ўзининг 1285/1868 – 1869 йили Қўшариқ амлоқдорига Марғилондаги Подшоҳ Искандар мадрасасининг вақф ерларидан маккажўхори, сабзи, пиёз экинларидан хирож солиғидан, қовун полизидан танобона солиғидан озод қилингани тўғрисида патта-фармойиш юборилган. Ҳужжатга Минг Шер хазиначи муҳри босилган²⁷⁰.

Шунингдек, 1292/1865 йили Марғилон беги Султон Муродбек қози Мир Муҳаммад амин мадрасасининг вақф ерларидан етиштирилган пахтани хирож солиғидан озод қилиш тўғрисида патта-фармойиш берган. Ҳужжатга Муҳаммад Султон Муродбек ибн Шермуҳаммад Алихон муҳри босилган²⁷¹. 1287/1871 йили Мулла Абдул Жалил мирзабоши Муҳаммад Қосим мирохўрга юборилган ҳужжат эса Домулла Турсун Муҳаммад охунд мадрасасининг вақф ерларидаги бедани танобона солиғидан озод қилиш тўғрисидаги патта-фармойиш бўлиб, унга Мулла Абдул Жалил юзбоши муҳри босилган²⁷².

Лекин мадрасаларнинг ўз вақф ерларидан келадиган даромадни тинч йўл билан олиши ҳар доим ҳам кузатилавермайди. Турли сабаблар билан вақф муассасаси ва вақф ерини ижарага олган томон ўртасида зиддиятлар

²⁶⁹ Набиев Р. Вақфное хозяйство Кокандского ханства... – С.276 – 277.

²⁷⁰ ЎЗР МДА. И.1043-фонд, 1-рўйхат, 718-иш.

²⁷¹ ЎЗР МДА. И.1043-фонд, 1-рўйхат, 726-иш.

²⁷² ЎЗР МДА. И.1043-фонд, 1-рўйхат, 1143-иш.

келиб чиққан. Бундай муаммолар хон ҳузурида ёки қозихоналарда ечилган. Масалан, Қўқондаги Ҳокимойим мадрасаси талабаларининг Худоёрхонга ёзган арзномасида келтирилишича, мадрасанинг Хонобод қишлоғидаги вақф ерларида яшовчи қирғизлар сохта Пўлатхон ҳукуматидан сўнг хонлик қўшинида хизмат қилишларини баҳона қилиб хирож солиғи миқдорини мадраса фойдасига тўлашдан бош тортганлар²⁷³.

Хонлик ҳудудлари Россия империяси томонидан босиб олинган (1865 йилдан сўнг Сирдарё бўйлари ва Тошкент, 1876 йилдан сўнг Фарғона водийси), ўлкада вақф мулклари, айниқса, вақф ерларини ҳисобга олиш ва уларни назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар кучайтирилиб, имкон қадар уларни қисқартириб бориш сиёсати олиб борилди. Хусусан, 1886 йил 17 ноябрда қабул қилинган империя қарорига мувофиқ, Туркистон ўлкасидаги вақф хўжаликларига тегишли ҳужжатларни 1887 йил 1 июлга қадар текшириш ва тартибга солиш ҳақида махсус кўрсатма берилди. Кўп ўтмай Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомда ушбу вазифани бажариш вилоятлар бошқармаси зиммасига юклатилгани алоҳида модда сифатида киритилди²⁷⁴.

Натижада 1887 – 1888 йилларда бошқа вақф хўжаликлари қатори Тошкент шаҳри масжидлари вақфномалари ҳам ҳақиқийлигини қайта текшириш ва вақф мулкларини тафтиш қилиш баҳонасида қайддан ўтказилган. Тафтиш жараёнида ҳукмдорлар ёки қозихона амалдорлари муҳри бўлмаган ҳамда вақф қилинаётган мол-мулкларнинг аниқ чегараси, санаси кўрсатилмаган вақфномалар ҳақиқий эмас деб топилиши белгилаб қўйилди. Узоқ вақт вақфкор ерларда яшовчи ижарадорлар аҳоли яшайдиган вақф мулклари сифатида вақф мулкидан ажратилиб, давлатга солиқ тўловчи аҳоли ҳудудига айлантирилди. Масалан, Риштонда кўрик ерлар сув чиқариш

²⁷³ Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука, 1968. – С.18.

²⁷⁴ Положение об управлении Туркестанского края (Свод законов Российской Империи. Том второй. Извлечение). Издание 1892 года. Раздел третий: Поземельное устройство. Глава 1. – С.267.

орқали обод этилиб, Муҳаммад Алихон мадрасасига вақф қилинган ерлар аҳоли яшайдиган ерлар деб эълон қилинган ва бу ерлардан фойдаланаётган вақфкор деҳқонларга давлат солиғи солинган²⁷⁵ (бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин).

Бу эса ўлка маъмуриятининг ўз манфаатлари йўлида қилган “тадбир”ларидан бири бўлиб, унинг замирида шаҳар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётининг ажралмас қисмини ташкил этувчи мактаб, мадраса, масжидларга вақф қилинган катта ер майдонлари, кўплаб дўконлар ва бошқа кўчмас мулк шакллари ҳисобга олиш масаласи турар эди. Янги вақф мулкларини таъсис этиш эса, “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”га мувофиқ, фақатгина генерал-губернатор рухсати билан амалга оширилган.

Бундай тадбирлар кейинчалик россиялик тадбиркорларнинг аслида вақф мулки бўлган ер майдонларини осонлик билан арзон нархларда сотиб олишига имкон берди.

Ўлка маъмурияти вақф мулклари билан боғлиқ барча ишлар мутавалли кўлида эканини яхши билган. Шу сабабли бўлса керак, бу борада “етук мутахассис” В.П.Наливкин ўз ҳисоботида барча мутаваллилар устидан генерал-губернаторлик назоратини ўрнатиш, уларни тайинлашнинг махсус тартибини ишлаб чиқиш, ҳар бир вақф хўжалигининг мутаваллилари сонини биттадан оширмаслик таклифини билдирган²⁷⁶.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, вақф мулклари хонликдаги мактаб ва мадрасалар ташкил этилиши, фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳамда узоқ йиллар хизмат қилишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Гарчи мактаблар вақф мулкларисиз ҳам фаолият юритса-да, мадрасалар алоҳида молиявий таъминоти бўлмаса, иш олиб бора олмаган. Одатда, хусусий мактабларгина фарзандлари ва авлодларининг яхши таълим олишини истаган ўзига тўқ

²⁷⁵ ЎзР МДА. И.1-фонд, 12-рўйхат, 218-иш, 141 – 142-варақлар.

²⁷⁶ ЎзР МДА. И. 47-фонд, 1-рўйхат, 328 – иш, 28-варақ орқаси.

кишилар томонидан вақф билан таъминланган. Шу сабабли аксарият ҳолларда мадрасаларга турли шахслар тарафидан вақф мулклар ажратилган. Вақфга ажратилган мулклар орасида узоқ вақт сақланиб туриши мумкин бўлган ер майдонлари: экин ерлар, боғлар ва ҳали ўзлаштирилмаган қўриқ ерлар алоҳида ажралиб турган.

Баъзи ҳолларда хонлар ёки ҳокимлар қўриқ ерларга сув чиқариб обод қилгач, улардан келадиган даромаднинг бир қисмини вақф сифатида белгилаганлар. Бу ҳолатни Умархон ҳукмронлигининг сўнгги йилларида Наманган беклигида Норин дарёсидан қазилган Янгиариқ бўйлаб ўзлаштирилган ерлар Намангандаги Сайидқулибек мадрасасига вақф қилинганидан кўриш мумкин. Шунингдек, Муҳаммад Алихон даврида Хонариқ, Худоёрхон даврида Улуғнаҳр ариқлари қурилиши муносабати билан ўзлаштирилган ерларнинг ҳам маълум бир қисми вақф ерларга айлантирилган эди. Бу анъана бекликлар ҳокимлари томонидан ҳам амалга оширилган.

Бироқ 1887 йили Туркистон ўлкасида бошланган вақф соҳасидаги ислоҳотлар натижасида собиқ хонлик ҳудудидаги вақф ерларга эгалик қилувчи вақф хўжаликлари ҳаммадан кўп зарар кўрди. Бундай вақф мулклари ҳужжатлари бир қисмининг ҳақиқий эмас деб топилиши, ерларнинг аниқ чегара ва жойлашган ўрни кўрсатилмагани ва мазкур ерларда узоқ йиллардан бери аҳоли истиқомат қилиши каби бир қатор сабаблар билан таълим муассасаларининг бир неча асрлик вақф ерлари тортиб олинди. Бу эса хонликдаги анъанавий таълим муассасалари молиявий аҳволининг кескин заифлашувига, айрим мадрасаларнинг маблағ етишмаслигидан ўз фаолиятини тўхтатишига ҳам олиб келди.

3.2. Анъанавий ўқув юртлари фаолиятида савдо-саноат вақф мулкларининг ўрни

Қўқон хонлигида ҳам экин ерлари билан бир қаторда карвонсарой, бозор, дўкон, раста, тегирмон, обжувоз, ҳаммом ва бошқа мулкларни кўпчилик фойдаланиши учун вақф қилиш бир неча асрлардан буён амалда қўлланиб келинаётган анъана эди.

Масалан, 1066 йили қорахонийлар ҳукмдори Иброҳим Тамғачхон тарафидан берилган Самарқанд шифохонаси вақфномасида Самарқанд шаҳрида вақф қилинган савдо дўконларини учратамиз²⁷⁷. Қолаверса, темурийлар ва шайбонийлар даврига мансуб Хуросон ҳамда Мовароуннаҳр худудидаги вақф хўжаликлари ҳужжатларида ҳам савдо-хунармандчилик дўконлари, бозорлар, карвонсарой ва ҳаммомларни вақф сифатида ажратиш жуда кенг тарқалганини кўриш мумкин²⁷⁸. Тадқиқотчиларнинг ёзишича, Ўрта Осиё бозорлари турли савдо ва хунармандчилик соҳаларига ихтисослашган дўкон ва расталардан иборат бўлиб, ўрта асрларда Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида тим, тимча, тоқ, чахорсук ва каппон сингари кўплаб махсус бозор иншоотлари кенг тарқалган²⁷⁹. Шайбонийлар маликаси Меҳр Нигорхонимнинг XVI асрга оид вақфномасини ўрганган Р.Г.Мукминованинг қайд қилишича, ушбу вақфноманинг ўзида Самарқанд шаҳрида жойлашган 82 турдаги дўконлар тилга олинган²⁸⁰.

²⁷⁷ Большаков О.Г. Два вакуфа Ибрахима Тамгачхана в Самарканде // Страны и народы Востока. Средняя и Центральная Азия. – М.: Наука, 1971. Вып.10. – С.172.

²⁷⁸ Қаранг: Maria E. Subtelny. Timurids in Transition Turko-Persian Politics and Acculturation in Medieval Iran. – P.237, 238, 261; Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам «Вакуф-наме». – Ташкент: Наука, 1966. – С.27, 29, 59.

²⁷⁹ Мукминова Р. Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам «Вакуфнаме». – Ташкент: Фан, 1966. – С.29; Чехович О.Д. Самаркандские документы XV – XVI вв (О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистане). – М.: Вост. лит., 1974. – С.265, 271; Джураева Г.А. Вакуфные грамоты как источник по социально-экономической истории Бухары в XVI – XVII вв: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИВ АН РУз. 1985. – С.13, 18.

²⁸⁰ Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. ... – С.28.

Қўқон хонлиги вақф хўжалигида савдо-саноат вақф мулкларига кирувчи объектларни характерига кўра қуйидаги учта катта туркумга киритиш мумкин:

1. Савдо объектлари: бозорлар ва расталар, карвонсарой, каппон, тим, савдо дўконлари;
2. Хунармандчилик ва баққоллик дўконлари;
3. Жамоага (оммага) хизмат кўрсатиш объектлари: ҳаммом, тегирмон, обжувоз ва бошқалар.

XIX асрда Қўқон хонлиги ва унинг собиқ ҳудудларида бўлган Ф.Назаров (1814), П.Пашино (1866), А.П.Хорошхин (1868), Ю.Скайлер (1872), Н.Маев (1876), А.К.Гейнс (1898), А.Н.Добросмыслов (1912) каби кўплаб сайёҳлар хонликда савдо ва хунармандчилик соҳасининг қанчалик сердаромад эканига алоҳида эътибор қаратганлар. Г.А.Михалеванинг мазкур сайёҳлар маълумотларига асосланиб ёзишча, хонлик шаҳарларида ҳафтанинг тегишли кунларида махсус бозорлар, улгуржи ва чакана савдо бозорлари фаолият кўрсатган. Масалан, XIX асрнинг 20-йилларида Тошкент шаҳрида якшанба, чоршанба ва пайшанба кунлари қизгин бозор кунлари бўлган²⁸¹. Лекин шаҳарнинг турли қисмларидаги кундалик турмуш тарзи учун зарурий бўлган маҳалла ва гузар бозорлари, карвонсаройлардаги савдо расталари ҳар куни фаолият кўрсатган²⁸².

Савдо-саноат вақф мулклари орасида энг кўп тарқалгани, шубҳасиз, савдо-хунармандчилик ва баққоллик дўконларидир. Бозорлардаги савдо-хунармандчилик дўконларининг хилма-хиллиги, сердаромадлиги бозор инфратузилмаси ва унинг қанчалик фаол ишлаши билан боғлиқ эди. Йирик шаҳарлардаги бозорлар, табиийки, жуда гавжум, сердаромад бўлган ва бу

²⁸¹ Михалева Г.А. История Узбекистана XVIII – XIX в.: Ремесло, торговля и пошлина. – Ташкент: Фан, 1991. – С.42 – 43.

²⁸² Тошкент бозорлари ҳақида қаранг: Зияев А. Базары Ташкента. В прошлом и настоящем. Историко-архитектурный очерк. – Ташкент: Санъат, 2008. – С.22 – 26.

ердаги вақф дўконлари ижарасидан катта фойда кўрилган. Нақд пул муомаласи муаммога айланиб бориши натижасида, савдо муносабатлари инқирозга учраб бораётган шаҳарчалар, қишлоқларда дўконлар вақф хўжалигига деярли даромад келтирмаган. Айрим ҳолларда мадрасаларнинг ҳовлиларида, туташ кўчаларда ҳам баққоллик дўконлари куриб ишга туширилган.

Ўрта асрлар давомида мадрасалар шаҳар марказларида, бозор ва гузарлар ёнида курилиб, унга туташ ерлар мазкур мадрасага вақф қилингани маълум. XIX асрга келиб янада гавжумлашган мадрасалар ён-атрофи унинг яқинидаги бозорларга туташиб кетган. Натижада мадрасаларга тегишли ерларга мутавалли томонидан кўплаб дўконлар курилиб, ижарага берилган. Баъзан фуқароларнинг ўзлари дўкон куриб, жойдан фойдалангани учун мадрасага тағжой ҳақи тўлаб турган.

Бу турдаги вақф мулклари орасида карвонсаройлар, ҳаммомлар, тегирмон ва обжувозлар ҳам бўлиб, улар дўконларга нисбатан камроқ тарқалган.

Қуйида хонликдаги таълим муассасаларининг савдо-саноат вақфлари ва уларнинг таълим жараёнига таъсирини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Қўқондаги Норбўтахон мадрасасига 19 та савдо дўкони ва 1 та карвонсарой вақф қилинган. 57 хужрадан иборат бу мадрасада 120 га яқин муллалар таҳсил олиб, уларга 7 нафар мударрис сабоқ берган. Юқори босқич талабалари 16 рубль, ўрта босқич талабалари 8 рубль, қуйи босқич талабалари 4 рублдан стипендия олганлар²⁸³. Мингойим мадрасаси эса битта карвонсарой ва 14 та вақф дўконига эгалик қилган. Карвонсарой Қўқон шаҳрининг Кочас бозорида жойлашган бўлиб, девор билан ўралган. Карвонсарой ҳудудида савдогарларнинг от, туялари қўйиладиган бостирма ва

²⁸³ ЎзР МДА. И.47-фонд, 1-рўйхат, 328-иш, 32-варақ.

омборхонаси жойлашган, ундан келадиган ижара ҳақи мутаваллига топширилган²⁸⁴.

Қўқондаги савдо-саноат вақфлари сони ва уларнинг даромади турлича бўлган. Масалан, Қўқон шаҳрида Умархоннинг Жомеъ мадрасасига 30 та дўкон ва Яйпан қишлоғидаги бозор, Моҳларойим мадрасасига 17 та, Муҳаммад Алихон мадрасасига 41 та дўкон, битта каппон²⁸⁵, кўмир ва туз бозорлари, Ҳокимойим мадрасасига 32 та дўкон, Аминбой мадрасасига 1 та карвонсарой ва 25 та дўкон вақф қилинган²⁸⁶. Албатта, бу каби мадрасаларнинг савдо-саноат вақфларидан ташқари экин ерлари ҳам бўлган. Шу сабабли бу каби мадрасаларни вақф мулки ва даромади кам мадрасалар каторига киритиб бўлмайди.

Айрим мадрасалар жуда катта савдо-саноат вақфларига эгалик қилиб, шаҳар ва қишлоқларнинг асосий савдо айланмасини ташкил этарди. Ана шундай мадрасалардан бири Маҳмуд дастурхончи мадрасаси бўлиб, унга туташ ерда 25 та, Катта сой бўйида 55 та, шаҳар бозорида 2 та дўкон хонлик ерларидан сотиб олинган жойларда барпо этилиб, мадрасага вақф қилинган. Даромаднинг 1/10 қисми Маҳмуд дастурхончи авлодларидан бўлган мутаваллига, қолгани мадраса ва вақф биноларини таъмирлашга ишлатилган. Мадраса вақфномасида кўрсатилишича, ушбу мулклардан келадиган даромаднинг қолган қисми тўртга бўлиниб, бир қисми мударрисга, қолган уч қисми саккиз бўлакка бўлиниб, мадраса мударриси, талаба ва бошқа хизматчиларига берилган²⁸⁷ (албатта, мадрасанинг мазкур дўконлардан ташқари Қўқон, Андижон ва Шаҳрихондаги экин ерлари ҳам вақф қилинганини ёддан чиқармаслик керак).

²⁸⁴ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34527-иш, 6-варақ.

²⁸⁵ Каппон – дон, ғалла бозори.

²⁸⁶ ЎзР МДА. И.47-фонд, 1-рўйхат, 328-иш, 30 – 35-варақлар.

²⁸⁷ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34226-иш, 2 – 4-варақлар.

Марғилон ҳокими Султон Муродбекнинг 1874 йили Қўқон шаҳрининг Чорсу даҳасида қурдирган мадрасаси савдо-саноат вақфлари ҳам шаҳар иқтисодий тизимида салмоқли бўлган деб айтиш мумкин. Султон Муродбек ўзининг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб мадрасанинг фаолиятини кўллаб-қувватлаш мақсадида Қўқон шаҳридаги 96 та дўкон, Эски Марғилон бозорида Нахшин Сарой деб номланган карвонсарой ва унинг атрофидаги 114 та дўконни вақф қилган²⁸⁸.

XIX аср ўрталарига келиб Марғилон энг катта савдо бозорларига эга бўлган. Савдо ривожлангани туфайли, Марғилон шаҳар марказий бозорида 2246 та савдо расталари мавжудлиги таъкидланган. Шундан 489 таси давлатга қарашли, 686 таси вақф мулки, 1071 таси хусусий бўлган²⁸⁹.

Тошкент шаҳрида йирик савдо мавзелари: Чорсу, Регистон, Гулбозор (Бозоргул ҳам дейилган) мавзелари, Қафқол Шоший, Шайх Хованд Тохур мазорлари яқинидаги майдонларда минглаб савдо-хунармандчилик дўконлари жойлашган бўлиб, уларнинг аксарияти эгалари томонидан шаҳардаги мадраса ва масжидларга вақф қилиб берилган.

Хожа Аҳрор, Кўкалдош, Мўйи Муборак ва Эшонқули додхох мадрасалари Қўқон хонлиги шунингдек, мустамлака даврида ҳам Тошкентдаги энг бой мадрасалардан эди. XIX асрнинг 70 – 80-йилларига келиб ушбу таълим муассасаларининг 100 тадан 300 тагача ижарага берилган вақф дўконлари ҳамда тағжой ҳақи берадиган турли дўконлари, карвонсарой, ҳаммом, тегирмон ва обжувозлари мавжуд эди. Хусусан, Кўкалдош мадрасасининг вақф ерларидан ташқари Чорсу бозорининг ўзида 300 га яқин ана шундай савдо-хунармандчилик дўконлари бўлган. Эшонқули додхох мадрасасининг эса Регистон майдонининг ўзида 200 га яқин турли дўкон, 4

²⁸⁸ ЎзР МДА. И.19- фонд. 1-рўйхат, 4466-иш, 24-варақ орқаси, 30-варақ.

²⁸⁹ Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства... – С.226.

та тегирмон, 1 та карвонсаройдан иборат вақф мулки бўлиб, бундай дўконлар Гулбозор, Маҳсидўзлик маҳалларида ҳам ишлаб турган²⁹⁰.

Султон Саъидхон тарафидан 1864 йили Абулқосимхон мадрасасига Маҳкама мавзеида 1 та сарой, Эски Намозгоҳ мавзеида 14 та дўкон, Арпапоё маҳалласида 2 та тегирмон, 1 та саройча, Поякилик растасида 3 та дўкон, шунингдек, шаҳардаги маҳаллаларда жами 50 га яқин дўконлар вақф қилиниб, Абулқосимхон эшон мутавалли этиб тайинланган²⁹¹.

Кўкалдош мадрасаси XVI асрда қурилиб ишга туширилган бўлиб, дастлаб шаҳар атрофидаги ерлар вақф қилинган. Кўкон хонлиги йилларида унинг савдо-саноат вақфлари аввалгига қараганда анча ортди. Чорсу бозори ёнида жойлашган Кўкалдош мадрасасининг ижарага берилган ва жойидан фойдаланаётган вақф дўконлари XIX асрнинг 70-йилларига келиб 300 га яқин эди. Бироқ 1865 йили Тошкент босиб олингач, генерал М.Г.Черняев буйруғи билан Чорсу бозорини тартибга келтириш мақсадида қилинган ишлар жараёнида мадрасага тегишли бўлган жуда кўплаб савдо расталари бузиб ташланди²⁹².

Исабек қўшбеги томонидан 1842 йили Андижоннинг Олайлик даҳасида пишиқ ғишдан қурилган мадраса вақфномасида вақф қилинган савдо-хунармандчилик объектлари ва дўконларининг миқдори, жойлашган ўрни ва чегаралари кўрсатилган, улар қуйидагиларни ташкил этган:

1. Андижон шаҳрининг Олайлик даҳаси томонидаги бозор яқинида жойлашган карвонсарой;
2. Марғилон шаҳрининг Марғилон бозоридаги карвонсарой;
3. Андижон шаҳри бозорида мадрасанинг ғарб томонида жойлашган 17 та дўкон;

²⁹⁰ ЎзР МДА. И.17-фонд. 1-рўйхат, 32653-иш.

²⁹¹ Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари... – Б.161.

²⁹² Исмоилова Д. Ислом динининг Туркистон ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётидаги ўрни ва роли (XIX аср охири – XX аср бошлари): Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТИ, 2005. – Б.40.

4. Андижон шаҳри бозоридаги 37 та дўкон;
5. Андижон шаҳридаги 12 устунлик узун пешайвон;
6. Андижон шаҳри бозоридаги Қатиқ растасидаги 4 та дўкон;
7. Андижон шаҳридаги ҳаммом;
8. Андижон шаҳри бозорида жойлашган карвонсарой;
9. Андижоннинг Қозиён, Содик девонбеги маҳалласидаги тегирмонлар;
10. Андижон сойидаги обжувозлар²⁹³.

Бу савдо-саноат вақф мулклари мадраса мутаваллиси томонидан ижарага берилган ва, табиийки, катта миқдорда даромад олган. Вақфномада кўрсатилишича, мадрасада иккита мударрис: Мулла Муҳаммад Амин Мулла Абдухолиқов ва Мулла Муҳаммад Раҳим Мулла Бобоназаровлар фаолият кўрсатган. Воқиф шартига кўра, мутаваллилик мударрислар қўлида бўлган. Шу сабаб улар мударрислик ҳақидан ташқари мутаваллига бериладиган 1/10 ҳажмдаги каттагина маблағга ҳам эга бўлганлар. Қолган қисми эса анъанавий тарзда мадраса ва вақф қилинган иншоотлар таъмири, талабалар нафақаси ва бошқа хизматчилар ўртасида тақсимланган. Вақфноманинг эътиборли томони шундаки, воқиф ҳар бир вақф объектлари даромадини тегишли шахсларга ажратган. Масалан, тегирмонлар ва обжувозлар даромадининг ўндан бир қисми мутаваллиларга, тегирмонлар даромади мударрисларга (яъни мутавалли лавозимидаги мударрисларга), обжувозлар даромадининг қолгани мадраса талабаларига поғоналарига қараб тақсимланган²⁹⁴.

Ўртаҳол мулкдорлардан бири Бердихўжабек Ризақулбеков 1278/1861 – 1862 йили Андижон шаҳрида қурдирган мўъжазгина мадрасанинг моддий

²⁹³ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34203-иш, 4-5 варақлар.

²⁹⁴ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34203-иш, 5-варақ.

базасини Сангриобод қишлоғидаги тегирмон ва Қўқонқишлоқ қишлоғидаги 4 та дўкон ташкил этган²⁹⁵.

Намангандаги мадрасалар савдо-саноат вақфлари ҳам хонликнинг бошқа ҳудудларидан фарқ қилмаган. Хусусан, Наманган беклигининг Чуст шаҳрида Худоёрхон томонидан 1870 йили очилган Хон мадрасасига 36 та савдо дўкони, 1 та ҳаммом вақф мулки қилиб берилган²⁹⁶.

Қишлоқлардаги мадрасалар шаҳарлардагига нисбатан кичик, вақф мулклари, айниқса, савдо-саноат вақфлари жуда кам бўлган. Одатда, бундай мадрасаларнинг дарсхона ва хужралари кам бўлган ҳамда кам сонли талабаларга мўлжалланган. Бундай вақфларга эгалик қилиши уларнинг курдирувчиси ва воқифининг давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеига боғлиқ эди.

Масалан, Андижон беклиги Қорасув қишлоғидаги мадрасанинг вақфномасидаги маълумотларга қараганда, 1278/1861 – 1862 йили Мулла Алимқули амирлашкар – Мулла Аликул эшик оғаси Ҳасанбий томонидан қурилган ушбу мадраса Қорасув қишлоғида жойлашган бўлишига қарамай, Андижон шаҳри бозорида жойлашган битта карвонсарой ва Марғилон бозоридаги 5 та дўкон вақф мулки бўлган. Бундан ташқари, Қўрғонтепанинг Полвон деган жойидаги суғориладиган ер майдонлари вақф қилиб берилган.

Худоёрхоннинг амалдорларидан бири Абдулқосим парвоначининг 1870 йили Марғилон беклигининг Аравон қишлоғида қурдирган мадрасаси ҳам қишлоқ мадрасалари орасида салмоқли савдо-саноат вақфларига эгалик қилувчи мадрасалардан бўлган. Мадраса нисбатан кичик, 10 хужрадан иборат бўлишига қарамай, суғориладиган ерлардан ташқари 1 та карвонсарой, 12 та дўкон, 1 та тегирмонга эгалик қилган²⁹⁷. Қўқон

²⁹⁵ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34195-иш, 3-варақ.

²⁹⁶ ЎзР МДА. И.47-фонд, 1-рўйхат, 328-иш, 49-варақ орқаси.

²⁹⁷ ЎзР МДА. И.47-фонд, 1-рўйхат, 328-иш, 36 – 37- варақлар.

хонлигининг Конибодом қишлоғида, маҳаллий сармоядор Мирзажонбой томонидан 1874 йили қурилган мадраса кичик мадрасалардан бўлиб, у ҳам 1 та карвонсарой ва 13 та дўкон вақфига эга эди²⁹⁸.

Исо Авлиёнинг Андижон беклиги Шоҳобод қишлоғида 1876 йили қурдирган мадрасасига Шоҳобод қишлоғи бозорида жойлашган 48 та дўкон ва жомеъ масжиди ёнидаги 24 та дўкон ва бошқа мулклар Худоёрхон томонидан вақф қилинган эди²⁹⁹.

Мактабларнинг савдо-саноат вақфлари ҳақида маълумотлар жуда камлигига қараганда, мактабларга бу турдаги вақфлар деярли ажратилмаган (айрим хусусий мактабларнинг вақф саройлари, мадрасалар таркибидаги мактабларни истисно қилганда). Қўқон хони Худоёрхоннинг укаси Марғилон ҳокими Султон Муродбек Қўқон шаҳрида мадраса, қорихона³⁰⁰ қурдириб, ерлар ва савдо корхоналарини вақф қилган. Хусусан, Султон Муродбекнинг Марғилонда 1866 йили бунёд қилган қорихонаси таркибида фаолият кўрсатган мактаб ҳам ушбу қорихонага ажратилган 22 та дўкондан иборат савдо-саноат вақфлари даромади билан таъминланган. Султон Муродбекнинг ўғли Саид Мавлонбекнинг Фарғона вилояти бошқармаси ер-солиқ бўлими бошлиғига ёзган аризасида кўрсатилишича, мазкур қорихона Қўқон шаҳрининг Чимлик азизлар Қадамжой номли қисмида жойлашган. Қорихона қошида 67 хона ва бир мактаб бўлган. Султон Муродбек ўз даврида Қўқон шаҳрида жойлашган Закотхона номли карвонсарой ва унинг жанубида жойлашган 18 та дўконни қорихонага, 20 та дўконни мактабга вақф қилиб берган³⁰¹.

²⁹⁸ ЎзР МДА. И.47-фонд, 1-рўйхат, 328-иш, 37- варақ.

²⁹⁹ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 3470-иш, 1 – 8-варақлар.

³⁰⁰ Қорихона – ўзига хос тарздаги ўқув юрти бўлиб, унда қорибоши ёрдамида Қуръон суралари ёд олинган ва ҳомийлари хоҳишига кўра тиловат қилиниб, савоби воқифнинг аждодлари ёки ўзига бағишланган. Қаранг: Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане... – С.47 – 48.

³⁰¹ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1- рўйхат, 4466-иш, 24-варақ.

Ҳаммомлар ҳам жойлашган ўрнига қараб каттагина даромад келтирган. Тошкент ҳокимларидан Нормухаммад қўшбеги 1832 йили Занги ота мозорида мадраса қурдириб, Тошкент марказида бир ҳаммом вақф қилган. Мазкур ҳаммом шаҳардаги энг сердаромад ҳаммомлардан бўлиб, 1894 йили ҳам 600 рубль даромад олган³⁰². Маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳридаги мадрасаларнинг аксарияти вақф хўжаликларига қараган, айримларигина хусусий бўлган.

Андижон бойларидан бири Девонабой Абдулкаримбоев ҳижрий 1289/1872 йили Андижон шаҳрининг Содик девонбеги маҳалласида кичкинагина мадраса қурдирган. Мадрасага Шаҳрихон қишлоғида жойлашган ҳаммомни вақф қилиб берган³⁰³. Мадрасанинг вақф даромади оз бўлгани боис, талабалари улуш олмаган ва фақатгина оиласидан келадиган молиявий маблағ ҳисобига ўқиган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, мадрасалар ва бошқа диний ташкилотлар иқтисодий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилган. Бу ташкилотларнинг иқтисодий қудрати уларнинг вақф мулкларидан оладиган даромадига боғлиқ эди.

Хонликдаги таълим муассасаларининг савдо-саноат вақфлари ажратиш 1865 йили Тошкент, 1876 йили Қўқон хонлиги тўлиқ босиб олингандан сўнг ҳам давом этди. Туркистон генерал-губернатори генерал С.М.Духовскойнинг фармойишига асосан В.П.Наливкиннинг 1900 йил 6 июнда тайёрлаган “Туркистон ўлкасини босиб олгунга қадар ва ундан кейин вақф мулкларини аҳволи ҳақида қисқача баёоти”да келтирилган маълумотлар шундан далолат беради³⁰⁴. В.П.Наливкин келтирган маълумотларга қараганда, хонлик йилларида катта миқдордаги таълим муассасаларининг вақф мулкларидан

³⁰² ЎзР МДА. И.1-фонд, 12-рўйхат, 79-иш, 15-варақ.

³⁰³ ЎзР МДА. И.19-фонд, 1-рўйхат, 34217-иш, 1 – 5-варақлар.

³⁰⁴ Наливкин В.П. Записка о положении вакфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания. – Ташкент, 1900. – С.24.

тушган даромади бу даврда ҳам жуда катта бўлган. Масалан, Тошкентдаги Эшонқули додхоҳ мадрасаси 40 та дўкон, 165 та савдо жойи, 2 та карвонсарой ва 1 та тегирмондан мадраса биносини таъмирлашга сарфланган харажатдан ташқари 2000 рублга яқин соф даромад олган. Тошкентдаги Хожа Ахрор мадрасаси 52 та дўкон, 300 та дўкон тагжойи, 1 та карвонсарой ва 2 та каппондан 670 рубль даромад қилган. XIX асрнинг 90-йилларида битта кўй 4 – 5 рубль, сигир 8 – 10 рубль эканини ҳисобга олсак, юқорида тилга олинган мадрасаларнинг савдо-саноат корхоналаридан келадиган даромади ниҳоятда катта эканига ишонч ҳосил қиламиз. Умуман олганда, мадрасаларнинг вақф мулклари қимматли ва улардан тушадиган даромадлар кўп бўлган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хонлик миқёсида савдо-саноат вақф мулклари, асосан, йирик шаҳарлар ҳамда савдо яхши йўлга қўйилган кичик шаҳарлар ҳамда катта қишлоқларда кўпчиликни ташкил этган. Қўқон хонлари, уларнинг оила аъзолари, амалдорлар, мулкдорлар орасида ўзларининг шахсий маблағидан мадраса қурдириб, унинг фаолиятини моддий жиҳатдан таъминлаш учун экин ерлар билан бир қаторда савдо-саноат вақфлари: бозорлар, расталар, дўконлар, карвонсарой, тегирмон ва ҳаммомлар эҳсон қилиш кенг тарқалган.

Савдо-саноат вақфлари кўпроқ мадрасаларнинг фойдасига ажратилган бўлиб, мактабларнинг бундай вақфлари ҳақида маълумотлар жуда кам. Айрим хусусий мактабларнинг вақф саройлари, мадрасалар таркибидаги мактабларни ҳисобга олмаганда, мактаблар бундай вақф мулкларига эгалик қилмаган.

Вақфнинг мазкур туридан келадиган даромадлар ҳам вақф ерларидан тушган даромад шаклидек азалий анъаналар асосида тақсимланган. Айрим вақф субъектларида деҳқончилик ерлари ва савдо-саноат вақфларидан

тушган даромад аралашган ҳолда, камдан-кам ҳолларда алоҳида тақсимланган.

Туркистондаги рус маъмурларини масжид, мадрасалар вақф мулкларидан қанча даромад олингани қизиқтирган. Шунинг учун Туркистондаги империя маъмурлари масжид, мадрасаларни вақф ерлари билан бирга савдо-саноат вақф мулкларини ҳам ҳисоб-китоб қилиш ишларини олиб борганлар. Шу боис Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинган, бир қатор амалдорлар маҳаллий таълим тизими ва унинг моддий таъминоти бўлган вақф мулклари назорати борасида бир қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқдилар. Жумладан, Ф.К.Гирс Туркистонда вақф хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш ва тартибга солиш борасида авлодларга вақф қилинган мулкларни хусусий мулк деб эълон қилиш, вақфга оид ишларни олиб бориш учун Тошкент, Янги Марғилон ва Самарқандда махсус комиссиядан иборат вақф маҳкамаларини ташкил этиш каби таклифларни киритди.

Ўлка мадрасалари фаолиятини узоқ вақт ўрганиб келган В.П.Наливкин ўз ҳисоботида мадрасалардаги ортиқча штат бўлиб турган мударрислар билан бирга мутаваллиларни қисқартириш масаласини ўртага ташлади. Натижада мадрасалардаги мударрислар сони 2 тадан, мутаваллилар сони 1 тадан ошмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Ҳатто мутаваллиларни ҳам вақфномадаги шарт асосида эмас, балки вақф эгалари орасидан сайлаш таклифини киритди. Албатта, мазкур таклифлар тўлалигича кучга кирмасида, асрлар давомида мавжуд бўлган вақф шартларига ўзгаришлар олиб кирди.

Мазкур бобнинг якуний хулосаси сифатида айтиш мумкинки, вақф мулклари хонликдаги мактаб ва мадрасаларнинг ташкил этилиши, фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда узоқ йиллар хизмат қилишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Гарчи мактаблар вақф мулкларисиз ҳам фаолият юритса-да, мадрасалар алоҳида молиявий таъминоти бўлмаса, иш олиб бора олмаган.

Одатда, хусусий мактабларгина фарзандлари ва авлодларининг яхши таълим олишини истаган, ўзига тўқ кишилар томонидан вақф билан таъминланган. Шу сабабли ҳам аксарият ҳолларда мадрасаларга турли шахслар томонидан вақф мулклар ажратилган. Вақфга ажратилган мулклар орасида узоқ вақт сақланиб туриши мумкин бўлган ер майдонлари: экин ерлар, боғлар ва ҳали ўзлаштирилмаган кўриқ ерлар алоҳида ажралиб турган.

Баъзи ҳолларда хонлар ёки ҳокимлар кўриқ ерларга сув чиқариб обод қилгач, улардан келадиган даромаднинг бир қисмини вақф сифатида белгилаганлар. Хусусан, Умархон ҳукмронлигининг сўнгги йилларида Наманган беклигида Норин дарёсидан қазилган Янгиариқ бўйлаб ўзлаштирилган ерлар Намангандаги Сайидқулибек мадрасасига вақф қилинган. Шунингдек, Муҳаммад Алихон даврида Хонарик, Худоёрхон даврида Улуғнаҳр ариқлари муносабати билан ўзлаштирилган ерларнинг ҳам маълум бир қисми вақф ерларига айлантирилган эди. Бу анъана бекликлар ҳокимлари томонидан ҳам амалга оширилган.

Бироқ 1887 йили Туркистон ўлкасида бошланган вақф соҳасидаги ислохотлар натижасида, собиқ хонлик ҳудудидаги вақф ерларга эгалик қилувчи вақф хўжаликлари ҳаммадан кўп зарар кўрди. Бундай вақф мулклари ҳужжатлари бир қисмининг ҳақиқий эмас деб топилиши, ерларнинг аниқ чегара ва жойлашган ўрни кўрсатилмагани ва мазкур ерларда узоқ йиллардан бери аҳоли истиқомат қилиши каби бир қатор сабаблар билан таълим муассасаларининг бир неча асрлик вақф ерлари тортиб олинди. Бу эса хонликдаги анъанавий таълим муассасалари молиявий аҳволининг бирданига ёмонлашувига, айрим мадрасаларнинг маблағ етишмаслигидан ўз фаолиятини тўхтатишига олиб келди.

Савдо-саноат вақфлари ҳам хонликдаги таълим муассасалари фаолиятида муҳим аҳамият касб этган. Бу туркумдаги вақф мулклар, асосан, савдо, ҳунармандчилик, маиший хизмат кўрсатиш соҳалари билан бевосита

боғлиқ бўлиб, шаҳарларда кенг тарқалган эди. Энг кўп савдо-саноат вақфларига эгалик қилувчи мадрасалар, шубҳасиз, Қўқонда эди. Бу ҳолат, аввало, мадрасалар сонининг кўплиги ҳамда уларнинг аксарияти хон ва унинг яқинлари, тариқат раҳнаmolари ҳамда йирик давлат амалдорлари томонидан барпо қилингани билан боғлиқ. Тошкент шаҳрида эса, аксинча, Муҳаммад Алихон мадрасасини эътиборга олмаганда, шаҳарда Қўқон хонлари томонидан бирорта мадраса бунёд этилмаган. Тошкентдаги мадрасалар фаолиятида муҳим роль ўйнаган савдо-саноат вақфларининг кўплиги Қўқон шаҳридаги ҳолатнинг акси, яъни йирик амалдорлар курдирган мадрасаларга улгуржи-чакана савдо расталари ўрин олган ерларнинг вақф қилиб берилиши билан боғлиқ бўлган. Шу сабабли Тошкентдаги савдо-саноат вақфларининг жуда катта қисми, асосан, 3 – 4 мадрасага тегишли эди.

Тегирмонлар, асосан, сув тегирмон бўлиб, шаҳарлардаги ариқлар бўйларида барпо этилган. Лашкар бекларбеги Кайковус ариғига иккита тегирмон курдириб, ўғли Эшонкули додхоҳнинг Тошкентдаги мадрасасига вақф қилган. Бундай вақф мулкларининг салбий томони – ариқда сув келмай қолса ёки сув оқимининг тезлиги пасайса, тегирмон вақтинчалик, баъзан бутунлай бузилиб, даромад келтирмай қоларди.

Мадрасаларнинг моддий таянчи вақф мулкидан тушадиган даромаднинг бир қисми, аввало, вақф мулкани сақлаб туриш, мадраса биносини таъмирлаш (шикасту рихт) учун ажратилган. Қолган қисмининг ўндан бири (тавлият) хўжалик ишларини юритувчи мутаваллига, учдан ёки тўртдан бир қисми мадрасада ўқув ишларини ташкил этувчи мударрисларга берилган. Қолган қисми муллалар (талабалар), мадраса қошидаги масжид имоми, сўфиси, сартароши ва фарроши ўртасида тақсимланган.

III. ХУЛОСА

XIX аср Қўқон хонлигининг маданий ҳаётида мактаб ва мадрасаларнинг тутган ўрнини ўрганишга қаратилган илмий изланишлар натижасида куйидаги **хулосалар**га келинди:

1. Ўрта Осиё минтақасида мадрасаларнинг таълим муассасаси сифатидаги фаолияти X асрга бориб тақалади. Бир неча асрлар давомида мадрасалардаги таълим тизими гоҳ ривожланиб, гоҳ турғунлик даврини бошидан кечирди. Хусусан, X-XII асрларда Бухоро, Самарқанд, Урганчдаги мадрасалар нафақат таълим, балки илм-фан марказлари сифатида фаолият юритди, уларда ўз даврининг таниқли уламолари диний ва дунёвий фанлардан дарс берганлар. Бу соҳадаги ривожланиш Амир Темур ва темурийлар даври мадрасаларида ҳам давом этди.

2. Жаҳон цивилизациясидан узоқлашув, халқаро савдо йўллариини Ўрта Осиё ҳудудини тарқ этиши, ўзаро парокандалик натижасида XVI асрга келиб жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тушқунлик жараёни юзага келди. Шу даврга келиб мадрасалардаги таълим сифати пасайиб, ўқув ва дарслик тизимида салбий томонга ўзгаришлар юз берди. Аниқ ва табиий фанларга нисбатан диний фанларга эътибор кучайтирилиб, мадрасалар кўпроқ диний-схоластик дарсликларни ўқитишга мослашиб қолди. XVIII аср бошида юзага келган Қўқон хонлигидаги мадрасалар фаолияти ҳам ана шу даврларда юз берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар ҳамда маданий-маънавий ҳаётда юз берган ўзгаришлар билан ҳамоҳанг эди.

3. Қўқон хонлигининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тарихи, маданий-маънавий ҳаётига оид изланишларда хонликдаги таълим тизими, маҳаллий анъанавий таълим соҳаси деярли тадқиқ этилмаган. Хусусан, хонликдаги мактаб ва мадрасалар фаолияти, ўқитиш тизими ва услублари, таълим муассасалари фаолиятининг жиҳатлари, иқтисодий таъминот масалаларини

бирламчи манбалар асосида тадқиқ этиш тарих фанининг долзарб вазифаларидан саналади.

4. Россия империяси мустамлакачилиги даврида ўлкада, жумладан, Қўқон хонлиги ҳудудининг маданий-маънавий ҳаёти ва таълим соҳасини ўрганишга қаратилган барча тадқиқотлар биринчи галда империянинг мустамлакачилик сиёсатига хизмат қилгани маълум. Совет ҳукмронлиги даврида эса тарихий воқеалар, ҳужжатли манба ва архив материаллари асосида кенг ёритишга киришилган бўлса-да, ҳукмрон коммунистик мафкуранинг кучли таъсири туфайли мактаб ва мадрасалар “дин ўчоқлари”, “хурофот уяси” деб баҳоланиб, бир томонлама хулоса чиқарилгани ўз исботини топди. Фақатгина Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқнинг бой ўтмиши ва маданий-маънавий мероси унга холисона, ҳаққоний баҳо бериш асосида атрофлича ўрганилди.

5. Қўқон хонлигида таълим тизими тадқиқига оид бирламчи манбалар орасида тарихий ҳужжатлар (айниқса, мактаб ва мадрасаларнинг вақфномалари) алоҳида ажралиб тургани билан, шу нарса аниқландики, уларнинг аксарияти мадрасаларга тегишли бўлиб, мактаблар фаолиятига оид ҳужжатлар эса камчиликни ташкил этади. Манбаларнинг яна бир қисми, яъни европалик сайёҳлар кундаликлари ва империя маъмурларининг расмий ҳисоботларида ҳамда махсус давлат муассасалари фаолиятига оид иш ҳужжатларида, маҳаллий тарихий асарларда мавзуга доир маълумотлар тарқоқ ҳолда ўз аксини топгани маълум бўлди.

6. Фарғона водийси ҳудудларида мактаб ва мадрасалар анъанавий таълим масканлари сифатида асрлар давомида фаолият кўрсатган. Хонлик ташкил топганидан кейин мактаб ва мадрасаларни ҳукмдорлар ва унинг яқинлари, ҳокимлар, тариқат пешволари ва ўзига тўқ кишилар томонидан қурилгани аниқланди. Қўқон хонлиги ҳукмронлиги йилларида мамлакат шаҳар ва қишлоқларида 400 га яқин катта-кичик мадрасалар бўлганки,

улардан Қўқон, Тошкент, Марғилон, Хўжанд, Ўратепа каби йирик шаҳарларга 20 тадан 50 тагача, Наманган, Ўш, Чуст, Шаҳрихон, Асака, Тўрақўрғон қатори кичик шаҳарларга 3-10 та атрофида мадрасалар тўғри келади. Қишлоқ мадрасалари, асосан, аҳолиси кўп қишлоқ марказида, одатда, 1-2 та бўлган. Бошланғич таълим берувчи оддий услубдаги мактаблар эса хонлик даврида деярли барча масжидлар қошида ишлаб тургани манбалар ва архив маълумотлари асосида аниқланди.

7. Мадрасалардаги таълим тизими уч босқичли бўлиб, у адно (қуйи), авсат (ўрта) ва аъло (юқори) босқичларга бўлинган. Дарслар ҳам босқичлар орасида белгиланган тартибда олиб борилиб, “Мулла Жалол” (мантиқ ва теология), “Мишкоти Шариф” (хадислар ҳақида), “Тафсири Қози Бойвазий” (Қуръон тафсири), “Тавзих” (ислом ҳуқуқининг манбалари бўлмиш “Қуръон”, ҳадис, ижмо ва қиёс ҳақида умумий маълумотлар берувчи фан, аниқроғи олий мантиқ фани), “Фикҳи Кайдоний”, “Мухтасар ул-виқоя”, “Шарҳ ул-виқоя”, “Ҳидоя” каби дарсликлар махсус мударрисларнинг таълим ҳавзаларида ўзлаштирилгани маълум бўлди.

8. Мактаб ва мадрасалар фаолиятида улар ўртасидаги ҳудудий хусусиятлар алоҳида эътиборга моликлиги ҳам аниқланди. Пойтахт Қўқон ҳамда йирик шаҳарлардаги мактаб ва мадрасалар бекликлардаги ёки қишлоқлардаги бундай таълим муассасаларидан фақатгина ҳашаматли бинолари билан эмас, ўқитиш савияси, таълим сифати ҳамда Ўрта Осиё мадрасалари орасидаги мавқеи билан ҳам ажралиб турган. Йирик шаҳар мадрасаларига мударрислар шахсан хон ёки ҳокимлар томонидан ўз билими ва қобилияти билан танилган шахслардан тайинланган. Қишлоқ мадрасаларида эса бу ҳолат деярли кўзга ташланмаган, таълим билан масжид имоми, унинг муовини (имом ноиб), баъзан эса шаҳарлардан таклиф қилинган йирик ва обрўли мадрасаларнинг толибул-илмлари машғул бўлган.

9. Чорвадор, кўчманчи аҳолининг бой қатлами, қабила ва уруғ бошлиқлари ёз ойларида шаҳарлардан мударрисларни чақириб, ўз фарзандлари қаторида қабиладошларнинг болаларини ҳам саводхон қилишга ҳаракат қилганлар.

10. Вақф мулклари хонликдаги мактаб ва мадрасаларнинг ташкил этилиши ва узоқ йиллар хизмат қилишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Гарчи мактаблар вақф мулкларисиз ҳам фаолият олиб борса-да, мадрасалар алоҳида молиявий таъминоти бўлмаса, иш олиб бора олмаган. Одатда, хусусий мактаблар, баъзан бадавлат кишиларнинг мактаблари вақф билан таъминланган. Мадрасаларга ажратилган вақф мулклар орасида узоқ вақт сақланиб туриши мумкин бўлган ер майдонлари – экин ерлар, боғлар ва ҳали ўзлаштирилмаган кўриқ ерлар кўпчиликни ташкил этган. Савдо-саноат вақфлари туркумига савдо, ҳунармандчилик, маиший хизмат кўрсатиш соҳалари билан бевосита боғлиқ бўлиб, асосан, шаҳарларда кенг тарқалган.

11. Мадрасаларнинг моддий таянчи вақф мулкидан тушадиган даромадларнинг бир қисми, аввало, вақф мулкани сақлаб туриш, мадраса биносини таъмирлаш (шикасту рихт) учун ажратилган. Қолган қисмининг ўндан бири (тавлият) хўжалик ишларини юритувчи мутаваллига, унинг учдан ёки тўртдан бир қисми мадрасада ўқув ишларини ташкил этувчи мударрисларга берилган. Қолган қисми муллалар (талабалар), мадраса қошидаги масжид имоми, сўфиси, сартароши ва фарроши ўртасида тақсимланган.

Диссертация тадқиқоти хулосаларидан келиб чиқиб қуйидаги **таклиф** ва **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

- Қўқон хонлигидаги анъанавий таълим тизимига бағишланган махсус илмий тўплам ва монография нашр этиш;

- Қўқон хонлигида мактаб ва мадраса таълими хусусиятлари, тадрижий ривож, ютуқ ва камчиликлари ўрганилиши натижаларини ўрта мактаб, касб

– ҳунар коллежлари ўқувчилари ва олий таълим талабалари учун “Ўзбекистон тарихи” фанидан яратиладиган ўқув қўлланмалари ва дарсликларда акс эттириш;

- хорижий давлатлардаги кутубхона, илмий марказларда сақланаётган анъанавий таълим тизимида доир илмий асар, рисола ва мақолаларни олиб келиб, уларни илмий истеъмолга киритиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, фармонлар ва ҳукумат қарорлари

I.1. “Ўзбекистоннинг янги тарихи”ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1996 йил 16 декабрь // Халқ сўзи.- 1996.- 17 дек.

I.2. “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги қарори // Халқ сўзи.- 1998.- 28 июль.

I.3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 32 б.

I.4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 686 б.

I.5. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

I.6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ҳужжатлари

II.1. И.1-фонд – Туркистон генерал-губернаторлиги канцелярияси.

II.2. И.17-фонд – Сирдарё вилояти бошқармаси.

II.3. И.19-фонд – Фарғона вилоят бошқармаси.

II.4. И.47-фонд – Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси.

II.5. И.1043-фонд – Қўқон хонлари архиви.

III. Ёзма манбаларнинг таржима ва табдил нашрлари

III.1. Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи жаҳоннамои / Форс-тожик тилидан Ш.Воҳидов таржимаси // Шарқ юлдузи. 1991. – №8. – Б. 119 – 137.

III.2. Валихонов Ч.Ч. Записка о Кокандском ханстве // Собрание сочинений в пяти томах. Т.3. – Алма-Ата: Наука, 1985. – 415 с.

III.3. Мирза Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 241 б.

III.4. Мирзоолим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи (Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. – 127 б.

III.5. Мирза Алим ибн Мирза Раҳим Тошканди. Ансаб ус-салатин ва таварих ал-хавоқин (Генеология султанов и истори хаканов) / Пер., примеч., указатели С.Йўлдашева; введение, науч. ред. Ш.Воҳидов. – Ташкент, 2007. – 255 с.

III.6. Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алимқули Амирлашкар / Нашрга тайёрловчи Ш.Воҳидов // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1996. – №1. – Б. 214 – 223; №2. – Б. 208 – 223.

III.7. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий (Фарғона чор мустамлакаси даврида) / Нашрга тайёрловчилар Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 120 б.

III.8. Муҳаммад Юнус Ходжа б. Муҳаммад Амин Ходжа. Тухфаи Таиб / Коматцу Х., Бабаджанов Б., Вахидов Ш. Islamic Area Studies Project Central Asian Research Series. – Ташкент-Токио, 2002. – №6. – 32 р.

